№ 9, 2012

Биржа Эксперт

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МОЛИЯ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИЛМИЙ АМАЛИЁТ



УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Фермер хўжаликларида ходимларни бошқариш самарадорлигини ошириш стратегияси

39

ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

10 Оилавий тадбиркорлик – аҳолини иш билан банд қилишнинг самарали йўли

17 Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг совриндорлари

22 Акциядорлик жамиятларининг пул даромадларини шакллантириш ва тақсимлаш масалалари

49 Ахборот логистик тизимларининг турлари ва уларни яратиш тамойиллари

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №163/5 от 25 марта 2010 года, журнал «Биржа-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

Имтиёз ва имконият
Д. Раҳимова, М. Алимбаев. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий асослари **3**

Таққос ва таҳлил
А. Бурханов. Ўзбекистонда кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари **6**

Бандлик
А. Байбеков. Оилавий тадбиркорлик – аҳолини иш билан банд қилишнинг самарали йўли **10**

Нуқтаи назар
В. Жўраева. Маркетинг тадқиқотларини ривожлантириш – иқтисодиёт тармоқлари юксалиши гарови **12**

Модернизация
Б. Исамуҳамедов. Иқтисодчи кадрлар малакасини ошириш тизимини самарали молиявий бошқаришни такомиллаштириш **15**

Эътироф
Қ. Абдураҳмонов. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг совриндорлари **17**

Молия
Ш. Эргашходжаева, Ф. Маматова. Тадбиркорлик фаолиятида трансакция харажатлари ва уларни камайтириш йўллари **19**

Таҳлил
Г. Абипова. Акциядорлик жамиятларининг пул даромадларини шакллантириш ва тақсимлаш масалалари **22**

Бозор тамойиллари
Ж. Холов. Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини янада такомиллаштириш жараёнлари **23**

Дунё тажрибаси
Н. Жумаев, У. Дускобилов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ХХРнинг ички истеъмолни рағбатлантиришга йўналтирилган реал секторни ривожлантириш сиёсати **26**

Ҳисоб-китоб
А. Абдуллаев. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар эволюциясига доир баъзи бир далзарб масалалар **30**

Соҳа тараққиёти
А. Мелиқулов. Замонавий ахборот технологиялари – маълумотлар узатишнинг тезкорлигини таъминлаш ва бизнесни ривожлантиришнинг гарови **36**

Кадрлар сиёсати
Р. Комилов. Фермер хўжаликларида ходимларни бошқариш самарадорлигини ошириш стратегияси **39**

Инфратузилма
Н. Каттаев. Транспорт логистика маркази – "ўсиш нуқталари"нинг муваффақияти гарови **46**

Коммуникация
Ш. Одилов. Ахборот логистик тизимларининг турлари ва уларни яратиш тамойиллари **49**

Тадқиқот
Т. Тешабаев.Таълим тизимида замонавий ахборот технологиялари **51**

Услубиёт
О. Занжиров. Умумтаълим мактаблари Директорлик жамғармаси фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари **53**

Вазиятга назар
Д. Нишонов. Олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги ва рақобат устунликлари **57**

Биржа Эксперт

Биржа Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор, РТФА академиги
доктор экономических наук, профессор, академик РАЕН

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Абдураҳим ВАҲОБОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Дилфуза РАҲИМОВА
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир ХОДИЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Алишер ВАҲОБОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Шуҳрат ЮЛДАШЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Эркин ГАДОЕВ
иқтисод фанлари номзоди, доцент
кандидат экономических наук, доцент

Шарофиддин ҲАЙДАРОВ
иқтисод фанлари номзоди, доцент
кандидат экономических наук, доцент

Аҳтам ДАЛИЕВ
иқтисод фанлари номзоди
кандидат экономических наук

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий асослари



Мамлакатимиз мустақилликка эришиши билан иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ республикада давлат ва иқтисодиётни қайта қуриш бошланди. Президентимиз И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" номли асарида пировард мақсадлар аниқ белгилаб берилди. Бу "барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир". Ислоҳотларни пировард мақсадлари ҳар бир оиланинг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш, унинг гуллаб-яшнаши учун зарур шарт-шароитларни, миллий анъаналарни, минталитетни ҳисобга олган ҳолда яратиш оиланинг шахсий эҳтиёжларига тўла-тўкис мос ва уйғундир. Одамларнинг ҳаётий манфаатлари, ижтимоий эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг қаноатлантиришнинг воситалари ва усулларини излаш, жамиятнинг ўз-ўзини бошқариш қобилиятини, индивидларнинг ташаббусини ва мустақиллигини тўла-тўкис ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш амалга оширилаётган ислоҳотлар учун ҳал қилувчи омиллар эди. Ушбу йўлни амалга ошириш, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бешта муҳим ва машҳур тамойил асос қилиб олинди. Ишлаб чиқилган тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғрилиги ва таъсирчанлиги тасдиқланди. Бу тамойиллар жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди, энг муҳими, халқимиз буни қабул қилди ва қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1-моддасида: "Фуқаролик қонун ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартномаларнинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади.

Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эркларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар. Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлади", дея қайд этилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тарихи ҳам хусусий мулк ва бозор сингари узоқ ўтмишга эга. Жумладан, кишилар ўзларига тегишли бўлган воситалар ва меҳнат предметларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган вақтдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини юргизганлар. Мамлакатимизда ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти узоқ ўтмиш ва тарихга эга. Қадимдан шарқ ва ғарб халқларини бир неча минг йиллар давомида савдо-иқтисодий соҳада бир-бирига боғлаб келган қадимги йўллардан бири "Буюк ипак йўли"дир. Бу йўл фанга "Ипак йўли" номи билан фақат XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб немис олими Ферденанд Фон Рихтгофен томонидан киритилган. Унга қадар бу йўл "Ғарбий меридионал йўл" деб номланиб келинган.

"Буюк ипак йўли" орқали шарқ ва ғарб мамлакатлари ўзларини иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий алоқаларини амалга оширган. Жумладан, Хитой ҳукмдорлари ўз элчиларини катта совға-саломлар билан Марказий Осиё, Эрон, Месопотамия ва Кичик Осиё давлатларига юборганлар. Суғдлик савдогарлар ўзларининг бу йўлдаги ҳукмдорликларини сақлаб қолиш учун Шарқий Туркистонда, Еттисув, Олтойдан то Енисей соҳилларига қадар бўлган ҳудудларда, шимолий Хитойнинг Шанси вилояти ва Дунхуан каби шаҳарида ўз карвонсаройларини барпо этганлар.

Мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, тадбиркорликни кенг ва равон йўлга олиб чиқиш, иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш осон кечмаганлигини яққол кўриш мумкин. Маъмурий буйруқбозлик тузумда асрлар мобайнида ўз тасдиғини топган иқтисодий қонунлар инкор этилган ва иқтисодиёт зўрмазўраки тарзда боши берк кўчага киритиб қўйилган, тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги беқиёс аҳамияти йўққа чиққанлиги ҳаммамизга маълум. Аммо, шундай даврда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига қизиқтириш Президентимиз ташаббуси билан 1989 йилда аҳолига ўзининг шахсий хўжалигини йўлга қўйиш учун ер участкалари ажратиб беришидан бошланган. Бу ўз навбатида, энг мураккаб ўтиш даврида юртимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, одамларни иш билан банд этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳисобига бозорларни тўкин-сочин қилиш, нарх-наволарни арзонлаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларини берди. Энг муҳими, одамларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган қизиқишини, эркин ишлаш унинг маҳсулидан ўзини ва жамиятни баҳраманд этиш ва мулкка эгалик қилиш ҳиссиётларини уйғотди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида аҳолининг иш билан бандлигини ва фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Шу боисдан ҳам Президентимиз И.А.Каримов "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди", деб таъкидлайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ортиб, барқарор иқтисодий ўсиш омилига айланиб, ҳозирги вақтда иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоизидан ортиқроғи айнан шу соҳада меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Жумладан, 2011 йил давомида мазкур соҳани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларидан бири юртимизда яратилган бир миллионга яқин иш ўрнининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилиб, бу соҳа мамлакатимиз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўринни эгалламоқда. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги вақтда 54 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "...кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларига янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларини яратиш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, бу тармоқларни уларнинг қўл-оёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан халос этиш – бу масалалар устида қонунчилик соҳаси ва амалиётимизда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш лозимлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак" дея бежиз, таъкидламаган. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида, эркин тадбиркорлик фаолияти учун етарли шарт-шароитни таъминлаб берган юртгина иқтисодий жиҳатдан тараққий топади ва ривожланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий базани яратишга жиддий эъти-

бор берилмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидаги устуворликларни ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга ошириш сифат жиҳатидан янги иқтисодий ҳуқуқий шароитларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай имкониятларни вужудга келтирди. Шуни ишонч билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳа фаолиятини рағбатлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 36-моддасида "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли ... мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади" деб ёзиб қўйилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти хусусий мулк билан боғлиқ бўлиб, мулкка эгалик қилиш (мулкдор ҳуқуқининг мулк эгаси қўлида сақланиб туриши), ундан фойдаланиш (мулк бўлган бойликни иқтисодий фаолиятда қўллаб, хўжалик жараёнига киритиб, ундан натижа олиш), уни тасарруф этиш (мулк бўлган бойлик тақдирини мустақил ҳал этиш) қонун билан кафолатланган. Республика Конституцияда Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил мулк шакллари ташкил этиши белгилаб қўйилган. Тадбиркорлик ҳам иқтисодий фаолият тури сифатида таҳлил қилиниб, 53-моддада қуйидагича баён этилган: "Давлат истеъмолчининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди" деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ва кафолатланиши мустаҳкамланган. Жумладан, кодекснинг 164-моддасида, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкига ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатлиги қайд этилган. Умуман олганда, Фуқаролик кодексининг нормалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қуйидаги қонунлар билан ҳам кафолатланган: "Мулкчилик тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектларини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Корхоналар тўғрисида", "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида" ва шу каби бошқа қонунларда. Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-табирлари тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда бу борада қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги ва шу каби бошқа қарорларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар берилган.

Тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари тарзида Ўзбекистон Республикаси "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 25- ва 26-моддаларига "корхоналарни банкротлик ҳолатига келтирилган раҳбарлар тўғрисида маълумотлар базасини яратиш ва келгусида уларни раҳбарлик лавозимларига тайинламаслик тўғрисида ҳокимликларга таклифлар киритиб бориш" ваколатини киритиш (кутилаётган натижа: келгусида корхоналарнинг банкротлик ҳолатига келиб қолишларининг олдини олиш);

"Савдо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиб ва тақдим этиш (асос: савдо-сотиқ саволлари асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қарорлар билан йўлга қўйилган, уларни бирлаштириб янги Қонун ишлаб чиқиб, қабул қилиш керак);

"Давлат хусусий ҳамкорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиб ва тақдим этиш (асос: давлат хусусий ҳамкорликни йўлга қўйилган аниқ қонуний ҳужжатлар мавжуд эмас);

"Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Дилфуза РАҲИМОВА,
Иқтисод фанлари доктори,
профессор.
Муродилла АЛИМБАЕВ.

Ўзбекистонда кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари

КИЧИК БИЗНЕСНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АСОСИЙ БЎҒИН ВА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ҲИСОБЛАНАДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАМ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ ҚИЛИБ БЕЛГИЛАНГАН.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнесни давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланиши натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 31,0 фоиз ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 54,0 фоизга етган. Шу жумладан, жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2011 йилда 74,8 фоизни ташкил этмоқда. 2012 йилдаги янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиқ қисми ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилиш кўзда тутилмоқда[1].

Кўриниб турибдики, кичик бизнес макроиқтисодий жиҳатдан мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан эса янги иш ўринларини яратиш ҳисобига аҳоли даромадлари ва тўлов қобилиятини ошириш имкониятини бермоқда.


Шунингдек, кичик бизнесни барқарор ривожлантириш, қўллаб-қувватлашдаги давлатнинг оқилона иқтисодий сиёсати натижасида мамлакатимизда қулай макроиқтисодий муҳит яратилди. Жумладан, хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик мустаҳкамланди, рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда рўйхатдан чиқариш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни бериш жараёнлари соддалаштирилди, давлатнинг кичик бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорлик субъектлари топширадиган ҳисоботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилди, солиқ ставкалари унификация қилинди, моддий-техник ресурслардан кенг фойдаланишга имкон берадиган бозор механизми шаклланди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати натижасида, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 1996 йилда 38 фоиздан 2012 йилда 5 фоизга камайтирилиши кичик бизнес субъектларининг ишбилармонлик фаолияти ва молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда (1-расм).

1-расм. Кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси[1]



2-расм. Кичик бизнесни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори[3]



Бунинг натижасида, кичик бизнес субъектларининг инвестицион фаолияти кенгаймоқда ва бўшаб қолган пул маблағларини биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

Шунингдек, кичик бизнес субъектларига Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг миқдори сезиларли даражада ошмоқда. Жумладан, 2001 йилда ушбу соҳани ривожлантириш учун банклар томонидан ажратилган кредитлар миқдори 171,5 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011 йилга келиб қарийб 26 баробарга ошди ва 4377 млрд. сўмни ташкил қилди (2-расм). Ўсиш тенденциясининг мавжудлиги банклар томонидан кичик бизнесни кредитлаш сиёсати изчиллик билан давом эттирилаётганлигидан далолат беради.

Бироқ, бугунги кунда жаҳон миқёсида рақобат ва истеъмолчилар талабининг кучайиши, тармоқлар ишлаб чиқаришидаги диверсификациялашув ва ихтисослашувнинг чуқурлашуви жараёнлари таъсири остида кичик бизнес фаолиятининг ўзгариши кузатилмоқда. Бундай жараён кичик бизнеснинг иқтисодий моҳияти ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги тутган ўрнига нисбатан кенгроқ ёндашув зарурлигини талаб этмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи инновацион жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва кўламини ошириш билан характерланади. Бундай шароитда кичик бизнес самарадорлиги ўз фаолиятини фан ютуқларига асосланган ишланмалар, саноатда кенг кўламли илм-фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилиш, шунингдек, илмий ихтиро натижаларини тижоратлаштиришга йўналтирганлиги билан белгиланади. Ушбу омиллар иқтисодиётда кичик инновацион бизнес шаклланишига асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, жаҳон ва мамлакат миқёсидаги рақобатнинг кучайиши ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, фикримизча, қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим (3-расм).

Биринчидан, кичик инновацион бизнесни институционал қўллаб-қувватлаш. Улар қуйидагилардан иборат:

– мамлакатда индустриал-инновацион йўналтирилган ва мослашувчан ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжалик юритишнинг янги моделини шакллантириш;

– инновацион кодекс доирасида ягона ҳуқуқий нормалар тизимини яратиш, унда инновацион фаолиятни тартибга солувчи, илм-фан сиғимига эга тадбиркорлик соҳасида асосий атамаларни аниқлаштирувчи, кичик инновацион бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (республика ва ҳудудий даражада) чоралари, шунингдек, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор асосий қонунларни акс эттириш;

– кичик инновацион бизнесни пайдо бўлиши ва ривожланишига замонавий молия-кредит механизми билан кўмаклашаётган тизимларга рағбатлантириш механизмини яратиш, кичик инновацион бизнес фаолиятини молиялаштираётган тижорат банкларига махсус имтиёз ва преференциялар тизимини ўрнатиш;

– кичик инновацион бизнес фаолиятини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари ва солиққа тортиш умумий даражасини пасайтириш йўли билан уларнинг хўжалик юритиш шароитини такомиллаш-

3-расм. Кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўналишлари[4]



тириш, венчурли молиялаштириш тизимини кенгайтириш, йирик компаниялар, тижорат банклари, суғурта ташкилотларнинг кичик инновацион бизнес субъектлари билан ҳамкорлик қилиш қизиқишларини ошириш;

– кичик инновацион бизнесни бозорлар "муҳит" ва "сотиш" ўртасидаги муносабатни кенгайтириш, бунда уларнинг қимматли қоғозлар, биринчи навбатда, корпоратив бозорда, меҳнат ва ресурслар бозорларида, шунингдек, биржалар, сотувларда, ярмаркалар ва аукционларда фаол қатнашишини таъминлаш;

– давлат ва кичик инновацион бизнес ўртасида шериклик алоқаларининг турли шаклларини жорий қилиш. Бу давлат ва кичик инновацион бизнес ўртасида кооперация алоқаларнинг турли шаклларини амалга ошириш, кичик технологик фирмаларни рағбатлантириш ва молиялаш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, илмий-техник маҳсулотлар бўйича давлат буюртмалари тизимини кенгайтиришни назарда тутади;

– инновацион-фаол корхоналар учун консалтинг хизматлари бозори инфратузилмасини шакллантириш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича бозор институтларини ривожлантириш, профессионал инновацион менежмент тизими, инновацион лойиҳаларни мустақил илмий экспертиза қилиш стандартини яратишда давлат иштирокини таъминлаш;

– кичик инновацион бизнес вакилларидан ташкил топган республика ва ҳудудларда уюшмалар, бизнес марказлар, шунингдек, халқаро тадбиркорлар уюшмаларини ташкил қилиш;

– инновацион менежмент бўйича махсус курсларни ташкил қилиш ва ушбу йўналиш бўйича мутахассислар малакасини доимий ошириб бориш, шунингдек ўқув, илмий, услубий, маълумот адабиётларини кенгайтириш ва инновацион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича дастурлар яратиш.

Шундай қилиб, кичик инновацион бизнесни институционал қўллаб-қувватлаш давлат томонидан тартибга солиш воситалари ва барча бозор механизмларидан фойдаланишга асосланган чоратадбирлар мажмуасини ўзида акс эттириши лозим. Хусусан, кичик инновацион бизнес субъектларини рағбатлантиришга ёндашув кичик инновацион бизнеснинг эришган натижалари, улар фаолиятининг ташқи ёки ички бозорга йўналтирилганлиги, унинг қайси тармоққа мансублиги, миқдори ва муддатлари бўйича табақалашган бўлиши зарур.

Иккинчидан, кичик саноат корхоналарни инновацион кластерлар билан ҳамкорлигини рағбатлантириш. Ушбу йўналиш кичик инновацион бизнесни илмий-тадқиқот ташкилотлари, йирик саноат корхоналари, молиявий тузилмалар ва ҳукумат органлари билан кластер бўғинлари доирасида кооперация алоқаларини ўрнатиши ҳисобланади. Бу жараёнда иштирок этаётган субъектлар учун ўзаро барқарор манфаатли алоқаларни шакллантириш, ташқи ва ички бозорларда рақобат устунликларга эришиш учун асос бўлади.

Ўзбекистонда инновацион кластерларни шакллантириш ва уларга кичик инновацион биз-

несни кириши учун шарт-шароит яратиш давлатнинг иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади ва у алоҳида кичик инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилишигина эмас, балки турли ҳажмдаги ва турдаги фаолиятни бирлаштирувчи "юқори технологиялар" тизимини ривожлантиришни рағбатлантиришга асосланмоғи лозим.

Мамлакатда кичик инновацион бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни кўриш зарур:

инновацион кластерларни ривожлантириш бўйича давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республика ва ҳудудий кичик бизнесни ривожлантириш дастурларини кластер лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари билан уйғунлаштириш;

кичик инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш институтлари фаолиятини барча даражада тармоқлараро ва ижрочи органлар билан келишилган ҳолда амалга оширишни таъминлаш.

Шунингдек, кичик инновацион бизнесни инновацион кластерларга киришини таъминловчи ташкилий ва услубий тадбирларни амалга ошириш, ахборот таъминоти бўйича қўллаб-қувватлаш, кластерлар доирасида фаолият юритаётган ҳукумат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳат марказларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Кластерлар доирасида кичик инновацион бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш давлат ва хусусий тармоқ шериклиги шароитида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ва бу жараёнларга давлат ва маҳаллий бюджет маблағларинигина эмас, балки венчур фондлар, йирик компаниялар ва тижорат банклар кредитларини жалб қилиш зарур. Шу билан бир қаторда, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш ва жалб қилишга масъул бўлган франчайзинг компанияларни шакллантириш лозим.

Шунингдек, инновацион кластер субъектлари томонидан олинган кредитларни кафолатлаш тизимини жорий қилиш, кредит кооперацияси ва суғуртасини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, кичик инновацион бизнес ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлаш. Шу жумладан, рақобат барқарорлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият тизимида кичик корхоналар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакат экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотлар улушини ошириш мақсадида, фикримизча, кичик корхоналар экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Унда қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

ташқи бозорларга чиқиш учун тадбиркорларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

кичик инновацион корхоналар учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро стандартлар бўйича лицензиялаш, берилган қарзларни давлат томонидан кафолатлаш шарти билан экспорт фаолиятини кредитлаш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ сиёсий, тижорат, молиявий ва бошқа хатарларни суғурта қилишни таъминлаш, экспортерларга ахборот-маслаҳат кўмагини ташкил қилишда махсус имтиёзлар тизимини тақдим этиш;

инновацион маҳсулотлар ярмаркаси ва кўргазмаларини ўтказиш, рекламани ташкил қилиш ва хорижий давлатларда шерикларни топишда кўмаклашиш;

инновацион-технологик инфратузилмаларни такомиллаштириш;

халқаро бозорларда миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича шарт-шароитлар яратиш.

Кичик инновацион бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ушбу йўналиши хўжалик юритиш субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Шундай қилиб, давлат ва бозор иқтисодиётнинг инновацион тармоғи фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашиши, самарали миллий саноат сиёсатини олиб бориш, кичик ишлаб чиқариш корхоналар инновацион фаоллигини рағбатлантириш, бу биринчи навбатда жамиятдаги инновацион тараққиётга туртки бўлмоғи лозим.

Актам БУРХАНОВ,
Тошкент Давлат техника университети "Менежмент" кафедраси мудири, и.ф.д.

[1] И.А.Каримов. 2012 йил – "Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". – Тошкент: "Ўзбекистон", 2012. –Б. –18.

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

[3] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

[4] Муаллиф томонидан тузилган.

Оилавий тадбиркорлик – аҳолини иш билан банд қилишнинг самарали йўли



Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор муносабатларининг ривожланиши ўз ичига меҳнат ресурслари, иш билан бандлик муаммосини ҳам мужассамлаштиради. Бу айниқса, юқори демографик ўсишга эга бўлган, иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати ҳамда таркибий ўзгартиришларни амалга ошираётган мамлакатлар учун муҳим. Айнан шу ерда ортиқча иш кучини жадал тарзда ишдан озод бўлиши ҳамда иш излаётган шахслар сони кўпайиши кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг бугунги ҳолатини тадқиқ этиш ва шу асосда келгусида янги иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик даражасини оширишни талаб қилади.

Бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани ҳам ушбу секторнинг мавқеи юқорилигидан далолат беради. Жумладан, 2000 йилда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йил якуни билан бу кўрсаткич 54 фоизга етди.

Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатлари ривожланиши мавжуд меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини баҳолаш заруратини туғдиради. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу афзалликларидан самарали фойдаланилмоқда ҳамда 2012 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 480 мингтадан кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда пул даромадларини оширишда тадбиркорлик соҳасидаги кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оилавий тадбиркорлик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўзига ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти катта бўлиб, у бир қатор афзалликларга эга:

– мослашувчанлик ва инновацияларнинг юқори даражаси, ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашиш қобилияти;

– оила бюджетини ва фаровонлигини, турмуш даражасини ўсишига олиб келади;

– оила институтини мустаҳкамлаш каби муҳим ижтимоий вазифани бажаради, ёшларни муваффақиятли тарбиялашга имкон бергани ҳолда, уларни ижтимоийлаштиришга ҳамда демографик

муаммоларни ҳал этишга имкон беради;

– ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бўлган юқори интилиш даражасини таъминлайди;

– иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида зарурий шарти бўлган фуқароларнинг тадбиркорлик нуқтаи назаридан ўз-ўзини рўёбга чиқаришга имкон беради;

– жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг барқарорлашувига имкон беради.

Оилавий тадбиркорликнинг энг муҳим томони шундаки, бунда иш берувчиларнинг кўпгина тоифалари томонидан ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кам фойдаланаётган пенсионер ва ногиронлар каби меҳнат ресурсларини меҳнат фаолиятига фаол жалб қилади. Бундан ташқари, йирик бизнесга нисбатан иш ўринларини яратиш анча арзонга тушади ҳамда камбағалликка қарши кураш ва янги иш ўринларини ташкил этиш манбаи ҳисобланади.

Республика иқтисодиётида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг асосий мақсади ҳудудлар ва унинг ҳар бир минтақасида оилавий тадбиркорликнинг жадал ва самарали ўсишини таъминловчи оилавий бизнес инфратузилмасини шакллантиришнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Аксарият мамлакатларда иш билан бандлик ва унинг кўрсаткичларини белгилаш пайтида Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХТМ) тавсияларидан фойдаланилади. Мамлакатимизда ҳам 1993 йилдан бошлаб, ушбу ХТМ тавсияларидан фойдаланишга асосий эътибор қаратиб келинмоқда.

Иш билан бандлик бозор концепцияси халқаро стандартлари ва Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли иш билан бандлиги тўғрисида"ги қонунининг янги таҳрири (1998 йил)га кўра, бу - фуқароларнинг шахсий ҳамда жамоат эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, иш ҳақи бериладиган (меҳнат даромади келтирадиган) фаолиятидир. Бунга кўра, ҳар ким ўзининг меҳнат қобилиятидан фойдаланиш, ишлаш ёки ишламаслик, доимий, вақтинчалик ёки қисман меҳнат фаолиятини, жумладан, тўлов билан боғлиқ бўлмаган ҳолларни ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга асосан, мажбурий меҳнат ман этилган. Шундай қилиб, иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар, ақлий ва жисмоний меҳнатда фаол иштироки билан доимий, вақтинчалик, мавсумий, тасодифий ёхуд бир марталик (эпизодик) бўлишидан қатъи назар, ёлланма ишчилар ёки ходимлар ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида амалиётда ҳам, назарияда ҳам гап аҳолининг тўлиқ эмас, балки самарали иш билан бандлиги ҳақида боради. У эса, инсонларнинг меҳнатдаги эҳтиёжлари ҳамда бу борада юқори самарадорликка эришиш мақсадида иқтисодиёт ривожланишининг мақбул уйғунлигини кўзда тутади. Аҳоли иш билан бандлигига таъсир кўрсатадиган энг муҳим омилларга аҳоли сони, жинси ва ёш таркиби, миграцияси, яшаш даражаси, сиҳат-саломатлиги, шунингдек, мулкчилик шакллари, тармоқлар, иқтисодиёт соҳалари бўйича мавжуд бўлган иш ўринларининг таркиби киради. Бу омилларнинг барчаси муайян ҳудудий шароитда тадқиқ қилиниши лозим. Иқтисодий, ижтимоий муносабатлар барқарорлиги, аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва ҳудуднинг иш билан бандлик соҳасидаги фаол сиёсати, иш ўринлари таркибида ўзгаришларга етарли даражада тез мослаша оладиган ишчи кучининг ҳаракатчанлиги бу шартлардан энг муҳимлари ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор муносабатларининг ривожланиши ўз ичига меҳнат ресурслари бандлиги муаммосини ҳам мужассамлаштиради. Бу айниқса, юқори демографик ўсишга эга бўлган, иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати ҳамда таркибий ўзгартиришларни амалга оширадиган мамлакатлар учун муҳим. Айнан шу ерда ортиқча ишчи кучининг жадал тарзда ишдан озод бўлиши ҳамда иш излаётган шахслар сони кўпайиши кузатилмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

– Марказий банк ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда узоқ муддатли кредитлар тақдим этиш, лизинг тизими асосида самарали мини-техника ва технологияларни жалб этиш;

– тадбиркорлар ўз маҳсулотларини экспорт қилишлари учун шароит ва инфратузилма яратиш;

– бир неча йиллар давомида йиғилган тажрибаларни махсус семинар-тренингларда ўрганиш, оммавий матбуотда батафсил ёритиш ва тарғиб этиш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан банд қилишда ва даромадларини ошириш билан бирга юртимиз иқтисодиётидаги улуши янада кўпайиши, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва кўламини янада оширишга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

А.А.БАЙБЕКОВ,
стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

Маркетинг тадқиқотларини ривожлантириш – иқтисодиёт тармоқлари юксалиши гарови



Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб мақсади бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган барча турдаги корхоналарнинг барқарор ривожланишига қаратилгандир. Шу жиҳатдан, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, молиялаштириш, инвестициялаш, замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш билан бирга, улар фаолиятида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ҳам соҳа олдида турган ҳамда ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов 2011 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузасида: "...иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди" .

Дарҳақиқат, иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш, ишлаб чиқаришни ривожлантирган ҳолда экспорт ҳажмини оширишда замонавий корхоналар фаолиятини устувор ривожланишини таъминлаш ҳамда бу соҳада маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ўз ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади. Аввалambор, тармоқ корхоналари фаолиятида биринчи навбатда "маркетинг" тушунчасини кенг тарғиб қилиш ва унинг назарий аҳамиятини янада ошириш орқали корхона фаолиятида ўз бозорини кенгроқ ўрганишига муҳим замин яратади. Бироқ, бугунги кунда мамлакатимиздаги йирик иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналар қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам роли ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда барча турдаги корхоналарнинг асосий вазифаларидан бири бу – маркетинг тушунчасини тўлиқ англаб етишлари ва амалда қўллашлари муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар фаолияти ривожланишида доимий тарзда маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш ва ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишда татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада машҳур маркетолог олим Ф.Котлернинг "маркетинг – бу истеъмолчиларнинг муаммоларини тушуниб етишни тартиблаштирилган ва мақсадга йўналтирилган жараёни ҳамда бозор фаолиятини бошқариш" деган таърифи катта аҳамиятга эга.

Бироқ, иқтисодчи олим Ф.Котлернинг фикрини ҳисобга олган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида маркетингнинг асосини маркетинг тадқиқотлари ташкил этади, деб айтиш мумкин. Аммо, ҳозирги кунда кўплаб корхоналар ўз фаолиятида маркетинг тадқиқотларини бозор ва истеъмолчилар ҳақида ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилишдан ташқари, ишлаб чиқариш ёки хиз-

мат кўрсатиш жараёнидаги муаммоларни ҳам ўрганишлари ва унинг ечимини имкон доирасида топишга қаратишлари лозим. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида "маркетинг тадқиқоти" тушунчасига замонавий ёндашган ҳолда маркетинг тадқиқотлари – бу ҳар қандай корхонанинг бозорни ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бошқариш" деб таърифлашимиз мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунга келиб, корхоналар фаолиятида маркетинг тадқиқотларини жорий қилишдан кўзланган асосий мақсад кичик ва йирик бизнес ривожининг янги ҳамда замонавий шаклга келтиришга, истеъмолчиларнинг хулқ-атвори, диди, рақобатчилар ва бозор конъюнктурасини ўрганишга қаратилган амалий изланишларнинг асосий йўналишларидан биридир.

Кескин рақобат шароитида корхоналар фаолиятида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш ўз фаолиятини устувор деб билган ҳамда рақобатбардош корхоналар олдида турган муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган жараён бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳар қандай корхона фаолияти давомида турли муаммоларнинг юзага келиши ва улар борасида ахборот тўплашни режалаштириш ва ташкил этишни тартибга солинмаганлиги ёки бу борада тўлиқ маркетинг ишларининг такомиллашмаганлиги;

Иккинчидан, корхона фаолиятидаги муаммолар ечимини топишда маркетинг тадқиқотлари асосида керакли ахборотни тўплаш борасидаги изланишларнинг шаклланмаганлиги;

Учинчидан, корхона фаолиятидаги муаммолар бўйича ахборот таҳлили ва олинган натижалар тўғрисида тайёрланган ҳисоботни ўз вақтида тақдим этишга бўлган эътиборнинг сусайганлиги;

Тўртинчидан, маркетинг тадқиқотлари натижалари бўйича қабул



қилинган қарорларни тайёрлашда маркетологни жалб қилинмаслиги ёки улар фикрини эътиборга олинмаслиги.

Дунё миқёсида ривожланиш йўлидан бораётган давлатларнинг асосий ютуқларидан бири сифатида юқори даражада маркетинг тадқиқотларини ташкил этгани ва унинг ҳар бир жараёнда самарали фойдаланаётгани кутилмаган даромадга эришишига сабаб бўлмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ривожланган мамлакатлар ва халқаро тажрибалардан маълум бўлдики, маркетинг тадқиқотларининг амалий турларини иккита шартли гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Муаммони ўрганиб ва унинг моҳиятини тушуниб, мақсадга етишга қаратилган маркетинг тадқиқотлари;

2. Муаммони ҳал қилишга қаратилган маркетинг тадқиқотлари.

Маркетинг тадқиқотлари ўзининг техникасига кўра тўртта "миқдорий таҳлил ва башоратлаш", "синовдан ўтказиш", "тажриба-синов ишлаб чиқариш ва тест," "текшириб кўриш ва назорат" гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ бир нечта усулни қамраб олиши мумкин. Ушбу гуруҳлар таркибига кирувчи усуллар аниқ бир вазифани ҳал қилишга мослашган бўлади.

Маркетинг тадқиқотларидаги миқдорий таҳлил ва башоратлаш гуруҳида асосан қуйидаги учта тадқиқот усулидан кенг фойдаланилади:

– биринчи тадқиқот усули сифатида сегментлаш тадқиқоти мавжуд бўлиб, бу усул потенциал харидорларнинг демографик ва психологик хатти-ҳаракатига оид маълумотларни ўрганишдан иборат, бу эса, ҳар томонлама харидор учун фойдали ҳисобланади;

– иккинчи усул асосан, талабни аниқлаш усули бўлиб, бу усул жорий талаб даражасидан келиб чиқиб кутилаётган сотув ҳажмини ўрганади, бу эса, корхона фаолияти давомида маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттириш, бозор талабига мослашиш ёки маҳсулотнинг маълум бир турини ишлаб чиқаришдан олиб ташлашни билдиради;

– учинчи усул айнан, рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган бўлиб, бунда маҳсулотнинг бозордаги вазиятни таҳлил қилиш ҳисобланади. Бу усул асосан, мақсадли бозорни шакллантиришда ишлаб чиқариш корхонасининг маҳсулотини рақо-

батчиларга нисбатан қандай қабул қилинишини ўрганади.

Ҳозирда барқарор ривожланиш йўлидан бораётган корхоналар фаолиятида маркетинг тадқиқотларини ривожлантиришда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларни амалда синовдан ўтказиш тартиби мавжуд бўлиб, бунда махсус гуруҳ ташкил қилиниб, қуйидаги тўртта тадқиқот усулидан фойдаланилади: нарх эластиклигини текшириш (price elasticity testing) усулидан; маркетинг концепциясини синовдан ўтказиш (concept testing) усулидан; товар маркаси номини синовдан ўтказиш (brand name testing) усулидан; товар маркаси обрўсини синовдан ўтказиш (brand equity testing) усулларидан.

Халқаро тажрибалардан маълумки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда брендга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, бунда маҳсулотнинг жаҳон мамлакатлари тан олган сифат менежменти тизими (TQM)га жавоб бериши ISO талабларига жавоб бера олган маҳсулот юқорида кўрсатилган кўрсаткичга эриша олади. Бугунги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида турган асосий вазифалардан бири маркетинг тадқиқотлари асосида тажриба-синов тариқасида ишлаб чиқариши ва тестдан ўтказиш гуруҳи фаолиятига катта аҳамият қаратишлари лозим бўлади ҳамда бу жараёнда эса, қуйидаги учта усул тавсия этилади:

– биринчидан, дастлаб ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни тестдан ўтказиш усули бўлиб, маркетинг тадқиқотларида бу усул биринчи қадам қўйиш деб аталади;

– иккинчидан, истеъмолчилар ўртасида товардан фойдаланиш қобилиятини текшириш усули – маркетинг тадқиқотларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу усул асосан, товарни ишлаб чиқаришга бўлган муносабатни ифодалайди;

– учинчи усул айнан, реклама ва маҳсулот сотишни рағбатлантириш самарадорлигини ўрганиш бўлиб, маркетинг тадқиқотларида катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, юқорида келтирилган маркетингнинг тадқиқот усуллари бўлиб, ривожланган давлатларнинг маркетинг тадқиқотларида синовдан ўтган ва ўзининг иқтисодий нафлилигига эга бўлган ҳолда ташкил этилган бўлиб, асосан, замонавий корхоналар фаолиятида маркетинг тадқиқотларини ривожлантириш натижасида маҳсулот бренди ёки компанияларнинг обрўсини оширишга бўлган талабни кучайтириш лозим.

Ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналар учун максимал даражада кўп фойда олишнинг асосий шарти бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини истеъмолчилар ва рақобатчилар фаолиятига мослаштириш ҳисобланади. Рақобат шароитида ҳар қандай корхонанинг ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти маркетинг тадқиқотидан бошланиши керак, деган фикрни келтириб чиқаради. Ушбу тавсифнинг исботи сифатида маркетинг тадқиқотларининг замонавий усуллари бугунги кунда Ғарб давлатларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар ўзига хос мақсад ва вазифаларга эга ҳамда муаммога комплекс ёндашиш имконини беради. Айниқса, маҳсулотни тестдан ўтказиш ва бу борада маркетинг тадқиқотлари техникаси қийин кечмоқда ва бу ҳолатни таҳлил қилиш ўзига хос мураккаб усуллардан биридир. Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи бу каби муаммоларни ўрганишга комплекс, яъни ҳар томонлама ёндашиши ва тўғри ечим топиш имконини бермайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқлари ривожида ўтказилаётган маркетинг тадқиқотларини такомиллаштиришда асосан, етакчи тармоқларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни тестдан ўтказиш масалалари ҳали-ҳануз ўз ечимини топмаганлигини инобатга олган ҳолда маҳсулотларни тестдан ўтказиш техникасининг содда усулларини ишлаб чиқиш, ҳолатни таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштиришдан иборат. Бунда асосан, истеъмолчи танловига эътибор бериш билан чекланишдан воз кечган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш талаб этилади.

Бугунги кунда, иқтисодиёт тармоқларида яратилаётган маҳсулотларни истеъмолчи талабига мослаштириш, маҳсулотлар бозоридаги кескин рақобатни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда эса, аҳолига ҳизмат кўрсатиш маданияти ривожланиб бораётгани, истеъмолчиларнинг даромад ва хоҳиш-истакларининг йилдан-йилга ўзгариб бораётгани, ушбу бозорда янада истиқболли маркетинг тадқиқотлари концепциясини яратишни талаб этади. Бу эса, бевосита ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни кучайишига, халқаро сифат стандартларига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш имкониятларини кенгайтиришга, аҳолини сифатли ва таннархи арзон маҳсулотга бўлган талабини янада чуқурроқ ўрганиш, товар ассортиментини кўпайтириш ҳамда сервис даражасини такомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда. Маҳсулотлар бозоридаги энг асосий муаммолардан бири бу – корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг етарли даражада бозор брендига ёки ўз обрўсига эга бўлмасдан маҳсулотга бўлган талабнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу каби муаммоларни олдини олишнинг оқилона йўли эса, бозорни ўрганишда энг замонавий ва такомиллашган маркетинг тадқиқотларининг янги усулларини амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Васила ЖЎРАЕВА,
ТДИУ Стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

Иқтисодчи кадрлар малакасини ошириш тизимини самарали молиявий бошқаришни такомиллаштириш



ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАРИ САЛОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ БИЛИМ ВА ТАЖРИБАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРНИНГ САМАРАЛИ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА САМАРАЛИ ЙЎНАЛТИРГАНЛИГИ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТДИР. ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ ҲАМ ИЖТИМОИЙ, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАР МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАВҚЕИ ОШИШИ, УНИНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН РАҚОБАТЛАШИШ ДАРАЖАСИГА ЕТИШИШИДА АЙНАН ЕТУК КАДРЛАРНИ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС.

Мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири – малака оширишни молиялаштиришга давлат маблағларининг ажратилиш миқдори ҳисобланади. Маблағ қайси манбалардан ва қандай нисбатда ажратилиши тўғрисидаги масала давлатнинг молия-бюджет сиёсатни амалга оширишнинг йўналишлари белгилаб беради.

Қатор мамлакатларда малака оширишга сарфланаётган маблағларнинг аксарият қисми давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилади. Шу билан бирга, бюджетдан ташқари жамғармалар, корхоналар, ташкилотларнинг маблағлари ва хорижий кредитлар, жисмоний шахсларнинг маблағларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодчи кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуд:

– давлат бюджети;

– буюртмачилар билан шартнома асосида тушадиган маблағлар;

– маслаҳат фаолияти ва бошқа турдаги таълимга оид ишлар эвазига тушадиган маблағлар;

– жамғармалар, юридик, жисмоний шахсларнинг ҳомийлиги ва бошқа ихтиёрий мақсадли хайрия ёрдамлари киради.

Олиб борилган таҳлиллар кадрлар малакасини оширишни молиялаштиришда давлатнинг ролини белгиловчи иккита омил мавжудлигини кўрсатди. Улардан биринчиси – фуқароларнинг ялпи таълим олиши учун давлатнинг масъулияти бўлса, иккинчиси, ушбу масъулиятни жамият билан ўзаро тақсимлашдир. Шу муносабат билан давлат меҳнат бозори талаблари асосида етук мутахассисларни тайёрлаш жараёнида малака оширишга ресурслар қўйишда масъулиятни ўз зиммасида сақлаган ҳолда кадрлар малакасини оширишни молиялаштириш соҳасида шерикликка интилади.

Иқтисодчи кадрларни малакасини ошириш тизимини молиявий бошқарувнинг бош мақсади – давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш орқали бюджет харажатларини камайтириш ва келгусида малака оширувчи тингловчилар сонини

максималлаштириш ҳисобланади.

Иқтисодчи кадрлар малакасини ошириш тизимининг молиявий бошқаруви ўзининг бош мақсадини амалга ошириш жараёнида қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади:

– етарлича молиявий ресурслар билан таъминлаш. Бу вазифа малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида келгуси даврда молиявий ресурсларга бўлган умумий эҳтиёжини белгилаш, ички манбалар ҳисобига хусусий молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳажмини максималлаштириш, ташқи манбалар ҳисобига ўз молиявий ресурслари шаклланиш маъқуллигини аниқлаш, жалб қилинадиган заём капиталини бошқариш, потенциал молиявий ресурслар шаклланиши тузилмасини такомиллаштириш орқали амалга оширилади;

– Молиявий ресурсларни энг самарали тақсимланишини ва фойдаланилишини таъминлаш; Молиявий ресурслар тақсимланишини такомиллаштириш малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадларида, улардан фойдаланишнинг зарурий мутаносиблиги ўрнатилишини, инвестицион капиталидан керакли даромад даражасига эришиш учун тўловлар ва ҳоказоларни назарда тутади;

– Пул оборотини такомиллаштириш; Бу вазифа малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази пул оқимларини самарали бошқариш, алоҳида даврлар бўйича пул маблағлари тушуми ва чиқими ҳажмларини бир вақтда бўлишини ҳал қилади;

– Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази тараққиёти доимий молиявий мувозанатни таъминлаш; Бундай мувозанат корхона молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилигининг юқори даражасини характерлайди ва капитал ва активларнинг оптимал тузилмаси шаклланишини, турли манбалар ҳисобига молиявий ресурслари шаклланиш ҳажмларида самарали мутаносибликни, инвестицион эҳтиёжларини ўз маблағи билан молиялаштиришда етарли даражани таъминлайди.

Айтиш жоизки, ривожланган мамлакатларда малака ошириш муассасалари ва бутун таълим тизимини молиялаштиришни аниқловчи энг муҳим хусусиятлар қуйидагилар ҳисобланади:

– Малака ошириш марказларига кенг ваколатлар ва эркинликлар берилганлиги, таълим тизимини бошқаришнинг ва молиялаштиришнинг марказлаштирилмаганлиги;

– Малака ошириш марказларини қўшимча молиялаштириш ва жамоатчилик назоратини таъминлайдиган чуқур, тармоқланган сармоя ва васийлик тизимининг мавжудлиги;

– Малака ошириш тизимини молиялаштиришда мукаммал ўқитиш дастурлари, режадаги қабул қилинадиган ва ўқитиладиган ўқувчилар сони ва бошқа параметрлар ўртасидаги тафовутларнинг ҳисобга олиниши;

– Бозорнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига тез мослашувини, ўқув марказларининг ҳомийлари ва васийларини рағбатлантиришни назарда тутувчи алоҳида муносабатларнинг шаклланганлигини.

Юқоридаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда иқтисодчи кадрлар малакасини ошириш тизимини самарали молиявий бошқариш концепциясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса, малака ошириш ўқув марказларининг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларга доимий мослашувини таъминлаш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, иқтисодчи кадрлар малакасини ошириш тизимини самарали молиявий бошқариш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– Етарлича молиявий ресурслар билан таъминлаш. Бу вазифа малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида келгуси даврда молиявий ресурсларга бўлган умумий эҳтиёжини белгилаш, ички манбалар ҳисобига хусусий молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳажмини максималлаштириш, ташқи манбалар ҳисобига ўз молиявий ресурслари шаклланиш маъқуллигини аниқлаш, жалб қилинадиган заём капиталини бошқариш, потенциал молиявий ресурслар шаклланиши тузилмасини такомиллаштириш орқали амалга ошириш;


– молиявий ресурсларни энг самарали тақсимланишини ва фойдаланилишини таъминлаш. Молиявий ресурслар тақсимланишини такомиллаштириш малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадларида, улардан фойдаланишнинг зарурий мутаносиблиги ўрнатилишини, инвестицион капиталдан керакли даромад даражасига эришиш учун тўловлар ва ҳоказоларни назарда тутади;


– пул айланмаларини такомиллаштириш. Бу вазифа малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази пул оқимларини самарали бошқариш, алоҳида даврлар бўйича пул маблағлари тушуми ва чиқими ҳажмларини бир вақтда бўлишини ҳал қилади;

– малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази тараққиёти доимий молиявий мувозанатини таъминлаш. Бундай мувозанат корхона молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлигининг юқори даражасини тавсифлайди ва капитал, активларнинг оптимал тузилмасининг шаклланишини, турли манбалар ҳисобига молиявий ресурслари шаклланиш ҳажмларида самарали мутаносибликни, инвестицион эҳтиёжларини ўз маблағлари ҳисобига молиялаштиришда етарли даражани таъминлайди**.**

Баходир ИСАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистри.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг совриндорлари





Нобель мукофоти (Nobel Prize) – машҳур илмий тадқиқотлар ёки маданият ва жамият ривожланишига қўшган йирик ҳиссаси учун ҳар йили бериладиган энг обрўли халқаро мукофотлардан биридир. Мукофот Альфред Нобельнинг 1895 йилдаги васиятномасига мувофиқ таъсис этилган ҳамда физика, кимё, физиология ва тиббиёт, адабиёт соҳасида, шунингдек, бутун жаҳонда тинчлик ўрнатиш борасида «йил давомида инсониятга энг катта фойда келтиришга муваффақ бўлган шахсларни ҳар йили пул мукофоти билан тақдирлаш учун» маблағ ажратилишини назарда тутади. 1969 йилда Швеция банки ташаббуси билан иқтисодиёт соҳасида энг обрўли мукофот - «Альфред Нобель хотирасига бағишланган Швеция давлат банкининг иқтисодий фанлар бўйича мукофоти» тавсия этилди.

Шуниси қизиқарлики, Нобель жамғармаси низомига биноан, Швеция Қироллигининг Фанлар академияси аъзолари; Иқтисодиёт бўйича А.Нобель хотираси мукофоти қўмитаси аъзолари; Швеция, Дания, Финляндия, Исландия ва Норвегия университетлари ҳамда олий ўқув юртларининг доимий асосда ишловчи тегишли фанлар бўйича профессорлари; Фанлар академияси томонидан танланган, камида олтита университет ва институтнинг тегишли кафедра мудирлари; Академия таклифи билан бошқа олимлар ушбу нуфузли мукофотга номзодлар кўрсатишлари мумкин.

2011 йилгача 67 нафар иқтисодчи ушбу мукофот билан тақдирланган. Энг қизиқарлиси, шундаки, ҳозирги вақтга келиб уларнинг орасида фақат биргина аёл Элионор Остромхоним (Elinor Ostrom), Блумингтондаги Индиана университети профессори сифатида фаолият юритади. У 2009 йилда Иқтисодиёт бўйича Нобель хотираси мукофотига “иқтисодий ташкилот соҳасидаги тадқиқотлари учун” сазовор бўлган эди. 2010 йилда америкалик Питер Даймонд, Дейл Мортенсен ва Кипрда яшовчи, британиялик Кристофер Писсаридес Иқтисодиёт бўйича Нобель хотираси мукофотига сазовор бўлдилар. Бундай юксак мукофот меҳнат бозоридаги мавжуд тадқиқотлар учун уларга топширилди. Уларнинг илмий ишлари меҳнат бозорида бўш ўринлар борлигига қарамасдан ишсизлик мавжудлиги, бундай ҳолатга қандай қилиб таъсир қилиши мумкин, деган саволларга жавоб берди.

Лауреатларнинг мукофот топширилган пайтдаги ўртача ёши 66,5 ёш бўлиб, ушбу муаммо муаллифларининг ўртача ёши 51 ёшга тўлган. 2007 йилдаги лауреат Леонид Гурвиц 90 ёшга кирган қария ҳисобланади. Ҳозирги пайтда яшаётган лауреатлар орасида энг ёши Пол Кругман (1953 йил 28 февралда туғилган) .

2011 йилда Швеция Қироллиги Фанлар академияси Иқтисодиёт бўйича Нобель хотираси мукофотини машҳур америкалик олимларига Томас Сарджентга (Thomas J. Sargent) (Нью-йорк университети) ва Кристофер Симсга (Christopher A. Sims) (Принстон университети) берди.

Ўзларининг асосий илмий ишларини ўтган асрнинг 70 ва 80-йилларида ёзган олимлар «ўз тажрибаларида макроиқтисодиётдаги сабаб ва натижалар боғлиқлигига оид тадқиқотлари учун» («for their empirical research on cause and effect in the macroeconomy») мукофот олдилар. Кутилганидек, мукофот фанга қўшган фундаментал ҳисса учун баҳо бўлиб, айни вақтда бугунги иқтисодий воқелик учун нима долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Макроиқтисодиёт фани ва ундан фойдаланиш амалиёти-

нинг эътибори дунё мамалакатлари беқарорлик ҳолатидан қандай қилиб чиқишига қаратилган.

2012 йилдаги Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига Элвин Рот ва Ллойд Шепли сазовор бўлдилар. Уларнинг иккаласи тиббиёт ходимлари ва донорларни танлаш бўйича Америка миллий тизимининг ислоҳотчилари ҳисобланади. Алоҳида амалиёт билан шуғулланувчи ва оилавий шифокорларни ишга жойлаштириш мисолида иқтисодчилар асосий иқтисодий муаммони, яъни турли субъектлар ўртасида алоқалар ўрнатиш масаласини тадқиқ қилганлигини юксак баҳога лойиқ, деб топилди.

Альфред Нобель хотирасига бағишланган Швеция банки мукофоти иккита америкалик иқтисодчига – Элвин Рот ва Ллойд Шеплига «барқарор ишга жойлаштириш назарияси ва бозор иқтисодиётида режалаштирилиш амалиёти учун» берилди. Элвин Рот Гарвард бизнес-мактабида, Ллойд Шепли эса Калифорния университетида ишлайди.

"Ўйинлар назарияси" Рот ва Шепли умумий илмий қизиқишларининг асосини ташкил этади. Шепли тадқиқотлари, ресурсларни тақсимлашнинг турли усулларини ўрганишга қаратилган. Шепли номи билан Гейл–Шепли (шу жумладан, марьяж қуриш) алгоритми боғлиқ. Жумладан, у оилавий муносабатларда ва меҳнат бозорида барқарор алоқалар пайдо бўлишини илгари сурган. 1962 йилда Гейл ва Шепли методологияси асосида Америка Қўшма Штатларида тиббиёт ходимларини танлаш тизими қайта кўриб чиқилиб, янгидан тузилди. У иш берувчи ҳамда ходим талабларини максимал тарзда уйғунлаштиришни назарда тутган.

Ўз навбатида, Рот мазкур тизим фақат оилавий бўлмаган шифокорлар учун амал қилишини 1984 йилда исботлаб берди. 1999 йилда эса, у ушбу тизим методологиясини оиласи бўлган шифокорлар учун таклиф қилди.

Нобель мукофоти бўйича қўмита таъкидлаганидек, Рот ва Шепли илмий тадқиқотлари турли иқтисодий субъектлар ўртасида алоқалар ўрнатиш каби муҳим муаммолардан бирига тааллуқлидир. Мактаб ва ўқувчилар бир-бирини танлаши, беморлар муҳтож бўлган ва трансплантация қилинадиган инсон организми қисмлари бўйича донорларни излаш каби мисолларда ўз аксини топиши мумкин. Нобель мукофоти бўйича ташкилий қўмита ҳисоблаганидек, Ротнинг хизмати айнан "Гейл–Шепли алгоритми" бўйича амал қиладиган тизимларни модернизация қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Ресурсларни тақсимлаш назариясига кўра, айрим алоқалар иқтисодий омил билан белгиланади. Масалан, пул ходимларни иш ҳақи баланд бўлган иш жойларига чорлайди. Аммо бундай ёндашув гоҳида ишламай қолиши мумкин, ана шунинг учун ҳам ресурсларни тақсимлаш уларнинг бошқарилишига боғлиқ бўлади. Бундайлар қаторига донорларнинг органларини трансплантация қилиш учун танлаш киради. Рот Тайфун Сонмез ва Утку Унвер билан бирга, Англияда жигарни трансплантация қилиш бўйича дастур муаллифларидан бири бўлди. Ушбу тизим донорлар ва реципиентларнинг мақбул иккиликни танлашга қаратилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, кўпчилик экспертларнинг фикрига қараганда, жорий йилда иқтисодиёт бўйича Альфред Нобель хотираси мукофотига сазовор бўлган иккала америкалик олим Рот ва Шепли фан оламида тадқиқотлари амалиётга қаратилганлиги билан машҳур бўлган ва ундан Ўзбекистонда ҳам кенг миқёсда фойдаланиши мумкин. Айниқса, уларнинг тадқиқотлари ҳозирги пайтда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида долзарблиги билан ажралиб туради.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
и.ф.д., проф.

Тадбиркорлик фаолиятида трансакция харажатлари ва уларни камайтириш йўллари


ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА ҲИСОБЛАНАДИ. ЯНГИ БИЛИМГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА КОРХОНА РЕСУРС ТАРИҚАСИДА ФОЙДАЛАНАДИГАН АХБОРОТЛАР ОҚИМИ ДОИМО ОШИБ БОРАДИ. ТАНҚИС РЕСУРС СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АХБОРОТ СИҒИМИНИНГ ОШИШИ ОБЪЕКТИВ РАВИШДА БОЗОРИ ЎРГАНИШ, У ҲАҚДАГИ АХБОРОТЛАРНИ ТЎПЛАШ, ТАҲЛИЛ ЭТИШ, САҚЛАШ ВА ЯНГИЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ХАРАЖАТЛАР, ЯЪНИ ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ МУТТАСИЛ ОРТИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

Агар корхонанинг бошқариш тизими анъанавий бўлса, унда бу жараёндаги барча харажатларни қоплаш корхона зиммасида бўлади. Кичик корхона учун бу қимматга тушади ва кўплаб молиявий маблағ, ахборот технологиялари ва юқори тоифадаги мутахассисларни талаб этади. Шу боис бундай ҳолларда корхоналар бошқаришнинг аутсорсинг усулини қўллаган ҳолда ахборот билан боғлиқ ишларни ихтисослашган корхоналарга шартнома асосида топширади ёки аксинча, ўзи эга бўлган кам, чала ахборотга асосланиб қарорлар қабул қилади. Бундай ҳолларда йирик корхоналар ўз таркибида ахборот марказларини ташкил этишни лозим кўрадилар. Ихтисослашган бундай марказлар корхоналар учун бозор ва унинг конъюнктураси ҳақидаги керакли ахборотларни жамлайди. Анъанавий бошқарувдан воз кечиш, барча иштирокчиларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, ахборот оқимини тартиблаштириш ҳисобига трансакция харажатларини анча камайтириш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, глобаллашув ва рақобат муҳитининг чигаллашуви шароитида бизнес юритишнинг қонун-қоидалари, корхонани бошқаришнинг мақсад ва вазифалари тез ўзгармоқда. Бизнес юритишдан асосий мақсад корхонанинг иқтисодий фойдасини оширишдан иборат. Бу ерда иқтисодий фойда бухгалтерия талқинидаги фойдадан фарқли ўлароқ, муқобил харажатларни ҳам назарда тутади. Чунки замонавий менежмент бошқарув самарасини оширувчи элементларни ягона тизим шаклида талқин этади.

Трансакция харажатлари бозор орқали маълум товар ёки хизматни таклиф этганда вужудга келади. Умуман олганда, тадбир-

1-расм. Корхона чиқимларнинг умумий таркибида трансакция харажатларининг ўрни.



корликда трансакция харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– бозорда шерикларни қидириш ва ахборот тўплашга кетадиган харажатлар;

– музокаралар олиб бориш, савдолашиш ва қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар;

– шартномаларни бажарилишини назорат қилиш харажатлари.

Юқоридаги чизмада корхона харажатлари таркибида трансакция харажатларининг аҳамияти ёритиб берилган. Унга кўра, умумий харажатлар ишлаб чиқариш, муомала ва ўзаро ҳамкорлик харажатлари каби таркибий қисмлардан иборат. Трансакция харажатлари корхонанинг ўзаро ҳамкорлик харажатларининг бир қисми ҳисобланади. Трансакция харажатлари музокаралар олиб бориш, ахборотни қидириш, маҳсулотнинг топширилишини назорат қилиш ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Шунинг трансакция харажатлари логистик харажатлар билан ҳам ўзаро боғлиқ ҳисобланади.

Корхона ичидаги қарорлар тадбиркорлар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади. Товарларни ишлаб чиқаришда ҳар хил ташкилотчилик функциялари бажарилади. Корхона узоқ муддатли шартномалар ёрдамида ишлайдиган ташкилотдир. Барқарор бўлмаган қисқа шартномалар баҳолар ўзгариб турганда ва улар ҳақида ахборот тўплаш зарур бўлганда ҳамда музокаралар олиб бориш зарурати туғилганда тузилади. Бу эса, компаниянинг катталигини ошириш ёки бошқа компанияга қўшишида муҳим аҳамиятга эга.

Хорижий экспертларнинг фикрича, корхонанинг умумий чиқимларидан трансакция харажатларининг улуши улар анъанавий бозорда фаолият юритганда 1,5 фоиздан 5 фоизгачани, янги сотиш бозорларига чиқишда эса 10-15 фоизни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда трансакция харажатларининг энг катта улуши хўжалик алоқалари субъектлари

1-жадвал. АҚШ ЯММда трансакция хизматлари улуши, (фоиз)

Иқтисодиёт сектори	1870 йил	1970 йил	Ўсиш, 100 йилда
Хусусий сектор	23,0	41,0	18,0
Давлат сектори	3,6	13,9	10,3
Жами	26,6	54,9	28,3

2-жадвал. Трансакция хизматлари кўрсатувчи тузилмалар, (фоиз)

Давлат сектори	Нодавлат сектори
ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги; “Ўзстандарт”; Хўжалик суди; Адлия вазирлиги; Божхона қўмитаси ва бошқалар.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси; Ахборот-маслаҳат ва консалтинг марказлари; Баҳоловчи ташкилотлар; Маркетинг хизматлари; Адвокатлик идоралари ва бошқалар.

сонининг ўсиши, демак, улар томонидан амалга ошириладиган трансакциялар сонининг ошиши билан боғлиқ.

Хорижий манбалар маълумотларига кўра, АҚШ ЯММда хусусий сектор томонидан кўрсатиладиган трансакция хизматларининг улуши 1870 йилги 23 фоиздан 1970 йилда 41 фоизгача, давлат томонидан кўрсатиладиган трансакция хизматларининг улуши 1870 йилги 3,6 фоиздан 1970 йилда 13,9 фоизгача ошган, бу умумий кўринишда 26,1 фоиздан 54,7 фоизгача ўсишни ташкил этади.

Юз йил мобайнида ушбу ўсиш қисми трансакция харажатларининг нобозор соҳадан бозор соҳасига томон силжишини акс эттирди, лекин унинг бошқа қисми эса ресурсларнинг реал инвестиция қилинишини намоён этди.

Ҳозирги даврда корхонанинг бозор билан боғлиқ харажатлари операцион харажатларга нисбатан тез ўсмоқда. Булар таъсирида бизнесни бошқаришнинг концептуал моделлари ўзгарди. Жумладан, асосий мақсад олдинги бошқарув моделида бизнесдан кўпроқ фойда олиш бўлган бўлса, ҳозир эса истеъмолчининг талабини қондириш, биринчи ўринга акциядор ва мижозлар манфаатини қўйишдан иборатдир. Рақобат нуқтаи назаридан олдинги даврда тузилмавий ёндашув устувор бўлган, ҳозирги пайтда эса ресурслар нуқтаи назаридан ёндашув, корхонанинг бозорда устувор мавқега эга бўлишини тараққий эттириш зарур. Иқтисодий қонун амал қилиши нуқтаи назаридан олдинги парадигмада маржинал харажатларнинг ошиб бориши эътироф этилган. Ҳозир эса, бошқарув моделида сўнгги самарадорликни ортиб бориш қонуни инобатга олинади ва шу асосда бизнесни бошқариш стратегияси қабул қилинади.

Бугунги кунда тадбиркорлик соҳасида трансакция харажатларини оптималлаштириш борасида юртимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда трансакция хизматлари давлат ва нодавлат секторлари ташкилотлари томонидан олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги, “Ўзстандарт”, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа давлат органлари экспортчилар шартномаларини рўйхатга олиш, рухсат бериш ва бошқа назорат хизматларини олиб боради.

Трансакция хизматларни кўрсатувчи нодавлат ташкилотлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, ахборот-маслаҳат ва консалтинг марказлари, мулкни баҳоловчи ташкилотлар, маркетинг хизматлари ва бошқа идоралар тадбиркорларни қўллаб-қувват-

лаш, маслаҳат ва ахборот хизматларни кўрсатади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тадбиркорга турли трансакция хизматларини кўрсатиш, айниқса, уларнинг ўз ишларини очиш билан боғлиқ харажатлар ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи давлат сектори тузилмалари зиммасига тўғри келади. Шуларни инобатга олиб, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлари Дастури доирасида тадбиркорларга рухсат бериш билан боғлиқ амалда бўлган трансакция харажатлари (тўлов миқдори) қисқартирилди ва улар оптималлаштирилди.

Маълумки, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаши учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиш лозим. Бунинг учун тадбиркор давлат рўйхатини хизмати учун, яъни туман ҳокимлиги бўлинмасига пул тўлаши талаб этилади. Аввал ана шу ҳақ 5 энг кам иш ҳақининг (ЭКИҲ) миқдорида бўлган. Ҳозир эса тадбиркор ҳукумат қарорига асосан 2 ЭКИҲ миқдорида пул тўлаб, давлат рўйхатидан ўтади. Ёки тадбиркор рўйхатидан ўтиш учун 140,2 минг сўм тўлаган бўлса, ҳозир бу 56,1 минг сўмгача ёки 60 фоизга камайтирилди. Шу билан бир вақтда, банкда ҳисоб рақами очиш учун тўлов 28 мингдан 14 минг сўмгача камайтирилди. Шунингдек, ер участкаларини расмийлаштириш хизмати харажатлари ҳам 56 фоизга ёки 130 мингдан 58 минг сўмгача қисқартирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркор қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш ёки қурилиш ишларини бажариш бўйича танловларда қатнашиш, лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказишга рухсат олиш жараёнлари учун тўланадиган тўловлар бирмунча баланд бўлган.

Ушбу рухсат бериш жараёнлари харажатларини қисқартириш Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, лицензия ва рухсатномалар қийматисиз 5,4 млн. сўмдан қарийб 831 минг сўмга ёки 6,1 мартага пасайтирилган. Жами ҳар битта тадбиркор ҳисобига иқтисод қилинган маблағ 4,2 млн. сўмни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорларга рухсат бериш учун тўлов харажатларини қисқартириш билан бирга, кўплаб чекловлар ва рухсатномалар амал қилиш муддатлари ҳам қайта кўриб чиқилган. Жумладан, маҳсулотларнинг гигиеник сертификатининг амал қилиш муддати 3 йил ўрнига бу чеклов муддати бекор қилинган. Фитосанитария хулосаларни бериш муддати узайтирилди, иссиқлик ва электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни бериш бир ойдан 3 кунга қисқартирилди. Рекламани жойлаштириш тарифлари, ўртача 20 фоиздан 30 фоизга пасайтирилди. Шунингдек, электр энергиясидан фойдаланиш учун тузилган шартнома шартларига тадбиркорлар манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик шаклларини давлат томонидан қўллаб-қувватланишига солиқ тўловларига имтиёзлар, замонавий технологияларни ва ишлаб чиқариш воситаларини бизнес соҳасига татбиқ этиш, халқаро кўргазмаларда қатнашиш, турли хил савдо дастурлари ва лойиҳаларида иштирок этиш имкониятлари киради. Хориж тажрибаси замонавий бизнеснинг инновацион усули сифатида франчайзинг тажрибасини қўллаш ва шу орқали кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши янада жадалроқ ўсишига эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор кучли бўлишидан қатъи назар, статистика манбалари шуни кўрсатадики, янги ташкил этилган бизнес субъектларидан 70 фоизига яқини (дунё бўйлаб) ўз фаолиятининг биринчи йилидаёқ муваффақиятсизликка учрайди. Қолган 30 фоизини эса франчайзинг услубида юритаётган субъектлар ташкил этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, франчайзинг шаклидаги бизнес бир неча афзалликларга эга. У:

– муваффақиятли иш олиб бориш моделлари ва замонавий технологияларни тарқатиш ва кўпайтиришнинг самарали ташкилий шакли;

– кичик бизнес учун "тарбия мактаби";

– амалий натижа берадиган тадбиркорларнинг кооперация қилиш усули;

– тадбиркорликка одамлар ва улар жамғармаларини жалб этишнинг самарали шакли.

Хорижда франчайзинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг оммавий шаклларидан бири ҳисобланади ва давлат франчайзинг фондларининг асосий таъсисчиси сифатида қатнашади.

Трансакция харажатлари динамикаси ва таркибига асосланиб, хулоса қилиш мумкинки, бизнесни бошқариш глобаллашув шароитида мураккаблашиб бормоқда. Бу жараёнларга мос равишда корхоналарнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириб бориш, чизиқли-функционал бошқарувдан матрицавий ва кейинчалик уяли тизимга ўтиш зарур. Ривожланган мамлакатларда бизнесни бошқариш виртуал ташкилотлар тарзида амалга оширилади. Бу эса трансакция харажатларини тежайди, ахборот оқимини ҳам горизонтал, ҳам вертикал кесимда тезлаштиради, бошқарув ихчам ва шаффоф бўлади, демак, янги бошқарув тизимга ўтиш талаб этилади.

Шахноза ЭРГАШХОДЖАЕВА,
иқтисод фанлари доктори.
Феруза МАМАТОВА,
тадқиқотчи.

Акциядорлик жамиятларининг пул даромадларини шакллантириш ва тақсимлаш масалалари

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАР ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАРИДАН БИРИ БУ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ НАТИЖАСИДАГИ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИ САМАРАЛИ ТАҚСИМЛАНИШИ НАТИЖАСИДА РЕНТАБЕЛЛИК КЎРСАТКИЧИНИ ОШИРИШ ҲИСОБЛАНАДИ.



Акциядорлик жамиятлар олдидаги асосий вазифалардан бири, нафақат маҳсулот чиқариш фаолиятини жадаллаштириш балки, ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш натижасида ҳосил қилинадиган пул даромадларини тақсимланиш жараёнидаги харажатларни самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллардан кўринадики, айрим акциядорлик жамиятларида операцион харажатларни иқтисод қилишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Харажатларни самарали бошқариш тизими кўп жиҳатдан акциядорлик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолиятини барқарорлашувига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир.

Акциядорлик жамиятда маҳсулот реализациясидан тушум ҳажмини ошириш лозим. Бунда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш талаб қилинади. Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг дебиторлик қарзларининг ошиши натижасида айланма маблағлари таркибида муомала фондлари кўпайиши кузатилмоқда. Натижада, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги пасайиб, айланма маблағларга бўлган эҳтиёж банк кредитлари ҳисобига молиялаштирилмоқда. Айланма маблағларни молиялаштиришда кредит маблағлари салмоғининг кўпайиши харажатлар таркибида кредитлар бўйича фоизлар тўлаш бўйича харажатларининг кўпайишига олиб келади.

Бундай ҳолатда акциядорлик жамиятлари менежери дебиторлик қарзларини камайтириш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўриши лозим.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, мулоҳаза юритишимиз мумкинки, акциядорлик жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ҳар бир омил бошқариш тизимидан четда қолмаслиги лозим. Хусусан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ қатор омиллар акциядорлик жамиятларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатишини ёддан чиқармаслик зарур.

Акциядорлик жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳолатини жиддий таҳлил қилиш, барча ресурсларни прогнозлаш ва режалаштириш ишлаб чиқариш резервларни мақсадли сафарбар қилиш имконини беради. Акциядорлик жамиятнинг барқарор молиявий ҳолати, нафақат унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишини, балки ходимларнинг моддий фаровонлигини белгилаб берувчи омили ҳамда унинг яшовчилигининг шарти ҳамдир.

Молиявий ҳолатни баҳолашни қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга ошириш мумкин:

– акциядорлик жамияти фаолиятининг молиявий натижаларини баҳолаш, бунда фойда ва зарарлар таркибига жиддий таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

– акциядорлик жамияти харажатларини таҳлил қилиш, пировардида унинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади;

– айланма маблағлар ҳолатини таҳлил қилиш, айланма маблағлар таркиби, унинг шакллантириш манбаларидаги ўзгаришларни кузатиб бориш ва харажатлар самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Акциядорлик жамиятнинг молиявий ҳолатини даврий таҳлил қилиш зарур, чунки унинг натижалари турлича бўлиши мумкин. Акциядорлик жамиятнинг молиявий хизмати томонидан маҳсулот сотишдан келадиган тушумнинг ўз вақтида келиб тушиши устидан менежер назорати унинг жорий тўловга қобилиятлилигини таъминлайди.

Гулмира АБИПОВА.

Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини янада такомиллаштириш жараёнлари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш мақсадида кенг миқёсда Давлат дастурлари ва соҳа ривожига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Натижада, мазкур соҳанинг мамлакатимизда яратилаётган ЯИМдаги улуши ортиб бориши билан бир қаторда, республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, мавжуд ишчи кучи ресурсларининг иш билан таъминланганлик даражасини ошириш эвазига аҳоли фаровонлиги яхшиланишига эришилмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов ташаббуси билан 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, деб эълон қилиниши ва мазкур йилга бағишланган Давлат дастури ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, шунингдек, мазкур чора-тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида 2012 йил “Мустаҳкам оила” йили деб эълон қилиниб, жорий йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга дастурий ёндашув асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб борилаётгани мамлакатимизда соҳага катта эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатимиздаги мавжуд тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини муваффақият билан амалга оширишларига қулай шарт-шароит яратиб бермоқда. Мамлакат рақобатбардошлигини ошириш тадбиркорлик фаолияти имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш тадбиркорлик муҳитини мунтазам такомиллаштириб борилишини тақозо этади. Хусусан, тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган қатор муаммоларнинг ҳал этилиши, тадбиркорлик субъектларининг давлат, солиқ ва назорат идоралари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб берадиган маъмурий регламентнинг тўлиқ ишлаб чиқилиши, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга расмий рухсат бериш тартибларининг оптималлаштирилиши тадбиркорлик муҳитини такомиллаштиришнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Тадбиркорлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1464 сонли қарори билан белгиланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва шу Дастур ижросини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августда қабул қилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирларнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Тадбиркорлик муҳити, тадбиркорлик фаолияти ривожланишида асосий роль ўйнайдиган омиллар мажмуидир. Тадбиркорлик субъектлари уларнинг барча фаолият доираларига таъсир кўрсатувчи маълум бир муҳитда фаолият юритадилар. Тадбиркорлик муҳити иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, технологик имкониятлар, географик жойлашув, экологик вазият, шунингдек, институционал ва информацион тизимларнинг мавжуд жорий ҳолатлари билан тавсифланади. Шу боисдан, жамиятда тадбиркорлик соҳаси доимий ривожланиб боришини таъминлаш мақсадида, давлат томонидан юқорида келтирилган омилларнинг соҳа ривожига ижобий таъсирини таъминлашга қаратилган чораларни мунтазам амалга ошириб бориш лозим.

2012 йил 12-14 сентябрь кунлари мамлакатимизда “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 50 га яқин мамлакатидан сиёсатчилар, дипломатлар, тадбиркорлар, олимлар ва турли нуфузли халқаро молиявий ташкилотлардан вакиллар иштирок этиб, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш мақсадида яратилган шарт-шароитлар, имконият ва имтиёзларни ижобий баҳоладилар, ҳамда ҳар томонлама тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Ўз ўрнида юртимиз тадбиркорларида ҳам хорижий

тажрибалар билан танишиб, улардан ўз фаолиятини яхшилашга оид тегишли хулоса чиқариш имконияти пайдо бўлди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни оптималлаштириш тадбирларининг аҳамиятли даражада амалга оширилганлигини нормативлар лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳам тадбиркорлар учун қулай тадбиркорлик муҳити шаклланишига олиб келмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниши эса, тадбиркорларимизнинг истиқболдаги фаолиятлари самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, унда янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текширишнинг тақиқланиши, ушбу текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги кабилар белгилаб берилган. Ушбу чора-тадбирлар орқали давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришнинг таъминланиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг жадаллашувига, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишига ва тадбиркорлик муҳитининг яхшиланишига ҳисса қўшади.

1-жадвал. Тадбиркорлик муҳитининг таркибий тузилиши

Тадбиркорлик муҳитининг омиллари	Омилларнинг таркибий элементлари
Ҳукумат сиёсатлари ва процедуралари	экспорт ва импорт чекловлари; банкротлик тўғрисидаги қонуннинг ҳолати, шартлари, мавжудлиги; кириш тўсиқлари; рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш жараёнларидаги (процедуриал) талабномалар; тадбиркорлар томонидан ҳисобот топшириладиган ташкилотлар сони; мулкчилик муносабатларни ва ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳуқуқий норматив базанинг мавжудлиги
Ижтимоий-иқтисодий шароитлар (вазият)	жамиятнинг тадбиркорлик фаолиятига муносабати; малакали тадбиркорларнинг мавжуд бўлиши; ўрнак олса бўладиган тажрибалар; тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган инсонларнинг мавжуд бўлиши; намунали тадбиркорлик фаолиятини қўллаш (тан олиш); кичик фирмаларнинг жами фирмаларга нисбати; турли хилдаги иқтисодий фаолиятлар мавжудлиги; иқтисодий ўсиш даражаси
Тадбиркорлик ва бизнес малака	техник ва касбий таълим; бизнес ва савдо-сотиққа йўналтирилган таълим; тадбиркорликка йўналтирилган таълим дастурлари; маълумотлардан фойдаланиш имконияти; техник ва касбга йўналтирилган таълим дастурлари
Молиявий кўмак	Венчур капитали; паст фоизли ссудалар; тадбиркорларни молиялаштирувчи ташкилотлар; тадбиркорликни бошлаш учун кредитларни кафолатлаш дастурлари; молиялаштирувчи ташкилотлар ўртасидаги рақобат
Номолиявий кўмак	консультатив ва қўллаб-қувватлаш хизматлари; тадбиркорлик тармоғи; инкубаторлик хизматлари; тадбиркорликка қаратилган ҳукумат дастурлари; солиқ имтиёзлари ва қўллаб-қувватлашлари; маҳаллий ва халқаро ахборот тизимлари; замонавий транспорт ва коммуникация хизматлари

Тадбиркорлик муҳитининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, уни яхшилашга давлатнинг амалга ошириши мумкин чора-тадбирлари орқали эришиб бўлмаслиги мумкин. Чунки, давлатнинг тадбиркорлик муҳитини яхшилашга ва тадбиркорларга ярата олиши мумкин қулай имкониятлари мажмуаси тадбиркорлик

муҳитининг барча омилларини тўлиқ қамраб ололмайди. Шу боисдан, тадбиркорлик муҳитини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиб, унинг ташкилий омилларини ўрганган ҳолда тадбиркорлик фаолияти ривожланишига хизмат қилувчи омил сифатида намоён бўлиши чора-тадбир ва имкониятларини ишлаб чиқиш ҳозирги давр қалтис иқтисодий вазиятининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди.

Фикримизча, тадбиркорлик муҳитининг таркибий структурасини ташкил этувчи омиллар ва мазкур омилларнинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат бўлади (1-жадвал).

Тадбиркорлик муҳитига юқорида келтирилган омил ва элементлардан ташқари уни ташкил этувчи демографик, экологик ва бошқа шу каби омиллар ҳам мавжудки, уларнинг баъзилари тадбиркорлик фаолиятига ижобий ёки салбий таъсирини ўзгартириш давлатнинг ёки жамиятнинг ихтиёридан ташқарида бўлса, баъзилари эса юқоридаги гуруҳлаштиришга асос қилиб олинган мезонларга тўғри келмайди.

Айтиш жоизки, ҳар йили Жаҳон банки ва Халқаро Молия Корпорацияси ҳамкорлигида дунёнинг 183 та мамлакатида тадбиркорларга давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар, имкониятларни ўрганиб, жами 10 та мезон бўйича баҳолаб чиқилади. Мана шу мезонлар асосида Ўзбекистондаги вазият баҳоланадиган бўлса, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги каби юртимиз тадбиркорларига ҳам қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиси Жаҳон Банки ва Халқаро Молия Корпорацияси Вице-Президенти Джанамитра Деваннинг мазкур конференцияда "Жаҳон банкининг дунё мамлакатлари бўйича рақобатбардошликка асосланган "Бизнесни юритиш" деб номланган йиллик маърузасида мавжуд муаммоларни таҳлилий баҳолаш бунда ўз ифодасини топган. Ушбу маъруза Жаҳон банкининг мен масъул бўлган хусусий сектор бўлими томонидан чоп этилади. Биз Ўзбекистон томони билан ушбу маълумотларни таҳлил қилиш масаласи юзасидан амалий ва доимий мулоқот олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон томонидан кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган муҳим ишларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон Президентининг яқинда қабул қилинган фармонларида бизнесда халқаро стандартларга эришиш учун ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилган", деб таъкидлашини фикримиз тасдиғи сифатида келтириш мумкин.

Умуман, тадбиркорлик муҳитини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосавий фикрларни келтириш мумкин:

1) Қанчалик қулай тадбиркорлик муҳити мавжуд бўлса, шунчалик кўп тадбиркорлар шаклланади ва мавжуд тадбиркорлик муҳити ривожланади.

2) Агар ижтимоий муҳит тадбиркорлик фаолиятини муҳим деб ҳисобласа, тадбиркорлар учун турли қулай имкониятлар мавжуд бўлса, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва бошқариш борасидаги етарли билим ва малакаларга инсонлар эга бўлса, инсонлар шунда ўзларини тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ўзларида куч топа оладилар.

3) Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш жараёнида турли ғовлар бўлмаса, давлатнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишига бевосита ва билвосита ижобий таъсири мавжуд бўлса, тадбиркорлик муҳити янада яхшиланади ва тадбиркорлик фаолияти ривожланади.

4) Тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришга кўпроқ ривожланаётган мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти паст даражада ривожланганлиги, қулай муҳитнинг шаклланишига адоват билан ёндашув мавжудлиги боисидан эҳтиёж мавжуд бўлади. Чунки, кўплаб бюрократик қонунларга ва процедураларга амал қилиш, ўнлаб ташкилотларга ҳисобот топшириши, процедураларни амалга ошириш учун талай маблағ ва вақт йўқотади. Шу каби жиҳатлар тадбиркорларни тадбиркорлик фаолиятини бошлаш эҳтимоллигини пасайтирувчи хусусият ҳисобланади.

Умуман, мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан сўнг тадбиркорлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа ривожи учун ҳозирга қадар мақсадли дастурлар асосида иш олиб борилиши натижасида қулай тадбиркорлик муҳити шаклланишига эришилди, дейиш мумкин. Айниқса, тадбиркорларимизга берилаётган турли солиқ имтиёзлари, рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши, ҳисоботлар топширишнинг соддалаштирилиши ва уларни бир жойга топшириш ташкил этилганлиги, экспорт операцияларини амалга оширишда давлатнинг турли имтиёзлар орқали кўмаклашуви, тадбиркорлар фаолиятини назоратдан ўтказиш муддатлари кескин узайтирилганлиги ва бошқалар мамлакатимизда фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда ва давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳити шаклланмоқда.

Жасур ХОЛОВ,
ТДИУ, стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ХХРнинг ички истеъмолни рағбатлантиришга йўналтирилган реал секторни ривожлантириш сиёсати

2008 йилдан буён "монетаризм занжири" кўринишида жаҳон иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, халқаро молиявий муносабатларда капиталларнинг мақсадли ҳаракатини издан чиқарган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон молиявий-иқтисодий тизимининг структуравий жиҳатдан мукаммал эмаслиги ва унда жиддий нуқсонлар мавжудлигини кўрсатди. Натижада, мазкур муаммони "Саккизлик" ва "Йигирмалик" мамлакатлари доирасида қарорлар қабул қилиш билангина бартараф этиб бўлмаслиги аён бўлиб қолди.

Ушбу жиҳатларни алоҳида эътироф этган ҳолда, Президентимиз қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: "Кўпгина тараққий топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдиндан айтиб бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб қолаётган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда. Шу билан бирга, жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суратларига салбий таъсир кўрсатмоқда"[1].

Вужудга келган ушбу мураккаб вазиятда мамлакатлар миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу давр кўплаб давлатлар учун "инқироздан тараққиётга" (инг. from crisis to development), бурилиш нуқтаси бўлиб, айнан ушбу жараёнда оқилона пул-кредит сиёсатини олиб борилиши, уни ташкил этилиш механизми ва босқичма-босқич амалга оширилиши юксалиш, аксинча бўлганда навбатдаги инқироз босқичини белгилаб бериши мумкин.

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида пул-кредит сиёсатининг энг долзарб муаммоларидан бири бу – монетар органларнинг молиявий активлар баҳосининг ўсишига нисбатан реакцияси бўлди. Яъни, биржа ва биржадан ташқари котировкаларнинг мунтазам ўсиб бориши фонд бозорида ёки кўчмас мулк бозорида молиявий кўпикларнинг юзага келишига замин яратди. Натижада, ликвидлилик муаммосининг кучайиши гаров таъминотини сотишга ва пировардида фонд бозорининг пасайишига олиб келди. Бундан маълум бўлдики, ривожланган мамлакатларнинг марказий банклари пул-кредит сиёсати доирасида инқирозга қарши курашиш учун етарлича ва самарали воситаларга эга эмас. Бу эса, нафақат марказий банкларнинг функцияларини қайта баҳолашда, балки унинг инструментлари, мақсад, методлари ва механизмида ҳам мувофиқ ўзгаришлар қилишни тақозо этади.

2008-2011 йилларда молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини издан чиқарган бир вазиятда Хитой Халқ Республикаси кам сонли мамлакатлар қаторида ўзининг ялпи ички маҳсулоти ўсишини деярли пастга туширмади. Фаол пул-кредит сиёсатини олиб борилиши, ички истеъмолни рағбатлантиришга қаратилган инқирозга қарши сиёсат Хитойга энг мураккаб вазиятларда ҳам юан курсининг барқарорлашувига ҳамда иқтисодиётнинг 8-10 фоиз даражада ўсишини таъминлашга ёрдам берди.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб ХХР иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилгани, тўғридан-тўғри инвестициялар киримининг барқарорлиги боис жадал суръатлар билан ривожланди. Расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда Хитой сайёрамизнинг иқтисодиётда биринчи сифатида тан олинмоқда. Бу эса, жаҳонда яна бир қудратли давлат шаклланганидан дарак беради.

Хитой иқтисодиёти истиқболига ижобий таъсир этган асосий омилларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

– СССР иқтисодиётининг таназзулга юз тутиши ва парчаланишидан Хитой унумли тарзда фойдалана олди. 1980 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган конференциянинг асосий масалалари 2000 йилгача бўлган давр мобайнида СССР иқтисодиётини барқарорлаштиришни назарда тутарди. Бироқ, баъзи саноати ривожланган мамлакатлар СССР иқтисодиётини модернизациялашга қаратилган, ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни қабул қилмади. Ваҳоланки, ўша вақтда собиқ иттифоқнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми ҳарбий соҳани ҳисобга олмаганда АҚШга нисбатан 80 фоизни ташкил этарди. Юзага келган ушбу мураккаб ва-

зиятда собиқ иттифоқ ўз харажатларининг учдан бир қисмини истеъмол товарларини ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириши лозим эди. Аммо, олиб борилган чора-тадбирлар кўзланган самарани бермади. Натижада, СССР саноати ривожланган мамлакатлар қаторига киришдаги даъвогарлик рақобатида Хитойга имкониятни бой берди.

– Хитой ғарб мамлакатларининг молиявий-иқтисодий стратегик режаларини издан чиқарган ягона давлатга айланди. Бунга эришишнинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ХХР иқтисодиёти умуман "ухламади" ва доимо ҳаракатда бўлди. Ички истеъмолни рағбатлантиришга қаратилган фаол сиёсат Хитойга энг мураккаб вазиятларда ҳам юан курсининг барқарорлашувига ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга ёрдам берди. Иккинчидан, ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб, кўпгина Европа мамлакатлари ўз иқтисодиётининг барқарорлашувини таъминладилар ва қисқа вақт ичида жаҳон молия секторидаги етакчи қутбларни шакллантиришга эришдилар. Бироқ, ушбу мамлакатларнинг ҳисоблашича ХХР ўша вақтдаги ва ундан кейинги юқори илмий технологик тўсиқларни ҳал эта олмаслиги лозим эди. Бу ерда, ғарб мамлакатлари томонидан йўл қўйилган хато шундан иборат бўлдики, улар гўёки юқори илмий технологик маҳсулотларни фақат АҚШ ва европаликлар ишлаб чиқаришини бошқалар эса, мазкур соҳада улар билан ҳисоблашишга мажбур эканлигини таъкидлашди. Шундан келиб чиққан ҳолда улар ўзларига тегишли бўлган барча корпорацияларнинг акциялари курсини мунтазам равишда юқори даражада ушлаб турдилар. Бунга жавобан ХХР ўзининг барча эътиборини юқори технологияли ҳарбий қудратга эга бўлишга ҳамда аэрокосмик комплексларни барпо этишга қаратди.

Хўш, Хитой қай тарзда ғарб-ликларнинг технологик тўсиғини енгиб ўтди? Бунда, ХХР худди РФ каби мураккаб илмий технологияларни харид қилиш баробарида ушбу соҳадаги хорижий тажрибаларни ҳам импорт қилди.

Ниҳоят, Хитой ўз ҳудудида АҚШ ва Европа корпорацияларининг илмий-тадқиқот ҳамда тажриба конструкторлик тизимидаги корхоналарни ташкил этишга ва уларда маҳаллий аҳолини кам ҳақ эвазига бўлсада, фаолият юритишини таъминлашга эришди. Бу эса, хорижий тажрибани ўзлаштиришнинг энг мақбул йўли эди. Натижада, кўп ўтмай дунёдаги етакчи компанияларнинг аутсорсинг шаклида ХХРга кириб келиши Хитой индустриясининг ривожланишига олиб келди.

– ХХРнинг тараққиёт омилларидан яна бири бу – АҚШ ҳукуматининг пул-кредит сиёсатини олиб боришдаги қатор номувофиқ хатти-ҳаракатлари бўлди.

1999 йилга келиб "Глэсс-Стигел" қонунининг бекор қилиниши ҳамда ФЗТ бошқаруви томонидан номувофиқ пул-кредит сиёсатининг олиб борилиши АҚШ тижорат банкларига инвестиция банки функциясини бажариш имконини берди. Бу эса, рискли андеррайтинг, қимматли қоғозлар савдоси ва беқарор кредит амалиётининг ривожланишига олиб келди[2].

Хўш, "Глэсс-Стигел" қонуни қандай мақсадларни кўзда тутарди?

1930–1933 йиллардаги банк инқирозларидан сўнг манфаатлар тўқнашуви низосини бартараф этиш, соғлом ва барқарор банк тизимини қўллаб-қувватлашга нисбатан сиёсий босим ортди. Бунга жавобан 1933 йилда АҚШ конгресси томонидан "Глэсс-Стигел" деб номланувчи банк қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, тижорат банклари фаолияти қимматли қоғозлар саноатидан ажратилди. Инвестиция банкларининг тижорат банк фаолияти билан шуғулланиши қонуний жиҳатдан тақиқлаб қўйилди. Тижорат банкларининг андеррайтинг фаолияти ҳамда корпоратив қимматли қоғозлар билан шуғулланишига чек қўйилди.

Ажабланарлиси шундаки, Буюк депрессиядан сўнг қабул қилинган "Глэсс-Стигел" қонуни 1999 йилга келиб Клинтон маъмурияти даврида бекор этилди ва бу навбатдаги глобал молиявий инқирозга дебоча ясади.

Шунингдек, АҚШ давлат қарзининг мунтазам равишда ошиб бориши ва бунда асосий улушни Хитой эгаллашини инобатга оладиган бўлсак, халқаро валюта муносабатларида ҳамда захира валюталари таркибида юаннинг улуши ортишини тахмин қилиш мумкин.

2012 йилнинг дастлабки ойида АҚШнинг давлат қарзи мамлакат ЯИМдан ошиб кетди. Яъни, АҚШнинг давлат қарзи 15,23 трлн. долл.га етгани ҳолда, ЯИМ ҳажми 15,17 трлн. долл.ни ташкил этди[3].

Хитойнинг (Гонгконг, Макао, Тайвандан ташқари) ҳам ташқи қарзи ортгани ҳолда 2011 йилнинг III чораги якунига кўра, 697,16 млрд. долл.га етди. Бунда, мамлакатнинг ташқи қарздорлиги таркибида қисқа муддатли мажбуриятларнинг улуши 507,6 млрд. долл.ни, ўрта ва узоқ муддатлилари эса, 189,5 млрд. долл.ни, бошқача қилиб айтганда умумий мажбуриятнинг 27,19 фоизини ташкил қилди[4]. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, сўнгги йилларда Хитойга "қайноқ пуллар" деб номланувчи, спекулятив хусусиятга эга бўлган хорижий капиталларнинг кириб келиши анча тезлашган.

ХХР Ҳукумат идораси расмийларининг таъкидлашича, Хитой ташқи қарзининг ошиб кетиши мамлакат иқтисодиётига ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Чунки, бугунги кунда Хитой дунёдаги энг йирик олтин-валюта захирасига (3,2 трлн. АҚШ долл.) эгалик қилмоқда. Бу эса, мамлакат ташқи қарзини тўлашни кафолатлайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Хитой ҳукумати 586 миллиард долларлик иқтисодий мадад пакетини ички истеъмолни рағбатлантиришга

йўналтирди. Шунингдек, банк кредитларининг ўсиши учун монетар сиёсатни сусайтириш, ички истеъмолни ошириш учун турли молиявий рағбатларни тақдим этиш орқали инқирозга қарши муносиб жавоб қайтара олди. Бундай сиёсат Хитой маҳсулотига талабнинг кескин тушиши шароитида ижобий таъсир кўрсатди. Баъзи етакчи мамлакатлар, жумладан, АҚШ, чуқур рецессия ҳолатини бошидан кечираётган бир пайтда Хитой ЯИМнинг 2008 ва 2009 йилларда мос равишда 9,6 ва 9,2 фоизга ўсишига эришди. 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра эса, ушбу кўрсаткич 7,6 фоизни ташкил этди. (1-жадвал).

1-жадвал. 2005-2012 йилларда Хитой ЯИМнинг йиллик ўсиши (фоизда)

Йиллар	Ўсиш суръати	Йиллар	Ўсиш суръати
2005	9,9	2009	9,2
2006	11,1	2010	10,4
2007	14,2	2011	9,2
2008	9,6	2012*	7,6

***Изоҳ:** * 2012 йил январь-июнь натижалари асосида.*

Ҳозирда ХХР олтин ёмби ва тангалар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ҳисобланади. Хусусан, "Бутунжаҳон олтин кенгаши" (WGC) маълумотларига кўра 2011 йилнинг I чорагида Хитой ишлаб чиқарувчилари томонидан 90,9 тонна олтин қайта ишланган[5]. Ушбу кўрсаткич ўтган чорак натижаларини 55 фоизга оширади. Бу олдинги йилга қараганда икки марта кўпдир. Халқаро олтин бозорида Хитойнинг бугунги кундаги улуши 25 фоизни, Ҳиндистоннинг улуши эса, 23 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, 2011 йилнинг III чорагида ХХРнинг валюта захираси 2,2 трлн. еврога етди. Шундан 60 фоизини – АҚШ доллари, 26 фоизини – евро, 14 фоизини эса, – СДР ҳамда бошқа валюта бирликлари ташкил этади[6].

АҚШ кредит рейтингининг бир поғона пасайтирилишига қарамасдан, унинг ҳукумат облигациялари бозори Хитойнинг катта миқдордаги захираларини инвестициялаш учун энг ишончли объект бўлиб қолмоқда. 2003-2005 йилларда ХХРнинг давлат валюта бошқаруви (SAFE) раҳбари лавозимида ишлаган Гуо Шуцин "Capital Week" нашрига берган интервьюсида Хитой "тарихий сабаблар ва ҳақиқий эҳтиёжлар"дан келиб чиққан ҳолда ўз захираларини асосий қисмини доллар активларига инвестиция қилаётганлигини таъкидлади. Бироқ, шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, АҚШнинг ғазначилик облигацияларига (Treasuries) инвестиция йўналтириш маълум рискларни келтириб чиқаради. Яъни, ишончлилик ва даромадлилик нуқтаи назардан улар энг яхши инвестиция манбаи бўлиши мумкин, аммо глобал иқтисодий тўлқинлар ҳамда евроҳудуд мамлакатларидаги жиддий қийинчиликлар даврида АҚШ облигациялари идеал маҳсулот бўла олмайди.

АҚШ Молия вазирлигининг сўнгги маълумотларига кўра, Хитой бугунги кунда Вашингтоннинг энг йирик кредитори бўлиб, у ҳозиргача АҚШнинг 1,6 трлн. долл. қийматидаги ҳукумат облигацияларини сотиб олган. Экспертларнинг таъкидлашича, ХХР ўз захирасининг қарийб 75 фоизини АҚШ ҳукумат облигациялари ва бошқа доллар активларига йўналтирган бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг янада ошиши кутилмоқда.

2011 йилда Хитой инвесторлари томонидан 178 мамлакатдаги 18 мингта корхона ва ташкилотларга инвестиция маблағлари йўналтирилди. Шундан, молиявий бўлмаган секторга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 322 млрд. долл.ни ташкил этди. Хорижий активларни сотиб олиш ҳажми эса, 1,5 трлн. долл.га етди.

Шунингдек, бугунги кунда ХХР томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, биргина 2011 йил май ойининг ўзида Хитой томонидан 55 млн. тонна чўян ишлаб чиқарилган бўлса, мазкур кўрсаткич йил давомида 650 млн. тоннани ташкил этди. Бу эса, дунёда бир йил давомида ишлаб чиқариладиган жами чўян ҳажмидан 1,5 баробарга кўп демакдир. Шунингдек, China Iron & Steel Association маълумотларига асосан, ушбу мамлакатда бир кунда 1,96 млн. тонна, бир йилда эса, 720 млн. тонна пўлат ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирда дунё цемент ишлаб чиқариш саноатини Хитойсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жумладан, 2011 йилнинг май ойида Хитой 196 млн. тонна, бир йилда эса, 2,4 млрд. тонна цемент ишлаб чиқарди.


Чўян, пўлат, цемент – қурилишдаги асосий хом ашёлар ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу хом ашёларни ишлаб чиқариш бўйича илғор экан, демакки, Хитой қурилиш соҳасида ҳам етакчидир. Юқоридаги таҳлиллар натижасида шу нарса маълум бўлдики, мазкур соҳада Хитой аллақачон қудратли давлатга айланиб улгурган бўлиб, ҳозирда АҚШ у билан рақобатлаша олмайди.

Электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ХХР илғор саналади. Яъни, бугунги кунда Хитой бир йил давомида 200 млн.дан ортиқ микрокомпьютерлар ишлаб чиқармоқда. Бу кўрсаткич АҚШга қараганда анча кўпдир.

Охирги беш йилда ХХРнинг молиявий даромадлари ҳажми 30,3 трлн. юан (4,6 трлн. АҚШ долл.)ни ташкил этди. Бу эса, даромадларнинг ҳар йили ўртача 21,3 фоизга ошганини билдиради.

ХХР Божхона бош бошқармасининг расмий маълумотларига кўра, халқаро миқёсда амалга оширилган кенг кўламдаги экспорт операциялари натижасида Хитой Ҳукумати 2011 йилнинг III чораги якунида 157,49 млрд. АҚШ долл. миқдорида маблағга

1-расм. 2005-2011 йй.да Хитой ТСБнинг ўзгариш динамикаси (млрд. АҚШ долл.да)



Изоҳ: * 2010 йил натижалари 11 ойлик маълумотлар асосида тузилган.
Манба: Statistical Yearbook of China, 2008; Синьхуа агентлиги маълумотлари.

эга бўлди. Бу эса, базис йилининг III чорагига нисбатан 15,9 фоизга кўпдир. 2011 йилда ташқи савдо ҳажми 3,641 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этди. Бунда, мос равишда экспорт ҳажми 20,3 фоизга ўсгани ҳолда 1,898 трлн. АҚШ. долл.ни, импорт ҳажми эса, 24,9 фоизга ортгани ҳолда 1,743 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этди[7]. Шунингдек, 2012 йилнинг I чорагида эса, импорт ҳажми йиллик 5,3 фоизга ўсди (башорат кўрсаткичи 9,3 фоиз), экспорт ҳажми эса, ҳисобот йилида 9,9 фоизга ўсди (башорат кўрсаткичи 7,2 фоиз). Бугунги кунда экспортни рағбатлантириш мақсадида ХХР томонидан субсидиялар ажратилмоқда (бу юан курсининг пасайиши билан ҳам бағлиқ). Бу охирги ўн йилда 2 трлн. долл.ни ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакатда иқтисодиёт қандай қонуниятлар асосида шакллантирилишидан қатъи назар аввало, давлат ўзининг ривожланиш моделини танлаб олиши ва ўз иқтисодий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уни мукаммаллаштириб бориши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, иқтисодиётни монетаризм ёки Кейнсча қарашлар асосида барпо этилиши кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётни тартибга солиш борасида сўз кетганда, ҳозирги вақтда ҳам айрим иқтисодчи олимлар иқтисодиётда давлат ролининг ортиб боришига бюрократик манфаатларни қондиришнинг асосий воситаси сифатида қараб келадилар ва бу иқтисодий ривожланиш манфаатларига умуман мос келмаслигини исботлашга ҳаракат қиладилар. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролига баҳо беришда ҳар хил қарама-қарши ёндашувлар амал қилиб келаётганлигига қарамасдан, ҳозирги вақтда ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларининг деярли барчасида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг турли усулларидан кенг фойдаланилади. Шу жумладан, Хитойда ҳам. ХХР иқтисодий ривожланиш моделининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– давлат томонидан режалаштириш ва бозор муносабатларининг бир вақтда амал қилиши;

– "марказлаштирилган режали иқтисодиёт модели"дан "социалистик режали товар иқтисодиёти модели"га ўтишнинг амалга оширилганлиги;

– қишлоқ хўжалигида "халқ коммуналлари" тизимидан "оила пудрати" тизимига ўтилганлиги;

– "хўжалик ҳуқуқи" тартиботидан "хусусий мулкчилик ҳуқуқи" тартиботини ажратиб чиқариш орқали давлат корхоналари хўжалик фаолиятининг жонлантирилиши;

– корхоналар ўртасида тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларининг ўрнатилганлиги;

– давлат томонидан бозорлар тизимининг (фонд, хизматлар, ахборотлар, техника ва технологиялар бозорлари) фаол ривожлантирилганлиги.

Бир сўз билан айтганда, Хитойнинг ички истеъмолни рағбатлантиришга йўналтирилган иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш сиёсати мамлакатнинг иқтисодий стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, юзага келадиган вазиятларга мос равишда такомиллашиб бормоқда.

Н.Х.ЖУМАЕВ,
Иқтисод фанлари доктори,
профессор.
У.Ш.ДУСКОБИЛОВ.

---

[1] И.А.Каримов. "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. \\ "Халқ сўзи". 2012 й. 20 январь, №14 (5434).

[2] А.Явмутов ва бошқалар. "Молиявий-иқтисодий инқироз ва уни бартараф этишда валюта сиёсатидан фойдаланиш: муаммолар ва ечимлар". Т.: "Академнашр", 2011 й. 14-б.

[3] "USA Today" нашри маълумотлари.

[4] www.vesti.ru

[5] Ю. Калачихина. "Китай вышел в мировые лидеры по закупкам золота"., Статья. 23.05.2011г.

[6] Н.Амьес, А.Варкентин. "Китай готов помочь Европе - но не бескорыстно". Статья, 18.09.2011г.

[7] "Chinapress" маълумотлари асосида.

Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар эволюциясига доир баъзи бир далзарб масалалар



Бугунги кунда айрим мамлакатларда инқирозга қарши чораларнинг сусайтирилганлиги, кўпгина банклар ўзининг контрагентлари олдидаги молиявий ва қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлашда молиявий аҳволи заиф бўлганлиги сабабли кўпинча уларда ноликвидлилик юзага келмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сонли қарорида мамлакат банк тизимининг ликвидлилигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар эволюциясини ўрганиш ва таҳлил қилиш заруриятини тақозо этади.

Маълумки, банк ишида ликвидлилик бўйича илмий-назарий фикрларнинг ривожланиши банк тизимининг шаклланиши билан бирга пайдо бўлган. Банкка нисбатан ишонч ва воситачилик масалалари эса ҳар доим ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бир неча юз йиллар аввал кишилар ўзининг олтинини “қарз тилхати”га алмаштирган. Улар ўзларининг олтинининг ҳисоб-китобини олиши учун уларни саноқдан ўтказиш мажбур бўлган. Агар “қарз тилхати”нинг эгаси ўзининг олтинини сақлайдиган жойдан олишни хоҳласа, сақлайдиган жойнинг аҳволи қандай ҳолатда бўлмасин, ўзининг олтинини нақд шаклда олишни лозим кўрган.

Жаҳон банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлилигини илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш XIX асрнинг бошларига келиб куртак ёзган. “Ликвидлилик” тушунчаси банкнинг бизнеси соҳасида тез-тез қўлланилган. “Банк ликвидлилиги” ўзида банк активларининг нақд пул маблағларига айланиши ва оқиб ўтиш қобилиятини акс эттиради.

XX асрнинг 30-йилларида америкалик иқтисодчи олим Дж.М.Кейнс “банк ликвидлилиги”-ни банк иши назарияси ва амалиётида кенг кўламда оммалаштирган. У бозор иқтисодиётини тартибга солишда микроиқтисодий-таъминот назариясининг асосчиси ҳисобланади. Кейнс ўзининг “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” номли илмий мақоласида “ликвидликнинг афзаллигини психологик жиҳатдан ишга алоқадор бўлган мавзулар”га ёндашган ҳолда таҳлил қилган. У хўжалик юритувчи субъектлар нақд пуллар шаклида олинадиган даромаднинг муайян бир қисмини сақлашни маъқул, деб топган. Кейнс “нақд пуллар” сифатида қўлдаги олтин тангалар ва банкнотларни, нақд пул кўринишдаги ҳар қандай кўринишдаги маблағларни, хусусан, ғазна векселларини, банк ҳисобвара ғидаги қолдиқ маблағларни хўжалик тизимидаги қонуний тўлов воситa-

си деб қабул қилган. Кейнс нақд пулларни сақлашга сабаб бўлган ликвидлик учун жорий фаолиятни бетўхтов амалга ошириш ва келгусида даромад олиш лозимлигини, ликвидликнинг асосий шарти – нақд пуллар билан кишиларнинг бўш қўлларини таъминлаш кераклигини, улар "мутлақо ликвидли" эканлигини, пулнинг функцияларини бажариши, мажбуриятлар бўйича тўлов воситаси бўлиши мумкинлигини, "нақд пулларни сақлаб туриш кишиларга ҳавас уйғотади, у билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни"[1] эътироф этади. Ликвидлик тушунчасига бундай ёндошув банкнинг турли хил қўйилмаларга, кредитор олдидаги мажбуриятларни бажариши учун нақд пуллар муомаласига имконият яратиш ва унга тезда эга бўлиш шартини белгилаб беради. Ҳар доим банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлигини сақлаш учун кассага нақд пуллар, инкассодаги чеклар, вакиллик ҳисобварақларига маблағлар қабул қилинган. Омонатчилар банклардан ўзининг омонатларни олиб қўйиш ҳолатлари юзага келганда улардан манба сифатида фойдаланиши маълум. Улар тижорат банклари ликвидлигининг бош манбаи ҳисобланади. Банкнинг бошқа барча активлари (мижозларнинг ссудалари, қимматли қоғозларга қўйилган қўйилмалар, иштирокчининг ҳуқуқи ва бошқа турдаги активлар) ликвидли ҳисобланиши мумкин, аммо улар минимал йўқотишлар билан ўзининг қийматини тезда нақд пулларга алмаштиришлари ҳам мумкин. Кейнс назариясининг тижорат банкининг ликвидлигига таъсири баланснинг актив ҳисобварағларидаги қарз мажбуриятларини ўз вақтида таъминлаш қобилияти сифатида ликвидликка якуний таклиф беради, деб хулоса беришимиз мумкин. Қарз мажбуриятларига депозитларнинг муддатида эгаларига қайтарилиши лозим бўлган банк мажбуриятлари билан бирга, ҳисобварақлардаги мажбуриятлар ва мижозларнинг белгиланган операциялари бўйича тўловлар ҳам киради.

Дж. Синки ўзининг илмий ишларида "банк ликвидли бўлиши учун депозит эгалари маблағларни ўзларининг ҳисобварағидан олиб қўйилишига ва кредитларга бўлган эҳтиёжни доимо таъминлашга тайёр бўлиб туриши лозим. ...Банк ҳар қандай пайтда шартномавий мажбуриятларни келишилган нархда таъминлаш имкониятига эга бўлиши лозим"[2] деб эътироф этади.

В.Л.Дмитриев-Мамонов ва З.П.Евлизинлар "банк ўзининг пул маблағларини эркин идора қилиш имконияти орқали уларни доимо сақлаб туриши, дастлабки сарфланган капиталларни қайтаришга доимо имконият яратиши ва маблағларни қайсидир қўшимча операцияларни амалга ошириш ёрдамида узлуксиз жалб қилиб тургандагина банкнинг ликвидлиги таъминланади"[3] деб ҳисоблайди. Улар банк ликвидлилигини банк ишининг қуйидаги иккита тамойили: актив ва пассив айланмаларининг бир-бирига мувофиқ бўлиш лозимлиги ва рискларнинг қулай тақсимланиши орқали таъминланишини талқин этади.

Ж.Матук "банкни ликвидлигини белгиланган муддатга ва ҳажмга мувофиқ ўзининг қарз мажбуриятларини бажариш қобилияти"[4] деб таърифлаган. Бу таъриф ғоянинг асосига мос келади, аммо ликвидлик тушунчасига муайян чегара қўйилган. Ж.Матук қарз, муддат ва ҳажм каби учта параметрнинг бажарилиш мажбуриятини талқин қилиш билан чегараланган. Мажбурият нафақат қарз бўлиши мумкин, балки у актив (ссудани бериш графиги) ва балансдан ташқари (аккредитив бўйича тўлов муддати, кафолат ёки кафиллик) ҳолатлари бўлиши мумкин. Мажбурият таркибида нафақат муддат ва ҳажм, балки жой ва қандайдир қўшимча шакллар ҳам иштирок этиши мумкин. Банк таъминловчи шундай моделки, бир вақтнинг ўзида мажбуриятларни таъминлаш пайтида ноликвид бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Банк ликвидлилигини таниқли иқтисодчи олим Э. Рид "Банкнинг нақд пуллари, ликвидли активлари, молиявий ва қарз мажбуриятларини ўз вақтида қоплаш учун маблағлар манбаларидан фойдаланиш имконияти етарли бўлганда банк ликвидли хисобланади. Банк амалиётида ҳар қандай кўзда тутилмаган эҳтиёжларни таъминлаши учун ликвидли захира етарли даражада бўлиши лозим»[5] деб батафсил талқин қилган. Р.Коттер ва Л.Харрислар "Ликвидликни – "запас" ёки "оқим" сифатида тушуниши мумкинлигини ... қачонки, ликвидлик - оқим сифатида қаралганда ликвидли активларга камроқ эътибор берилади, ликвидлик эса кўпроқ ҳисобга олинади, аммо хўжалик юритувчи субъектнинг қобилияти амалиётлар (операцион) фаолиятига оқиб келадиган пул маблағлари ҳисобига таъминланади"[6] деб эътироф этади. Ликвидлилик иккита асосий усул, яъни "запас" (баланс ҳисобварақлар) ҳамда "оқим" (ликвидли активларнинг кирими ва чиқимининг прогнозини ҳисобга олган ҳолда) нуқтаи назаридан аниқланиши мумкин. Бу усуллар ликвидликнинг статитик ва динамик кўринишини аниқлаб беради.

Тимоти У.Кох "ликвидлик – бу банкнинг Федерал захира тизимига ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағига келишилган нархдаги нақл пулларни сотиб олиш қобилияти"[7] деб таъриф беради. Бу таърифда банкнинг имкониятини эмас, балки унинг зарурий маблағларни жалб қилиш қобилияти ҳисобга олинади, аммо бунда зарурий маблағларнинг ҳажми акс эттирилмаган. Тимоти банк томонидан талаб этилиши мумкин бўлган ўзлаштириладиган маблағлар миқдорини таърифламаган. Унинг таърифида мажбуриятлар бўйича тўловлар кўрсатилмаган, аммо банкнинг қобилияти банк кассасига нақд пулларни жалб қилиш эмас, балки мажбуриятларни ҳисоб-китоб



қилиш учун нақд пулларга эга бўлиш лозимлиги намоён эттирилган. Тимотининг ликвидлик тўғрисидаги назарияси айнан ривожланган мамлакатларга мос келади. Бу назария ликвидли маблағларнинг захирага эга бўлишини мўлжалламайди, балки ликвидликни мустаҳкамлаш учун фақат кафолатланган кириш йўли лозимлигини тақазо этади. Ўзбекистон шароитида ликвидликка берилган бундай таъриф хавфли, чунки ликвидлик давлатнинг маблағлари манбаига қаратилиши учун кафолатланган кириш йўлини талаб этади, бу эса, бизнинг мамлакатда мавжуд эмас. Ўзбекистонга хос бўлган энг яхши хусусиятлардан бири, ликвидли активлар захираси назариясидан келиб чиққан ҳолда ликвидликка берилган таъриф ижобий, чунки захиралар ҳажмига нисбатан маблағлардан фойдаланиш (қисқа муддатли мажбуриятлар) учун ёндошилган талаблар банкнинг ликвидлик даражаси ёрдамида ўлчаниши мумкин.

Немис иқтисодчиси проф. Людвиг Мюльхаупт ликвидликка икки хил ҳолат бўйича ёндошган. *Биринчи ҳолатда*, ликвидлик хўжалик юритувчи субъектнинг активлари ва мулкларининг нақд пул маблағларига айланиш имконияти ҳамда у банк активларининг нақд пулга айланиш қобилияти, деб ҳисоблайди. Бунда асосий шартлардан бири, уларнинг пул маблағлари айланиш жараёнида зарар кўрмаслиги лозим[8]. Фикримизча, бу таъриф жиддий ифодаланган, айнан банкнинг ликвидликка риоя қилиши учун батафсил урғу берилган, аммо зарарли, деб тахмин қилинмаган. Активлар банк мажбуриятларини таъминлашлари, пулларнинг қадрсизланишга дуч келмасликлари ва нақд пулларни айирбошлашда ўзининг номинал қийматини йўқотмаслиги учун ишлатилади. *Иккинчи ҳолатда*, банк ликвидлигига иқтисодий муносабатлар объекти сифатида қаралади, айнан: банкнинг қобилияти ўзининг мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини кафолатлайди (бунда ҳар қандай тўловни амалга ошириш мумкин). Бу эса, актив ва пассив операцияларнинг муддатига мувофиқлиги билан изоҳланади.

Француз иқтисодчиси П.Диетерлен "банкнинг ликвидлигини барча жорий талабларга ва мажбуриятларга зид келадиган, ҳозирги пайтда ва келгусида зарур бўладиган нақд пулларга муайян муддатда эҳтиёж туғилади ва ўз навбатида, доимий ёки тасодифий характерга эга бўлади" деб таърифлаган. Лондон университети проффесори Р.Сайерс "ликвидлик – бу банкларнинг омонатчилар маблағларини уларнинг расмий талабларига кўра қайтариб бериш пайтидаги қобилияти"[9] деб ҳисоблайди.

Е.В. Неволина "ликвидликни айирбошлаш қийматининг ўз вақтида ва бир-бирига ўхшаш (адекват) шаклда реализация қилинадиган иқтисодий муносабатларнинг объекти сифатидаги иқтисодий категория"[10] деб изоҳлаган. Иқтисодий муносабатлар объектида товарларни таҳлил қилиш орқали пул билан ликвидлик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кузатилади. Товар-пул муносабатларини айирбошлаш асосида доиравий шаклдаги Т-П-Т узлуксизлик намоён бўлади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ликвидлик иқтисодий категория сифатида изоҳланади, у қийматнинг ўз вақтида амалга оширилишида ҳар доим юзага келади, "банк ликвидлиги"нинг моҳиятида эса "қийматнинг ўз вақтида реализация қилиш жараёнидаги имконияти" акс этади.

Пул маблағлари банклар учун айланма капитал бўлиб, у товарнинг қандайдир даражадаги ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Агар ишлаб чиқариш корхоналари ўзининг фаолиятида товар шакли-

да капиталнинг айланишига асосланса ва уларнинг ликвидлик даражаси корхоналарнинг ликвидли товарлари билан боғлиқ бўлса, у ҳолда банк пул бозорида фаол иштирокчи сифатида пул шаклидаги капиталнинг айланишини амалга оширади, у биринчи навбатда, қарз мажбуриятлари (кредитор ва қарздор сифатида) билан иш олиб боради. Бир вақтнинг ўзида банк фойда олиш мақсадида ўзининг фаолиятини амалга оширувчи мустақил молия институт бўлиб, у харажатларни тўлиқ қоплаши учун даромад олиш мақсадида мижозларга банк хизматлари кўрсатиб келади.

Ҳар қандай тижорат банки камида бир-бирига зид бўлган иккита ликвидлик муаммосига дуч келади: биринчи муаммо, пул бозорида ўзаро бир-бири билан тўловларни амалга оширадиган бозор иштирокчиси; иккинчи муаммо, банк ўзининг фаолиятида фойда олувчи ёки зарар кўрувчи молия-кредит соҳасининг мустақил субъекти сифатида ўзининг хусусий товарларининг ликвидлигига дуч келади, бунда тижорат банкларининг ликвидлиги, бир томондан, мижозларнинг ҳисобварағидаги нақд ва нақдсиз шаклдаги пул айланмаси билан таъминланиши, муддатлар бўйича мажбуриятларнинг тугатилиши бўйича актив ва пассив операцияларнинг мувофиқлигини мустаҳкамлаш, иккинчи томондан фойдалиликнинг барқарор минимумини таъминлашдан иборат бўлади. Демак, *тижорат банкининг ликвидлиги* – бу банк ўзининг мажбуриятларини бажариш қобилиятидир, бунинг учун банк нақд ва нақдсиз шаклдаги пул маблағларининг етарли миқдорига эга бўлишини тақозо этади[11].

Белолипецкий В.Г. ликвидликни пул, вақт ва риск тушунчалари билан ўзаро боғлиқ[12] деб ҳисоблайди. Асосий ёндошув сифатида алмашув қийматига эга бўлган активнинг қобилиятини ликвидли товарнинг пулга айланишида кўриш мумкин. Ликвидлик билан ***пул*** категорияси ҳам чамбарчас боғлиқ. Товар ликвидли бўлганлиги учун ҳам у кимгадир зарур ва бунда товар истеъмол қийматга эга бўлади. Ликвидлик ***вақт*** омили билан ўзаро боғлиқ. Пул муомаласи қонунида Т-П-Т муомала воситаси сифатида пулнинг моҳиятини акс эттирилади. Товар пулга айирбошланган пайтда вақтинчалик ликвидлик акс этади. Товарнинг ликвидлиги товарни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат ва муомала воситаси пулнинг функциясини бажарувчи кредит воситасининг етарлилиги билан боғлиқ. Активларнинг пулга айланишида муддат қанчалик кам ва уларга нисбатан зарурият туғилса, ликвидлик шунчалик юқори бўлади. Ликвидлик билан "пул оқими" ўртасидаги муносабат ниҳоятда муҳим. Пул оқими деганда, пул маблағларининг бир иқтисодий субъектдан бошқа иқтисодий субъектга оқиб ўтиш жараёнидаги ҳаракат тушунилади. Пул оқими: товар қийматига қарши ҳаракат ва молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича пул оқимларига бўлинади. Биринчи тоифали пул оқими Т-П-Т деб номланади. Бунда вақт омили намоён бўлади. Товар айирбошлаш жараёнида пул олишга кам вақт сарфланганда товар юқори ликвидли бўлади. Иккинчи тоифали пул оқими П-П деб номланади. Бунда пулнинг тўлов воситаси функциясида кредит олиш ва уни қайтариш, муддати узайтирилган товар тўловлари пул орқали амалга оширилиши акс эттирилади. Ликвидлик ***риск*** тушунчаси билан ҳам ўзаро боғлиқ. Рискнинг ўсиши ликвидлик даражасини пасайтиради. Товар ёки активларнинг етарлилиги ижтимоий қийматнинг пасайишини асослаб беради, уларнинг пулга айланиши учун муддат кўпроқ талаб этилади. Ликвидли активларнинг миқдори юқори бўлса, мажбуриятларнинг миқдори ҳам юқори бўлади, у бошқа субъектлар учун ликвидли актив ҳисобланади. Субъектнинг риск даражаси ўсганда ликвидлик даражаси пасаяди. "Ликвидлик" пул оқими, вақт омили ва рискнинг алоқадорлигидан келиб чиқади.

Э.Василишен, О.М.Маркова ва Л.С.Сахаровалар "тижорат банкининг ликвидлилигини банк активларининг нақд пул маблағларига тезда айланиши сифатида фойдаланиш имконияти ва ўзининг ўзгармас қийматини сақлайдиган активларнинг қобилияти"[13] сифатида қарайди.

Хорижий адабиётларда банк ликвидлиги ҳар хил изоҳланишига қарамай ҳаммаси ҳам бир томонлама таърифланган. Бунда "банк ликвидлиги" нақд пулларнинг мавжудлиги билан кредитор олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажариш имконияти деб қаралган.

А.Н.Трифонов томонидан ликвидликка юқорида таъкидланган таърифга хос хулоса берилган, яъни "банк ликвидлиги таркибига банкнинг нафақат қарз мажбуриятларини бажариш қобилияти, балки мижозларнинг молиявий барқарор бўлган пул маблағларини таъминлаш мажбурияти ҳам киради"[14]. Банк ликвидли бўлиши учун кредитор томонидан ўз вақтида мажбурият-ларини таъминлаши ва даромад олиш мақсадида актив операцияларни ўз вақтида юритиши ҳамда банк маблағларни ушлаб туриши учун пул маблағларини идора қилиб туриши лозим бўлади. Муддат бўйича активлар ва пассивларнинг мувофиқлиги муайян санага фақат банкнинг ликвидлилигини бир томонлама ифодалайди. Бу ёндошув орқали банк балансининг ликвидлилигини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин. *Баланснинг ликвидлиги* деганда, муайян санага банк ўзининг активлари орқали мажбуриятларнинг тўлиқ қопланишини таъминлашнинг акс эттирилиши тушунилади. У хусусий маблағлар ва активларнинг кўлами, мажбуриятларнинг муайян таркиби ва пассивларнинг муддати билан активларнинг қопланиш муддатининг бир-бирига мувофиқлиги билан характерланади. Банкнинг фаолияти қўйилмалар ва мажбурият-

ларнинг таркиби ҳамда кўлами билан ифодаланади. Активларнинг ҳаракати, қўйилмалар ва уларнинг сарф қилиниши, қарз мажбуриятларининг оқими банк ликвидлигини аниқлаб беради.

В.И.Колесников, Л.П.Кроливецкаялар "тижорат банкининг ликвидлиги – банкнинг барча контрагентлари олдидаги ўзининг молиявий ва қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш имконияти"[15] деб тарифлайдилар.

М.М.Ямпольский банкнинг ликвидлигини "тижорат банкининг фаолиятидаги асосий шарти ликвидликка риоя қилиш, унга жалб қилинган маблағ эгаларининг эҳтиёжини таъминлаш имконияти ва ўз вақтида мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилишидир"[16] деб изоҳлайди. У томонидан берилган таъриф етарли даражада изоҳлаб берилмаган. Банк ликвидлилигига берилган таъриф фақат пассив бўйича ва жалб қилинган маблағ эгаларининг олдидаги мажбуриятлар билан чегараланади. Аммо банкда мажбуриятлардан ташқари актив операциялар, балансдан ташқари мажбуриятлар ҳам мавжуд. Банкдаги мажбуриятлар ҳар қандай корхонада ҳам учрайди. Банкда депозитлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинади, аммо қимматли қоғозларни сотиб олиш муддати бўйича риоя қилмаслик, айирбошлаш шохобчасининг айланмасига паст меъёрлар белгилаш, кредит шартномаси бўйича ссудаларни бериш графигининг бузилиши, ходимларнинг иш ҳақини ёки ўзига тегишли солиқларни ўтказишни ушлаб туришга йўл қўйилади. Бундай ҳолатларда банкни ликвидли, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Ликвидлик банкнинг барча мажбуриятларни бажариш қобилияти, деб таърифланади. Фақат у "банк ликвидлиги" тушунчасининг "баланс ликвидлиги" тушунчасидан фарқини етарлича талқин қилиб берган, холос.

Америкалик иқтисодчи олим П.С.Роуз ўзининг монографиясида "жамиятнинг ўзи жамғарма сертификатлари билан муддатли депозитлари ўртасидаги миқдорий муносабатларни ўзлари аниқлаб берган, улар пул маблағларни сақлаб туришини тақозо этиши лозим"[17]. Молиявий активларга асосан банк омонатчилардан олинган маблағларни муддатлар бўйича тақсимлаши лозим. 60-йилларда ссудага бўлган эҳтиёжларни таъминлаш учун молиялаш манбалари қисқартирилди. Корпорацияларнинг ссудага бўлган эҳтиёжлари молиялаш манбаларига нисбатан талаб ошди. Банк фаолиятида диспорция ўз аксини намоён этди. Молиялашнинг альтернатив манбаларини излаб топиш, банклар ўзларининг мажбуриятларига ўз вақтида тўлиқ жавоб бериши унинг қобилиятини бошқаришга зарурият туғилди.

П.Роуз банкнинг ликвидлилигини "у келишилган нархда жамғарилган маблағлари манбаига эга бўлса ва айнан шу пайтнинг ўзида маблағларга зарурият туғилса, банк ликвидли ҳисобланади" деб изоҳлаган. У банкнинг ликвидлилигини айнан юқори савияда таърифлаган. Таърифда банкнинг ликвидлилиги зарур миқдордаги маблағларнинг жойлашиши, банк активларини сотиш орқали маблағларни тезда ундириш мумкинлиги акс эттирилган. У маблағларини бозордан тўғридан-тўғри банкка жалб қилиш йўлини эътироф этган. Банкнинг активлари етишмаган ҳолатларда "банк ликвидлиги"нинг таркибий элементлари хизмат кўрсатишини талқин қилган. Банк ликвидлигининг таркибига кирадиган қуйидаги элементларнинг хусусиятларни кўрсатиб берган: активларнинг сифати юқори ликвидли бўлиш учун улар тезда сотилиши лозим; банк балансининг тўловга қобилиятлиги ёки ликвидлиги кредиторлар олдидаги шартсиз мажбуриятларини бажариши лозим; актив операцияларининг имкониятини шундай яратиш лозимки, келажакда банк ўзининг фаолиятини кенгайтириши ва даромад олиши зарур; активларни сотиш учун бозордан қўшимча пул маблағларини жалб қилиш имкониятини шакллантириш лозим.

Л.В.Калтирин "ликвидлик"ни бозордаги муайян сегментлар фаолиятининг хусусиятларига берилган тасниф сифатида изоҳлаган[18]. У фонд бозорининг ликвидлиги, халқаро ликвидлик, давлат кафиллигининг ликвидлиги тўғрисида тушунчаларни эътироф этади. Муаллиф ликвидлик деганда банкнинг вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар, кассадаги миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари ташкил этишини кўрсатиб берган. Бу маблағлардан ҳар қандай пайтда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланишлари мумкин.

Ю.Козырь ва Г.Н.Пановалар ликвидликни товар-пул муомаласида объектга бўлган муносабат сифатида эътироф этган[19]. Алмашув қийматига эга бўлган активларни объект сифатида тасаввур қилиш мумкин. Улар ликвидликни пул маблағига тез айладиган активнинг қобилияти, деб изоҳлайди. Ликвидлик субъектлар учун ҳам пул шаклида қўлланилади. Пул оқимлари субъектлар ўртасидаги муносабатларда юзага келади. Улар хўжалик юритувчи субъектларнинг ликвидлигини ўзининг мажбуриятлари билан жавоб бериш қобилияти, деб тушунтирган. Бундаги асосий кўрсаткич корхона балансининг ликвидлиги ҳисобланади ва у баланс кўрсаткичларининг нисбатига асосланади. Баланснинг ликвидлиги объектнинг ликвидлиги ва унинг таркиби билан ўзаро боғлиқ.

1993 йили Россия Молия академиясида тадқиқотчи Воробьева Е.А. ўзининг "Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида тижорат банкларининг ликвидлиги" номли фан номзодлиги илмий ишида "ликвидлик"ка мукаммал хулоса берган, дейиш мумкин: "Ликвидлик – бу банкнинг пул маблағлари билан таъминланиш имконияти, активларга жойлаштирилган маблағларни қайтариб бериш қабилияти, тўлов

қобилиятининг прогнозидир ...молиявий аҳвол прогнози муайян муддатга мўлжалланган тўлов қобилиятини баҳолаш билан чамаланади". У ликвидликни келажакда банкнинг доимий тўлов қобилияти сифатида изоҳлаган.

Молия-кредит энциклопедияси луғатида ликвидликни "банк ўзининг мажбуриятини пул шаклида тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш қобилияти"[20] деб таъриф келтирилган. Ликвидликка доир бу таъриф тижорат корхонаси сифатида фақат тижорат банкларининг фаолиятига хос ифодаланади.

Россия Федерацияси Марказий банкининг 110-И-сонли йўриқномасида "ликвидлик – бу банк ўзининг пул ва бошқа мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш қобилияти" деб изоҳланган. Бундай изоҳлаш банкнинг имкониятига эмас, балки унинг қобилиятига асосланганлигини билдиради. Унда банк мажбуриятлари ликвидлик билан бирлашмаслиги, мажбуриятларнинг бажарилиш параметрлари бўйича эса чеклов йўқлиги эътироф этилган. Мажбуриятлардаги биронта параметрнинг бажарилмай қолиши, умумий мажбуриятларнинг ҳақиқатда бажарилмай қолишига олиб келади. Банк мажбуриятларининг бажарилиш қобилияти банкнинг ликвидлиги ҳисобланади. Банк бир вақтнинг ўзида тўловга қобилиятсиз бўлиб қолиши мумкин.

О.И.Лаврушин "банк ликвидлигини омонатчилар, кредиторлар ва бошқа мижозлар олдидаги ўзининг мажбуриятларини ўз вақтида ва йўқотишларсиз бажаришдаги банкнинг қобилияти сифатида эътироф этган. У банк мажбуриятларининг таркибига *реал ва шартли мажбуриятларни* киритади. Муаллиф р*еал мажбурият* банк балансининг пассивида акс эттирилишини, унда депозитлар, барча турдаги омонатлар, банклараро кредитлар ва кредиторларнинг маблағлари сақланишини, ш*артли мажбурият*га балансдан ташқари пассив операциялар (банк томонидан берилган кафолат ва кафилликлар) ва балансдан ташқари актив операциялар (фойдаланилмаган кредит линиялари, чақирилган аккредитивлар) киритилишини"[21] изоҳлаган. Бу изоҳлар батафсил берилган. О.И.Лаврушин Россиядаги кредит муассасаларининг ўзига хос хусусиятини ва банкнинг имкониятидан ҳисобга олган ҳолда изоҳлаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, Ш.Абдуллаева, Ш.Тошмуродовлар "банк ликвидлигини ўз активларини нақд пул сифатида ишлатиш ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда пул маблағларига тезда айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбуриятларни қоплай олиш қобилиятидир"[22] деб таърифлаганлар.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар натижаларига асосланган ҳолда, "Ликвидлик – бу банкнинг ўз активларини нақд пул сифатида ишлатиши ёки контрагентлар олдида ўзининг молиявий маблағлари ва қарз мажбуриятларини минимал йўқотишлар билан ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишин таъминлаш қобилияти" дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш хусусиятдаги назария-ларнинг қоидаларини таҳлил қилиш натижасида шакллантирилган илмий хулосалардан банк тизимида ликвидликни таъминлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Алтинбек АБДУЛЛАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

---

[1] Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелпос АРВ, 1999. – С. 193.
[2] Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках. Пер. С англ. 4-га (перераб.) изд. – М.: Catallaxy, 1994. С. 468.
[3] Дмитриев-Мамонов В.А., Евзлин З.П.Теория и практика коммерческого банка..-Пг., 191 б.- С. 55.
[4] Матук Ж. Финансовые системы Франции и других стран. В 2 т.: Пер. с фр. Т.1. в 2 кн./Кн.1. – М.:Финстатинформ, 1994. С. 295.
[5] Рид Э., Коттер Р. Коммерческие банки. Под ред. В.М.Усоскина. -2-е изд. – М.: СП «Космополис», 1991. С. 118.
[6] Рид Э., Коттер Р., Гилл Э., Смит Р. Коммерческие банки: Пер. С англ. – М.: Прогресс, 1983. С. 139
[7] Тимоти У. Кох. Управление банком: Пер. С англ. В 5 книгах, 6 частях. – Уфа: Спектр. Часть III, IY, 1993. С. 32.
[8] Prof.dr.Ludwig Mulhaupt. Einfurung in die Betriebswirtschaflehre der Banken.. Wiesbaden, 1977. – S. 143.
[9] Пономарев В.А. Государственно-монополистическое регулирование деятельности банка: Границы и противоречия. – М.: Финансы и статистика, 1987. С. 169.
[10] Неволина Е.В. Понятие банковской ликвидности. //Деньги и кредит. – 1999 № 7. С. 23-29.
[11] Неволина Е.В. Понятие банковской ликвидности //Деньги и кредит. – 1999. № 7, С, 24
[12] Белолипецкий В.Г. Проблемы разрешения основного финансового противоречия: теоретические возможности и реальная практика. // Финансы, 1999, №11.
[13] Маркова О.М., Сахарова Л.С. Коммерческие банки и их операции. – М.: Банки и биржи. ЮНИТИ, 1995. – С. 138; Василишен Э. Регулирование банковской ликвидности посредством экономических нормативов //Российский экономический журнал. 1995. №8. С. 38.
[14] Трифанов А.Н. К вопросу о банковской деятельности //Банковское дело. – 1996, № 11. С. 31.
[15] Банковское дело: Учебник /Под ред.проф. В.И.Колесникова, проф.Л.П.Кроливецкой. – М.: Финансы и статистика, 1995. С. 438.
[16] Ямпольский М.М. Ликвидность банков и кредитная политика // Деньги и кредит. – 1992. № 11. С. 83.
[17] Роуз Питер С. Банковский менежмент: Предоставление финансовых услуг /Пер. с англ. – М.: Академия народного хозяйства: Дело, 1995. С. 387.
[18] Каптырин А.В. Кризис и ликвидность. // Банковские услуги, 1999, № 8/9.
[19] Козырь Ю. Оценка стоимости ликвидности. /Avww.cfin.ru
[20] Финансово-кредитный словарь в 3 т.Т-2.К-П/Гл. ред. В.П.Гарбузов М.: Финансы и статистика, 1986. С.159.
[21] Банковское дело: Учебник /Под ред.проф. О.И.Лаврушина. – М.: ИНФРА, 2009. С. 438.
[22] Абдуллаев Ё ва б.лар. Банк иши.- Т.: Иқтисод-молия, 2009. – 156 б.

Замонавий ахборот технологиялари – маълумотлар узатишнинг тезкорлигини таъминлаш ва бизнесни ривожлантиришнинг гарови



БУГУНГИ КУНДА БИЗНЕС ЮРИТИШ СОҲАСИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ТУБ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ БУ — АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲИСОБЛАНИБ, УЛАР БАРЧА БОЗОР СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ, КОМПАНИЯЛАР БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎЛЛАНУВЧИ БИЗНЕС ЮРИТИШ ВОСИТАСИГА АЙЛАНДИ.

Бозор иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичларида инсон фаолиятининг барча соҳаларида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати туғилмоқда. Унинг таъсирида ишлаб чиқариш экстенсив ўсишдан интенсив ўсишга ўтмоқда. Меҳнат тақсимотида ва бошқариш технологиясида беҳисоб салмоқли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, янги ахборот технологияларини татбиқ этиш жараёни бутун дунё компьютер тармоғи - Internet мисолида яққол кўзга ташланмоқда, чунки миллионлаб компьютердан фойдаланувчилар ягона информацион муҳитда ишламоқдалар.


Интернет инглизча -"*Internet*" – умумжаҳон компьютер тармоқларининг бирлашган тизими, деб номланади. У маълумотлар пакетига йўналтирилган IP протоколидан фойдаланувчи қурилмадан иборат. "Интернет"ни кўпинча "умумжаҳон тармоқ" ёки "глобал тармоқ" ҳам дейишади.

Интернетнинг ватани АҚШ ҳисобланади. Ўтган асрнинг 80-йилларда АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳарбий саноатдаги илмий изланишларни ривожлантириш мақсадида Internet – ARPAnet номли экспериментал тармоқни яратди. APRAnet моделида компьютер – манба ва компьютер – қабул қилувчи орасида мунтазам алоқа ўрнатилган.

World Wide Web тарихи эса, 1989 йилнинг март ойида бошланган бўлиб, бунда Тим Бернс Ли (Tim Bernes Lee) юқори энергиялар физикаси соҳасида қўшма тадқиқотлар ўтказиш учун "телекоммункацион муҳит" лойиҳаси билан чиқди. 1991 йилда эса Швейцарияда жойлашган Европа амалий физика лабораторияси (CERN) бутун дунёга World Wide Web янги глобал ахборот муҳитининг яратилгани ҳақида хабар қилди.

Ҳозирги пайтда Интернет тармоғига сунъий йўлдош, радио-канал, кабель телевидени-

1-расм. 2011 йил якунлари бўйича турли тилларда яратилган сайтлардан фойдаланувчилар сони.



Манба: internetworldstats.com

яси, телефон, мобиль алоқа ва электросимлар орқали уланиш мумкин. Ҳозирда умумжаҳон тўри ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатларнинг ҳаётларида ажралмас қисми бўлиб келмоқда.


internetworldstats.com сайтининг маълумотларига қараганда, 2011 йил якунлари бўйича интернет тармоғидан 2,267,233,742 нафар одам фойдаланган. Интернет оламида энг кўп фойдаланиладиган тил эса, инглиз тили бўлиб, 380 млн.дан ортиқ одам бу тилдаги саҳифалардан фойдаланган, кейинги ўринларда эса хитой тили (185 млн. фойдаланувчи), Испан тили (113 млн. фойдаланувчи), япон тили (88 млн. фойдаланувчи) кабилар туради. Бошқа тилларда яратилган саҳифалардан фойдаланганлар салмоғи эса 206 млн. фойдаланувчини ташкил этган (1-расм).

Интернетнинг пайдо бўлиши биланоқ, маълумот узатиш таннархининг пастлиги ҳисобига электрон тижорат юритишни арзонлаштирди ва унинг сифат жиҳатидан янги шакллари пайдо бўлишига олиб келди. Фан-техника ва технологияларининг ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий, технологик, маданий ва экологик муҳитнинг ўзгариши индустриал жамиятдан мультимедия, юқори технология ва информацион жамиятга ўтишни тақозо этмоқда. Бунда Интернет орқали олиб бориладиган директ – маркетингнинг бир кўриниши бўлган электрон маркетинг ўзига хос ўрин тутади. Ҳозирги даврда Интернетдан фойдаланувчилар умумжаҳон ўргимчак тўрига нафақат ахборот олиш учун, балки ўзларига зарур бўлган товарларни харид қилиш учун ҳам уланадилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интернетдан фойдаланишда Осиё минтақаси етакчилик қилмоқда, кейинги ўринда Европа, Шимолий Америка, Лотин Америкаси кабилар туради (2-расм). Дарҳақиқат, Интернетдан фойдаланишнинг оммавийлашуви ва фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бориши инсоният тарихида янги давр – электрон тижорат даври бошланганидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашиш жараёнида интернет технологияларининг аҳамияти беқиёсдир. Бунинг тасдиғини мамлакатимизда мобиль интернетнинг тезкор суръатларда оммалашиб бораётганидан ҳам билса бўлади. ЮНЕСКО ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи (ХЭАИ) кўмагида тайёрланган БМТ Комиссиясининг кенг полосали алоқа бўйича маърузаси маълумотларига кўра бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 30,2 фоизи интернетдан фойдаланади. 2012 йил 24 сентябрь куни БМТ Ахборот маркази берган маълумотга кўра, аҳолининг интернет билан қамров даражаси бўйича Исландия етакчилик қилмоқда. Бу ерда интернетдан аҳолининг 95 фоизи фойдаланади. Йирик мамлакатлар орасида энг катта муваффақиятга Германия эришган, бу ерда аҳолининг 83 фоизи интернетдан

2-расм. 2011 йил якунлари бўйича дунё минтақаларидаги интернетдан фойдаланувчилар сони.



Манба: internetworldstats.com

фойдаланди. АҚШда бундай имконият 77,9 фоизи, Россияда 49 фоизи ва Хитойда 38,3 фоизи аҳолида мавжуд.

МДҲ мамлакатларида эса бу кўрсаткич қуйидагичадир: Озарбайжонда аҳолининг 50 фоизини, Қозоғистонда 45 фоизини, Беларусда 39,6 фоизини, Молдовада 38 фоизини, Грузияда 36,6 фоизини, Украинада 30,6 фоизини, Ўзбекистонда 30,2 фоизини, Қирғизистонда 20 фоизини, Тожикистонда 13 фоизини, Туркманистонда 5 фоизини интернет қамраган. Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчилари сони 2012 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра 9,1 миллион кишини ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 21,3 фоизга кўп демакдир. Интернет хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони – 936 та, Интернетдан фойдаланиш бўйича жамоа пунктларининг сони эса 1 050 тани ташкил этди. Бугунги кунда UZ миллий домен зонасида рўйхатдан ўтган доменлар сони 14 мингтадан ошиб кетган.

2012 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, берилган электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатлари сони 230,2 мингтадан зиёдни ташкил этади. Ўтган йилнинг худди шу даврида эса бу кўрсаткич 163,5 мингга тенг эди.

Мухтасар айтганда, XXI аср Ахборот ва технологиялар асрий, деб бежиз айтишмайди.

А.Н.МЕЛИҚУЛОВ,
ТДИУ тадқиқотчиси.

Фермер хўжаликларида ходимларни бошқариш самарадорлигини ошириш стратегияси



ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТА ОЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВРНИНГ ЎЗИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА.

Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири қишлоқда инфратузилма асосларини шакллантириш ва унинг муассасалари фаолиятини такомиллаштиришдир. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида халқ хўжалиги тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда инфраструктурасининг ўрни алоҳида ажралиб туради. Зеро, бозор инфраструктураси ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчилар ўртасида кенг миқёсда содир бўладиган ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, уларга кўп қиррали хизматлар кўрсатувчи ҳамда шу билан бир қаторда, ишчи кучларини оқилона такрор ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайдиган турли муассасалар мажмуидир. Бу муассасалар фаолиятини ривожлантириш ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқаришдан токи уни истеъмолчига етказиш тизимини яратиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг имкониятлар очиб бериш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини муттасил кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни талаб ва таклиф доирасида ташкил этиш, яъни иш ўринларини барпо этиш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш каби қатор бозор иқтисодиётига мос муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар очиб беради.

Бироқ, шуни айтиш лозимки, республикамизда, айниқса, унинг агросаноат мажмуида инфратузилма тармоқлари етарли даражада ривожланмаганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчилар талабини тўла қондиришгача бўлган оралиқда номутаносибликлар вужудга келиши, ишлаб чиқариш сарфларининг ўсиши ва маҳсулот нобудгарчилигининг кўпайиши, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши ва йил давомида истеъмол даражасининг турли даражалигига олиб келади. Шу боис давр талабига кўра, бозор инфраструктураси тармоқларини, хусусан, агросаноат мажмуида ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи турли соҳа ва муассасалар тизимининг йиғиндиси **қишлоқ инфратузилмаси** дейилади. Инфратузилма мажмуаси эса бевосита моддий неъмат ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган (ишлаб чиқариш инфраструктурасидан ташқари), аммо ишлаб чиқаришнинг умумий шароитини ва кишилар ҳаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари мажмуидан иборат ва улар 4 хил шаклда намоён бўлади:

– ижтимоий инфратузилма;


– бозор инфратузилмаси;

– институционал инфратузилма;

– ишлаб чиқариш инфратузилмаси.

Ижтимоий инфратузилмага: савдо, таълим, соғлиқни сақлаш, йўловчи ташиш транспорти ва алоқа тармоғининг аҳолига хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ҳамма турлари, шаҳар коммуника-

1-чизма. Қишлоқ инфратузилмалари, улар таркибига кирувчи муассаса ва корхоналар тизими.



ция иншоотлари, меҳмонхоналар хўжалиги, умумий овқатланиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа бўлинмалари киради.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасига эса, транспорт хўжалигининг барча турлари, электр қувватини узатиш тармоқлари, ахборотни ишлаб ва узатиш воситалари, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган объектлар, йўл қурилиши, моддий-техника таъминоти, омборхона хўжалиги, таъмирлаш ва техника хизмати, агрохимия хизмати, мелиорация хизмати ва бошқалар киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилма тизими кўп қиррали ва мураккаб тармоқларни ўз ичига олиб, унинг таркибига қуйидагилар киради: электр қувватини узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари илмий ва ахборот таъминоти, йўл хўжалиги, транспорт хўжалиги, моддий-техника таъминоти, техник хизмат кўрсатиш, мелиорация, агрохимия хизмати, маҳсулотларни сақлаш, саралаш ва тайёрлаш, ветеринария хизматларидир. Бироқ, ушбу ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг айрим турлари (йўл, транспорт, савдо, электр ва алоқа тармоқлари) халқ хўжалигининг барча жабҳалари учун хизмат қилади (1-чизма).

Шуни айтиш жоизки, инфратузилма шартли равишда қуйидаги вазифаларни бажарувчи туркумларда ифодаланиши мумкин:

– тадбиркор (фермер)ларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

– хусусий бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш;

– молия-кредит тизими;

– улгуржи савдо-воситачи тузилмалар;

– биржа бозорлари;

– агрохизматлар бозори;

– хизматлар бозори;

– техника, транспорт таъминоти;

– ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлаш.

Шундан келиб чиқиб қишлоқ инфратузилмасининг асосий вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Инфратузилманинг асосий вазифалари:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

лари бўйича: қабул қилиш, ювиштозалаш, қуритиш, саралаш (бузуқ ва чирий бошлаган маҳсулотни териб ташлаш), ажратиш, қадоқлаш, ўраш, контейнерлаш, сақлаш, тўплаш (зарур ҳолатларда) – совутиш ва истеъмолчиларга бир маромда етказиб бериш. Саноат маҳсулоти бўйича: қабул, ўраш, пакетлаш, сақлаш, талабга биноан истеъмол учун етказиб бериш;

2. Барча турдаги маҳсулотлар бўйича: улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш учун товарларни тўплаш ва аксинча – катта туркумдаги товарни чакана истеъмолчиларга талабга биноан етказиб бериш учун кичик туркумларга бўлиш;

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчилар аванс олишларини таъминловчи фьючерс ва форвард битимлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

4. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш;

5. Тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш;

6. Товарлар ташилишини таъминлаш (транспортировка);

7. Тадбиркорларни рўйхатга олиш;

8. Битимларни рўйхатга олиш;

9. Тадбиркорлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш;

10. Тадбиркорларга консалтинг, инжиниринг, аудиторлик, лойиҳа-смета ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

Фермер хўжаликларини минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлайдиган инфратузилма шохобчалари ташкил этилгандан бошлаб, уларни ер ва мулк солиғи, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қўшимча қиймат солиғи, даромад ва мулк солиғидан тегишли муддатга озод қилиниши, хизмат кўрсатиш даражасининг ошиши ҳамда уларнинг иқтисодий барқарорликка эришишига хизмат қилади.

Айтиш жоизки, Ҳукуматимизнинг тегишли қарорларига кўра фермерлар хўжаликларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган кенг кўламли инфратузилма вужудга келтирилмоқда. Улар биринчи навбатда, янги фермер хўжаликлари ташкил этилаётган ҳудудларда барпо этилмоқда. Фермерларга кўплаб мини-банклар, муқобил МТПлар, Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғит сотиш шохобчалари хизмат кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалардан фарқли равишда ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, шунга мувофиқ равишда хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ташкил этишда қуйидаги шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир:

– қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, уни бошқа жойга кўчириш имкони йўқ ва шунинг учун ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларини хўжаликларга қулай жойларда ташкил этиш лозим бўлади;

– қишлоқ хўжалигида мавсумий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, яъни экин экиш, суғориш, ўғитлаш, агротехника, ҳосилини йиғиб олиш ва ерларни кейинги йил мавсумига тайёрлаш ишларининг ўз вақтида бажарилиши учун, шунга мос равишда хизмат кўрсатувчи инфраструктура тармоқлари фаолиятида ҳам мавсумийлик хусусиятига эътибор қаратиш зарур;

– табиий-биологик шароитнинг таъсири натижасида, обҳаво иқлимининг ўзгариб туриши (қурғоқчилик ёки ёғингарчилик ва бошқа шу каби ҳолатлар) натижасида айрим ишлаб чиқариш инфратузилма хизматларига бўлган талаб турли регион ва даврларда турлича бўлади ва уларни ўзгариб туриши;

– қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларнинг асосий қисми йилнинг куз фаслида пишиб етилади. Лекин маҳсулотлар билан истеъмолчиларни йил давомида узлуксиз таъминлаш мақсадида уларни сақлаш учун мўлжалланган омборхона ва совутгичлар қувватларини ташкил этишда бу омил эътиборга олиниши керак ва ҳоказо.

Бироқ ишлаб чиқариш инфраструктура тармоқлари ривожининг ҳозирги ҳолатини таҳлили, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қуйидагиларни эътиборга олиш лозимлигини тақозо этмоқда:

– айни пайтда ишлаб чиқариш инфраструктурасининг кўплаб объектлари монополистик шароитда хизмат кўрсатаётганлигини эътиборга олган ҳолда, улар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиб ва тартибга солиб туриш лозимлиги;


– ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларининг, улар хизматидан фойдаланувчи соҳаларга қулай жойлашганлиги ва кўрсатиладиган хизматларнинг нархи арзон ҳамда сифат кўрсаткичлари юқори бўлишлилиги;

– ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг хизмат кўрсатиш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий маблағлар билан таъминлаш даражаси тўғри ташкил этилмаганлиги;

– қишлоқ жойларида муқобил хизмат турларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун барча шароитларни вужудга келтириш зарурлиги.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш орқали улар хизматини бозор талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш лозим. Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатяптики, бугунги кунда ишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимидаги, жумладан, қишлоқ хўжалиги техникалар, мелиоратив қурилмаларнинг аксарияти ишга яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги, агрокимё, электр энергиясидан фойдаланиш ва техника хизматлари нархининг ошиб бораётган-

2-чизма. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника ресурслари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми[1].



лиги, шунингдек, маҳсулотларни сақлаш қувватларининг етишмаслиги ва мавжудларининг талаб даражасида эмаслиги, ушбу соҳадаги камчиликларни тубдан бартараф этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришни талаб этади.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда энг муҳим омил бу – уларнинг моддий-техника ресурслари билан таъминлашни яхшилашдир. Бунинг учун давлат фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириб бориши лозим бўлади. Бу механизм ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий дастак ва воситаларни ўз ичига олади (2-чизма).

Давлат томонидан фермер

хўжаликларининг моддий-техника таъминотини қўллаб-қувватлаш механизмида рақобат муҳитини, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий жиҳатдан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга доир қонун, меъёрий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилиш ҳамда уларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради. Фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашда давлат томонидан хўжаликларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, моддий-техника таъминоти корхоналарини субсидиялаштириш, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш амалга оширилмоқда. Бу тизим бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ равишда такомиллаштирилиб борилади.

Фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, ривожлантириш учун асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– ҳар бир қишлоқ хўжалиги зонасига мос келадиган иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган техникани татбиқ этиш ва шу асосда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш;

– ишлаб чиқаришни автоматлаштириш воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўғитлардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган биологик воситаларга ёндашиш;

– ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуришни кенг кўламда авж олдириш ва қурилишни такомиллаштириш;

– ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини сув билан тўла таъминланишига эришиш, яъни ерларни маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш ҳамда суғоришнинг илғор технологияларини қўллаш;

– чорвачилик фермаларини маҳсулдор зотли ҳайвонлар билан таъминлаш ва электрлаштириш даражасини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини касалликларга бардош бера оладиган юқори ҳажмли, тезпишар уруғ навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

– хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси ва унинг ажралмас қисми бўлган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали биринчидан, аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилса, иккинчидан, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосининг ҳал қилинишига ёрдам беради. Бу ҳозирги аграр сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларидан биридир. Қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаёти тубдан яхшиланса-гина, бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унга индустриал тус бериш мумкин. Шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларини бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳасидан индустриал соҳаларга, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш қишлоқнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Ҳар бир посёлкада, ҳар бир қишлоқда майда улгуржи дўконлар, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат турларига эга бўлган гузарлар барпо қилиш жуда долзарбдир.

Ҳал этилиши талаб қилинаётган яна бир йўналиш бу – ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучини бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этишдир. Маълумки, АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия, Голландия, Жанубий Корея каби иқтисодиёти тараққий этган давлатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улуши меҳнатга қобилиятли аҳолининг 5-8 фоизини ташкил этса, бизда бу кўрсаткич 40 фоиздан ортиқ. Хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаётганларнинг улуши ривожланган давлатларда иқтисодиётда банд аҳолининг 55-77 фоизини ташкил этса, бизда бу кўрсаткич 10-15 фоизга боради, холос.

Маълумотлар бугунги кунда қишлоқда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли аҳоли борлигини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси бунча миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлай олмайди. Шу сабабли қишлоқ жойларда замонавий технологияга эга, иш шаклини тез ўзгартира олувчи кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойлари яратиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Булар фақат қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналаргина эмас, балки бошқа соҳаларга асосланган ишлаб чиқаришлар, халқ ҳунармандчилиги корхоналари ҳам бўлиши керак. Шунингдек, республикамиз хўжаликларида унча катта бўлмаган, лекин замонавий технология ва техника асосида хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар қуриш ва уларни меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ерларда жойлаштириш чораларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш ўринлики, республика аграр соҳасида амалга оширилаётган жуда катта кўламдаги ўзгаришлар аста-секин ўз натижаларини бермоқда. Аммо айрим хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармоқда. Жойларда баъзи амалдорлар томонидан қабул қилинган қонунлар ва фармонларга эътибор бермаслик, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳоллари бор. Шу сабабли аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичдаги асосий вазифаси ислоҳотларнинг боришини секинлаштираётган сабабларни тезроқ бартараф этишдан, аграр муносабатларни янгилашни янада жадаллаштиришдан иборат бўлиб турибди.

Ҳозирги даврда мамлакат

бошқарув назарияси ва амалиётида "ходимларни бошқаришнинг самарадорлиги" атамасининг ва самарадорликнинг ягона омилининг аниқ бир изоҳи мавжуд эмас. В.Н.Чернишёв ходимларни бошқаришнинг самарадорлигини ходимларни бошқариш жараёнининг ҳар бир элементи бўйича (режалаштириш, танлаш, жамлаш, касбий йўналтириш, мослашиш, ўқитиш, ходимлар қўнимсизлиги) мазкур элемент бўйича бошқарув таклифларини амалга ошириш харажатларига белгилашни таклиф этади. Ва умуман, ходимларни бошқариш жараёни элементларининг жами бўйича тегишли харажатларга белгилашни таклиф этади.

Бошқалар эса ходимларни бошқариш самарадорлиги бу корхона ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида, деган фикрда. Мақсадларга эришиш даражаси ушбу корхонанинг рақобатбардошлиги критерийларини баҳолаш орқали аниқланади.

Бундан ташқари, ходимларни бошқариш самарадорлигининг моҳияти бошқарув ходимлари меҳнати оқилона сарфланиб, максимал натижаларга эришилиши бўлган бошқарув меҳнатининг самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳолаш таклиф этилади.

Профессор Б.А.Нефедов ва илмий иш муаллифи нуқтаи назарларига кўра, ходимларни бошқариш самарадорлиги бошқарув меҳнати самарадорлиги орқали аниқланиши мумкин ва унга ўз навбатида бошқарув ходимлари сонининг камайтирилиши, унинг касбий-малакавий тузилишини такомиллаштириш, компьютер техникасини жорий қилиш, бошқарув ҳужжатларини унификациялаш ва стандартизациялаш асосида бошқарувчилар меҳнатини ташкил қилишнинг прогрессив шакл ва методларини жорий қилиш ҳисобидан эришилади.

Ходимларни бошқариш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш учун тегишли критерий ва кўрсаткичлар керак. Мезонларни танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

– самарадорликни аниқлаш натижалари қайси мақсадларда ишлатилади;

– критерийлар, ишчиларнинг фаолияти қийинлиги, масъулиятлилиги ва характеридан келиб чиқиб фарқланишини ҳисобга олиб, улар қайси турдаги ишчиларга киради.

Фикрларга кўра, ходимларни бошқаришнинг самарадорлигини қуйидагилар ташкил қилади:

– ресурсларнинг иқтисодий сарфланиши асосида ходимлар ишининг харажатларининг ушбу ходимлар ишлаб чиққан маҳсулотлар ўртасидаги боғлиқлик билан ифодаланувчи **иқтисодий самарадорлик;**

– ходимларнинг корхонада ишлашлари давомидаги умидлари ва эҳтиёжларининг амалга ошиши билан ифодаланувчи **ижтимоий самарадорлик.**

Айримлар ходимларни корхона ривожланишига қўшган ҳиссаларини ифода этувчи ходимларни бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги таркиби сифатида қуйидагиларни кўриб чиқишни таклиф этадилар:

– иш натижаларининг харажатларга нисбати;

– барқарорлик, яъни ишчилар томонидан ишлаб чиқариш вазифаларининг бажарилиши аниқлигига ишонч;

– мослашувчанлик, бошқача қилиб айтганда, ходимларнинг бўлиб ўтаётган ўзгаришларга адекват равишда жавоб бериши.

Ходимларни бошқаришнинг ижтимоий самарадорлигини шакллантирувчи таркибий қисмларнинг кўплиги сабабли, немис тадқиқотчиси О. Ньюбергер натижа кўрсаткичи сифатида ишдан қониқишни ҳисоблашни таклиф этади. Аммо бизнинг фикримизга кўра, "ишдан қониқиш" ибораси назарий жиҳатдан етарлича асосланмаган ва яқин орада амалий фаолиятда ишлатилиши гумон.

Бошқа бир муаллиф ишлари асосида самарадорликни баҳолаш мезонларини гуруҳлаш мумкин:

1. Самарадорликнинг тўғри кўрсаткичлари: битта ишчига бошқаришни мукамаллаштирадиган дастурининг нархи;

2. Самарадорликнинг эгри кўрсаткичлари: ходимларнинг қўнимсизлиги, ишга чиқмаган кунлар, ишлаб чиқаришдаги нуқсонлар, бахтсиз ҳодисаларнинг сони;

3. Шундай бир нуқтаи назар борки, самарадорлик баҳолашни қуйидаги 3 ҳолатнинг таҳлили асосида ўтказса, бўлади:

– бошқариш меҳнатининг ташкил этилишида;

– ходимларнинг бошқариш технологиясида;

– ходимларнинг бошқариш сифатида.

Биринчи ҳолатда штат жадвали, ҳужжат юритилиши, бошқарма ишчиларининг раҳбарият ва ўзаро муносабат усуллари ва шакллари таҳлил қилинади. Иккинчи ҳолатда ходимлар бошқаруви жараёнидаги ишлатиладиган ечим ва усулларнинг прогрессивлиги баҳоланади, ходимларнинг бошқариш марказида қўлланиладиган дастурий ва техник воситаларининг сифати ва стандартларга мос келиши таҳлил қилинади. Учинчи ҳолатнинг таҳлили 1-жадвалга мувофиқ ўтказилади.

Таъкидлаш керакки, ходимлар бошқарувининг самарадорлигини аниқлаш учун ҳодиса ва жараёнларни ўрганишнинг системали ечимига асосланган ва бошқарув фаолиятида кенг кўламда ишлатиладиган статистик анализ усуллари ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, олинган натижалар самарадорлигини таҳлил қилиниши қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади: гуруҳлаш ва таснифлаш; абсолют, нисбий ва ўрта кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби; динамик қаторларнинг текширилиши; дисперсионли, факторли, компонентли ва корреляцион-регрессионли таҳлиллар.

Умуман олганда, илмий концепцияларда ходимлар бошқарувининг самарадорлигини аниқлашда учта ҳар хил ечимни

1-жадвал. Ходимлар бошқаруви сифатининг таҳлили.

Таҳлилнинг йўналиши	Таҳлилнинг критерийлари
Ходимлар сиёсати ва ходимлар бошқаруви усулларининг корхона мақсадлари ва масалаларига мос келиши даражасининг таҳлили.	Уларга эришиш мақсадлари ва усулларининг кетма-кетлиги ва бир-бирига зид эмаслиги.
Ходимларнинг ишлаш тартибини билдирувчи ҳужжатларнинг таҳлили.	Ифоданинг тўлиқлиги ва аниқлиги. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонуни қоидаларига мос келиши.
Ходимлар бошқарувининг жараёнини таъминлайдиган қоида ва тартибларнинг таҳлили.	Ишчиларнинг индивидуал меҳнат кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонуни қоидаларига мос келиши.
Ходимлар бошқарувини характерловчи кўрсаткичлар сифатининг таҳлили.	Ходимларнинг қўнимсизлик даражаси, меҳнат тартибининг ҳолати, жамоада маънавий-руҳий муҳит.

ажратиш мумкинлигини таъкидлаш керак.

Биринчи ечим, корхонанинг бутун ходимлар фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларига кўра, белгиланадиган битта умумий жамоа ишчиси сифатида баҳоланишини кўзлайди. Якуний натижаларнинг кўрсаткичлари сифатида фаолият натижалари қўлланилади (сотилган ва сотилмаган маҳсулотнинг ҳажми, унинг сифати, олинган даромади, таннархи, рентабеллиги). Меҳнат натижаларининг баҳоланиши – эришилган натижаларнинг режалаштирилган (норматив) натижалар билан таққосланиш йўли билан ўтказилади. Ушбу ечим ўз имтиёзларига эга, чунки ходимларнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, бутун корхонанинг якуний натижалари бўйича аниқланади. Бироқ, ушбу ечим олинган натижалар қай тарзда, қайси усул ва маблағлар орқали эришилганлигини ҳисобга олмайди. Ахир корхона фаолиятининг натурал ва молиявий кўрсаткичлар фойдали, сифатли, ишчилар ва ишлаб чиқариш кучлар меҳнатининг рационал ишлатилишидан ҳар доим ҳам далолат бермайди.

А.Я.Кибанов, С.В.Шекшня ва И.А.Касаткин каби профессорлар ходимлар билан ишлашнинг самарадорлигини баҳолашда самарадорлик ва жонли меҳнат кўрсаткичларга асосланган иккинчи ечимини асослаб берган. Кўрсаткичлар сифатида меҳнат унумдорлиги ва унинг ўзгариш динамикаси, таннархдаги меҳнат тўловининг солиштирма оғирлиги, ишлаб чиқариш нормаларининг бажарилиш фоизи, сермеҳнатлик, фонд ёрдами билан қуролланганлик, иш вақтининг йўқотилиши, меҳнат сифати, ишлаб чиқаришда шикастланиш даражаси кўрсаткичлари ишлатилади.

Ушбу ечим – режаланган топшириқларни пухталик билан ишлаб чиқишга, иш вақтининг фойдали ишлатилишига, жамоанинг ички ташкил этилишининг такомиллашувига мўлжалланган.

Агар биринчи ечим ҳамма ходимлардан бошлаб, то битта ходимгача татбиқ этилса, иккинчиси, жонли меҳнатнинг махсулот ва иш турлари бўйича тақсимотини ишлатади. Таъкидлаш керакки, ушбу ечим бозор иқтисодиётининг корхона фаолиятига бўлган таъсирини ҳисобга олмайди.

Учинчи ечим доирасида, ходимлар билан ишлаш метод ва усулларга, яъни ишнинг ташкил этилишига, рағбатлантиришига, ижтимоий-руҳий муҳитига қараб ходимлар ишининг самарадорлиги концепциясини таклиф этилади. Бу ерда асосий кўрсаткичлар сифатида ходимларнинг малака даражаси бўйича тузилиши, интизоми, иш вақти фондининг ишлатилиши, қўнимсизлик, битта ишчига кетган харажатлар кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу ечим олдингилардан жонли меҳнатнинг кўпроқ тақсимланиши билан фарқланади ва ишчиларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ва жамоага мос келиши ҳисобини таклиф қилади.

Тадқиқотчи, И.А.Никитина ҳамма учта ечимнинг устунликларни бирлаштиришни таклиф қилади, модомики, улар бир-бирига зид эмас. Шундай қилиб, биринчи концепция доирасида ўрганиш ва бошқариш объектларига – корхонанинг моддий, молиявий, меҳнат манбалари; иккинчи концепцияда – устунлик қилувчи меҳнат манбалари ва учинчи концепцияда индивидуалларгача фарқланадиган меҳнат манбалари киради.

Ходимлар бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг методологик мазмунига келсак, ҳозирги пайтда ундай баҳолашнинг умум қабул қилинган ва универсал методикаси йўқ. Ихтиёрий методиканинг ишлаб чиқиш ҳаракатлари ҳар доим ҳам оптимал натижага олиб келмайди. Бу шундан далолат беради, универсал методикани ишлаб чиқиш ҳаракатларидан воз кечиб, корхонанинг таснифига тўғри келадиган, ишлатишда қулай ва керакли даражада аниқ бўлган методикалардан фойдаланиш керак. Охиргиси муҳимроқдир, чунки мутлақо тўғри бўлган миқдорий баҳолар унчалик катта амалий аҳамиятга эга эмас; самарадорлик таҳлили бу мақсад эмас, балки қарорларни қабул қилишнинг исботи воситасидир.

Хулоса шуки, ходимлар бошқаруви самарадорлигини баҳолашда турли хил усулларнинг комбинациялари мавжуд.

Равшан КОМИЛОВ.

[1] Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Транспорт логистика маркази – “ўсиш нуқталари”нинг муваффақияти гарови

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодиётнинг янги сифат даражасига ўтишида “ўсиш нуқталари” механизмларидан фойдаланиш сезиларли ижобий натижа беради. Улар минтақаларнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Қатор омиллар таъсирида мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларининг жойлашув географияси сезиларли равишда ўзгаришларга учрамоқда. Бу ўзгаришлар замирида қуйидаги жараёнлар кузатилмоқда:

– минтакавий хўжаликларда бозорга йўналганликнинг кучайиши;

– ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши;

– ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ошиши;

– тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсиши;

– иқтисодиётнинг халқаро кооперацияга интеграциялашуви;

– йирик халқаро корпорацияларнинг Ўзбекистоннинг саноат, энергетика, транспорт ва коммуникация ҳамда бошқа реал тармоқларга фаол жалб этилаётгани.

Сўнгги йилларда ҳудудий моддий-техник база сезиларли равишда кенгайтирилди. Ҳудудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколат ва жавобгарликлари оширилди. Натижада саноат ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва чакана савдо соҳаларида ҳудудлар орасидаги тафовутлар сезиларли равишда камайди. Аммо аҳоли жонбошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва пуллик хизмат кўрсатиш бўйича дифференциациялашув кучаймоқда[1].


Бундай тафовутларнинг олдини олиш мақсадида иқтисодий ўсиш, тадбиркорлик фаолияти ва инновацион жараёнлар интенсивлиги юқори айрим ҳудудларда ишлаб чиқариш корхоналарини концентрлаштириш орқали “ўсиш нуқталари” эффекти юзага келтирилади. Бундай хўжалик юритиш институтлари саноат, инновациялар ва фан ўртасида интеграция алоқаларини ўрнатиш воситасида корхоналар ва илмий-тадқиқот институтларининг жойлашувидаги географик номувофиқликни бартараф этишни таъминлаши лозим.

Ҳудудий ривожланиш, ЯИМ, жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми, ташқи савдо айланмасининг ўсиши ташувлар тизими ва транспорт коммуникацияларининг ривожланганлигига тўғридан-тўғри пропорционал бўлади. Ўзбекистон автомобиль ва темир йўлларининг узунлиги бўйича дунё мамлакатларининг етакчи ўттизлигидан жой олганига қарамасдан, ўзбек импортчиларининг ҳар бир контейнер ҳисобидаги харажатлари Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари импортчиларинникига нисбатан 2,8 бараварга, экспортчиларинникига нисбатан эса 2,5 бараварга кўпдир. Солиштириш учун: Хитой, Эрон, Туркия экспортчиларнинг харажатлари биздагига нисбатан мос равишда 6, 4, 3 бараварга камдир. Юкларни ташиш харажатларининг юқорилигининг асосий сабаблари инфратузилманинг қуйи сифати, жисмоний ва ҳуқуқий тўсиқларнинг мавжудлиги, денгиз портларининг йироқлигидир.

Транспорт харажатларини камайтириш, ташувлар тизими кўрсаткичларини саноат, юк айланмалари ва йўловчи ташувлари ривожланиш тенденциялари билан мувофиқлаштириш логистика марказларинииг вазифаларидан бўлиб, улар ўзига хос “ўсиш нуқталари” ҳисобланади. Транспорт ташувлари, божхона ва маъмурий инфратузилмалари товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини “вақт – нарх – сифат ва ташув хавфсизлиги” координатаси бўйича таъминлаши зарур.

Транспорт логистикаси ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШда, бу каби муаммолар иқтисодиёт ва аҳоли турмуш да-

1-расм. "Навоий" логистика маркази томонидан юк ташувлари географияси.



ражасининг юқори ривожини таъминлаш имконияти чекланган сегментларга алоҳида эътибор қаратиш орқали бартараф этилади. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йигирма йил давомида Ўзбекистонда транспорт ва транспорт коммуникациялари ривожи иқтисодий ўсиш суръатларидан ошиб кетди. Йирик автомобиль ва темир йўллар қурилиши натижасида "Шарқ-Ғарб" ва "Жануб-Шимол" иқтисодий ўқлари бўйлаб ишлаб чиқариш кучларининг концентрацияси янги босқичга кирди.

Шу ўринда "Навоий" халқаро аэропорти негизида ташкил этилган транспорт логистика марказининг бошқа транспорт турларига бўлган мультипликатив таъсирини алоҳида таъкидлаш зарур. Ушбу минтақалараро хабнинг фаолияти натижасида автомобиль ва темир йўл транспортига бўлган талаб кучайди. Милан ёки Сеулдан 5 соат давомида етиб келган юк Ўзбекистон ёки Марказий Осиёдаги охирги манзилига энг қисқа фурсатларда етказилиши зарур. Акс ҳолда хабнинг ташкил этилиши ўз моҳиятини оқламайди.

Мультимодал хаб географик жиҳатдан қулай ва транспорт коммуникациялари концентрлашган ҳудудда жойлашиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, бундай истиқболли лойиҳаларнинг муваффақияти давлатнинг бош ислоҳотчи ва инвестор сифатидаги ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ҳамда халқаро тажрибага эга транспорт компанияларининг ҳамкорлик кўринишидаги инвестицион фаоллигини талаб этади.

Автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти, энергетика, саноат, ишлаб чиқариш ресурслари ва малакали иш кучини ўзида жамлаган ҳудудда жойлашган "Навоий" эркин иқтисодий индустриал ҳудуди мамлакатимиз ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши оқибатида, шунингдек, Ўзбекистоннинг муҳим хорижий инвесторларидан бири бўлган ва дунёда ҳаво юк ташуви бўйича биринчи ўринни эгаллаб турувчи "Когеап Air" компанияси билан яқин ҳамкорлик қилиш[2] натижасида қўйилган мақсадлар сари дадил қадамлар қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги транспорт-транзит потенциалини юксалтиришга, жумладан, "Навоий" эркин иқтисодий индустриал ҳудудини тезкор транспорт ташувлари билан таъминлашга қаратилган минтақалараро логистика марказининг негизини ташкил этган "Навоий" халқаро аэропорти қисқа вақт давомида жаҳон бўйлаб юк ташувлари тизимининг муҳим бўғинига айланди.

1-жадвал. "Навоий" логистика марказининг айрим хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари

Самолёт тури	Техник қўниш вақти	Юк ташиш-тушириш вақти
Boeing B747F	60 дақиқа	120 дақиқа
Airbus A300F	40 дақиқа	90 дақиқа

"Навоий" халқаро аэропорти "Когеап Air" билан ҳамкорликда 2008 йил B747-400F ҳаво кемасида биринчи юк қатновини қабул қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб Европа ва Осиёни боғлайдиган ҳафтасига 40 та юк ташуви қатновини амалга оширмоқда. Жумладан, "Навоий" халқаро аэропорти Европа ва Осиёни боғлаб турувчи асосий тармоқлар ва логистик марказлар – Инчон, Франкфурт, Милан, Брюссель, Ҳиндистон шаҳарлари, Дубай, Истанбул билан ҳаво ташувларини йўлга қўйган. TRACECA, Ўзбекистон-Ҳайратон темир йўл лойиҳаси ва маҳаллий инвестиция лойиҳалари «Навоий» логистика марказининг жадал суръатларда ривожланишига барча шароитларни яратади.

"Навоий" халқаро аэропорти негизидаги логистика марказининг фаолиятини унинг замонавий инфратузилмаси таъминлайди. Марказнинг юқори даражада ташкил этилган инфратузилмаси халқаро андозаларга жавоб берадиган хизматлар тизимини жорий этишга имкон беради. "Навоий" логистика марказида жорий этилган тизимидан қуйидагилар хизматлар ўрин олган:

– экспорт-импорт ва юкни топшириш операциялари;

– махсус юкларни қайта ишлаш хизмати, яъни хавфли юклар, курьерлик жўнатмалари, тез бузиладиган (айнийдиган) ва совутилган юклар, ҳайвонлар, қимматбаҳо юклар ва авиапочта ташувлари;

– хизматлар танлови ва деконсолидацияси ("қувиб ўтиш" тезлаштирилган хизмат);

– юкларнинг вақтинчалик сақланиши ва "ready-to-go" хизматига тайёрлаш;

– юк автомобиллари билан таъминлаш;

– шошилинч юк хизмати;

– узоқ муддат давомида турли хил хавфли юкларни сақлай олиш имконияти;

– экспресс-юкларнинг тўғридан-тўғри перронга чиқариш хизмати;

– божхона омбори;

– мижозларга йўналтирилган эгилувчан хизматлар, назорат қилишни ташкиллаштириш ҳамда мижозларга кўрсатиладиган қулай нархдаги ва юқори тайёргарликка эга бўлган ходимлар хизмати.

"Навоий" логистика маркази йирик ҳажмдаги ҳаво кемаларига тезкор хизмат кўрсатиш имкониятига эга (1-жадвал). Юк терминали перрони бир вақтнинг ўзида 5 тагача Boeing 747F самолётларини сиғдира олади.

"Навоий" халқаро логистика маркази қитъаларни боғловчи муҳим объект бўлгани сабабли у орқали халқаро юк ташувлари ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Агарда юк ташиш ҳажми 2008 йилда 26 тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 19 944 тоннадан иборат бўлди. Марказда янги юк терминали очилиши натижасида юкни қайта ишлай олиш ҳажми бир йилда 100 000 минг тоннага етди.

2-жадвал. “Кореан Эйр” авиакомпанияси томонидан 2012 йилнинг 1-чорагида юк ташувлари сони

№	Рейс рақами	Йўналиши	Рейс сони
1.	KE 515	Сеул – Навоий – Милан	29 та
2.	KE 516	Милан – Навоий – Сеул	29 та
3.	KE 8515	Сеул – Навоий – Милан	26 та
4.	KE 8516	Милан – Навоий – Сеул	26 та
5.	KE 521	Сеул – Навоий – Брюссель	30 та
6.	KE 522	Брюссель – Навоий – Сеул	30 та
7.	KE 577	Шанхай – Навоий – Милан	51 та
8.	KE 523	Сеул – Навоий – Вена – Милан	30 та
9.	KE 524	Милан – Вена – Навоий – Сеул	30 та

3-жадвал. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК томонидан 2012 йилнинг 1-чорагида юк ташувлари сони

№	Рейс рақами	Йўналиши	Рейс сони
1.	HY 123	Навоий – Деҳли	20 та
2.	HY 124	Деҳли – Навоий	20 та
3.	HY 127	Навоий – Бомбей	16 та
4.	HY 128	Бомбей – Навоий	16 та
5.	HY 143	Навоий – Дубай	20 та
6.	HY 144	Дубай – Навоий	20 та
7.	HY 133	Навоий – Туркия	18 та
8.	HY 134	Туркия – Навоий	18 та
9.	HY 125	Навоий – Бишкек	8 та
10.	HY 126	Бишкек – Навоий	8 та
11.	HY 135	Навоий – Ханой	12 та
12.	HY 136	Ханой – Навоий	12 та
13.	HY 141	Навоий – Москва	6 та
14.	HY 142	Москва – Навоий	6 та

Жанубий Корея Республикасининг “Кореан Эйр” авиакомпаниясининг юк ташувчи ҳаво транспортлари томонидан 2012 йилнинг биринчи чорагида “Навоий” халқаро аэропортида 281 та рейслар амалга оширилди (2-жадвал).

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва “Korean Airlines Co. Ltd” Жанубий Корея давлати ўртасида 2010 йил 5 март куни имзоланган шартномага асосан, икки дона юк ташувчи ҳаво транспорти ижарага олинган. Ушбу ҳаво транспорти орқали 2012 йил биринчи чорагида 200 та рейслар амалга оширилди (3-жадвал).

Таъкидлаш лозимки, “Навоий” халқаро аэропорти негизида ташкил этилган интермодал логистика маркази “Навоий” эркин иқтисодий индустриал зонасида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп товарларни Европа ва Осиё бозорларидаги истеъмолчиларига тезкор равишда етказиш орқали уларнинг халқаро рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу сабабли логистика маркази – “Навоий” эркин иқтисодий индустриал зонаси ривожининг гарови, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Албатта, Навоийдаги логистика марказининг ривожи нафақат ҳудуднинг, балки мамлакатнинг транспорт-коммуникация потенциалини оширади. Аммо Ўзбекистоннинг муҳим геостратегик жойлашуви ва Европа-Осиё транзит ташувларидаги аҳамиятини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси ва коммуникацияларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда:

– ўсиш нуқталари ташкил этиладиган ҳудудларда мультимодал ташувлар тизимларини ривожлантириш, инфратузилмалар объектларини режалаштиришни ўсиш нуқталари инвестиция лойихаларини режалари билан мувофиқлаштириш, бозорларга чиқишни яхшилаш, савдо, тадбиркорлик ва туристик сафарларни рағбатлантириш;

– маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини такомиллаштириш лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини идентификациялаш; давлат ва шахсий корхоналар ўртасидаги йўллар қурилиши соҳасидаги “қуради – синайди – топширади”, “қуради – хизмат кўрсатади” тахлитдаги ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш, интеллектуал назорат тизимлари билан жиҳозланган пуллик тезюрар йўллар ёки йўл участкаларини жорий этишни кўриб чиқиш;

– ўсиш нуқталари ва халқаро транспорт йўлаклари орасидаги интермодаль алоқаларни яхшилаш чораларини кўриш; минтақавий ва маҳаллий транспорт йўналишларини боғлаш; “эшикдан эшиккача” хизматларини ривожлантириш.

Мухтасар қилиб айтганда, транспорт инфратузилмалари ва коммуникацияларини ривожлантириш дастурлари ташувлар ва уларга чамбарчас боғлиқ бўлган барча сегментларидаги талаб ва таклиф мувозанатини, марказ ва ўсиш нуқтлари орасида, ўсиш нуқталари ва ташқи бозорлар ўртасида самарали иқтисодий алоқаларпи таъминлашга қаратилиши лозим.

Н.Т.КАТТАЕВ.

---

[1] Б.Эргашев, А.Хашимов, З.Давыдова. «Полюса роста. Какими им быть?» – «Экономическое обозрение», №12, 2010. – С.11.

[2] “Халқаро парвозлар учун “Навоий” аэропортини очиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 августдаги 188-сон қарори.

Ахборот логистик тизимларининг турлари ва уларни яратиш тамойиллари



Логистикада ахборот тизимлари (АТ) бозор талабларига тезкор ва ўхшаш таъсирни, етказиб бериш вақтини кузатиб бориш, сифатли узатиш, ўз вақтида таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш мақсадида оптималлаштиришни кўзда тутади.

Логистикада ахборот тизимлари алоҳида корхона даражасида (микродаражада) моддий оқимларни бошқариш мақсадида яратилиши ёки минтақалар, мамлакатлар ва ҳатто мамлакатлар гуруҳи (макродаражада) ҳудудида логистик жараёнларни ташкил этишга кўмаклашиши ҳам мумкин (1-чизма).

Микродаражада ахборот тизимлари уч гуруҳга бўлинади:

– режали

– диспозитив (диспетчерлик)

– ижрочи (тезкор)

Режали ахборот тизимлари маъмурий бошқарув даражасида яратилади ва стратегик характерга эга узоқ муддатли қарорларни қабул қилиш учун хизмат қилиб, қуйидаги масалаларни ҳал этади:

– логистик занжир бўғинларини яратиш ва оптималлаштириш;


– кам ўзгарувчи маълумотларни бошқариш;

– ишлаб чиқаришни режалаштириш;

– захираларни умумий бошқариш.

Диспозитив ахборот тизимлари ўрта муддатли ва қисқа муддатли истиқболга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш учун омбор ёки цехни бошқариш даражасида яратилади ва логистик тизимларнинг ишларини йўлга қўйишни таъминлашга хизмат қилади. Масалан, заводнинг ички транспорти, тайёр маҳсулот захираларини бошқариш, материал ва пудратли равишда ташувларни таъминлаш, ишлаб чиқаришда буюртмаларни ишга тушириш. Баъзи масалалар пакет тартибида қайта ишланиши мумкин, бошқалари янада долзарб маълумотлардан кўпроқ фойдаланиш зарурати туфайли интерфаол (on-line) қайта ишлашни талаб этади. Диспозитив тизим қарорлар қабул қилиш учун барча дастлабки маълумотларни тайёрлайди ва маълумотлар базасида тизимларнинг долзарб ҳолатини белгилаб боради. Ушбу тизим ёрдамида қуйидаги масалалар ҳал этилиши мумкин:

1-чизма. Ахборот тизимларининг турлари



– захираларни муфассал бошқариш (омборлаштириш жойлари билан);


– омборнинг ички кўрсатмаси (ёки заводнинг ички транспорти билан);

– буюртмалар бўйича юкларни саралаш ва уларни комплектлаш, жўнатиладиган юклар ҳисоби ва бошқа вазифалар.

Ижрочи ахборот тизимлари маъмурий ёки тезкор бошқарув даражасида яратилади. Ушбу тизимларда ахборотларнинг қайта ишланиши унинг ЭҲМга келиб тушиш тезлиги билан белгиланган суръатда амалга оширилади. Бу жорий вақтда юкларнинг ҳаракати тўғрисидаги зарурий ахборотни олиш ва бошқарув объектига тегишли маъмурий ва бошқарув таъсирларини ўз вақтида кўрсатиш имконини берувчи реал вақт миқёсидаги иш тартибидир.

Логистика концепциясига мувофиқ ҳолда турли гуруҳларга тегишли ахборот тизимлари вертикал ва горизонтал интеграция асосида ягона ахборот тизимига интеграцияланади. Вертикал ахборот оқимлари воситасида режали, диспозитив ва ижрочи тизимлар ўртасидаги алоқа вертикал интеграция, деб юритилади. Горизонтал ахборот оқимлари воситасида димпозитив ва ижрочи тизимларда алоҳида вазифалар комплекси ўртасидаги алоқа горизонтал интеграция ҳисобланади.

2-чизма.



Умуман интеграцияланган ахборот тизимларининг устунлиги қуйидагилардан иборат:

– ахборотларни айирбошлаш тезлиги ортиб боради;

– ҳисобда хатолар сони қисқаради;

– унумсиз "қоғоз" ишининг ҳажми қисқаради.

Кўпинча АТни иккита кичик тизимга ажратадилар: функционал ва таъминловчи.

Функционал кичик тизим мақсадлар бирлиги белгиси бўйича гуруҳланган ва ҳал этиладиган масалалар йиғиндисидан иборат.

Таъминловчи кичик тизим, қуйидаги элементларни ўз ичига олади: техник таъминот, яъни ахборот оқимларининг қайта ишланиши ва узатилишини таъминловчи техник воситалар, турли маълумотномалар, таснифловчилар, кодлаштирувчилар, маълумотларнинг расмий ёритиш воситалари; математик таъминотни ўз ичига олувчи ахборот таъминотини қамраб олиб, яъни функционал масалаларни ҳал этиш усуллари йиғиндисидир.

Ш.Ғ.ОДИЛОВ,
ТДИУ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

Таълим тизимида замонавий ахборот технологиялари

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ахборотлаштириш соҳаси кескин ривожланиб кетди. Шу боис XXI аср ахборотлаштириш ва коммуникация асри, дейиш анъанага айланди. Ахборотлаштириш нима ва унинг вазифаларига нималар киради, унинг асосий хусусиятлари қандай, деган саволлар жамиятдаги ҳар бир фуқарони қизиқтириши табиий. Чунки инсон фаолиятини ахборотсиз тасаввур қилиш қийин.

Кундалик турмушда турли кўринишдаги ахборотлар масалан, матнли, графикли, жадвалли, овозли (аудио), расмли, видео ва бошқа ахборотлар билан ишлашга тўғри келади. Ҳар бир турдаги ахборот билан ишлаш (йиғиш, сақлаш ва ҳ.к.) учун турли техник характеристикаларга эга бўлган ахборот қурилмалари керак бўлади.

Микроэлектроника ишлаб чиқариш технологиясининг ривожланиши ва замонавий процессорли компьютерларнинг яратилиши ахборотларни қайта ишлаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида ўқитишни компьютерлаштиришга катта эътибор берилмоқда, чунки замонавий ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш катта ижобий натижалар беради. Ўқитишни компьютерлаштириш (ахборотлаштириш) ёки ахборот технологияларидан фойдаланиш дастурига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– таълим тизимининг барча поғоналарида ахборотлаштиришни етакчи бўғинлигини таъминлаш;

– барча соҳалар бўйича билим беришда ахборотлаштиришни ривожлантиришни лойиҳалаш ва яратиш (мониторинг);

– ахборотлаштириш соҳаларида меъёрий базаларни яратиш (илмий-методик бирлашмалар ва ҳ.к.);

– техник таъминот – компьютерлар, ахборот технологиясининг бошқа қурилмалари, уларга хизмат кўрсатиш учун керакли материалларни яратиш;

– телекоммуникация тармоқлари;

– таъминот ресурслари (дастурий таъминот, интернетдаги ахборотлар мажмуи, маълумотномалар ва ҳ. к.).

Ахборот технологиясидан фойдаланиш ва уни бирор-бир соҳага татбиқ этиш ўз ичига қатор вазифаларни олади. Қуйида ахборотлашган фаолият объектлари ҳақида сўз юритамиз.

Бундай объектларга сонлар (ўлчаш ва моделлаштириш натижалари), матнлар, тасвирий ахборотнинг статистик ва динамик ифодалари, расмлар, чизмалар ва анимациялар, овозли образлар (ёзилган овоз, мусиқа) ва бошқалар киради.

Фойдаланувчининг мустақил ва онгли равишда олиб борадиган фаолиятига ахборот объектларини яратиш, зарур ахборот объектларини излаш, ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ажратиб олиш, ташкиллаштириш, керакли кўринишда тасвирлаш, ахборот объектларини (матн, суҳбат, расм, ўйин ва бошқа кўринишда) узатиш, моделлаштириш, лойиҳалаш, объектларни режалаштириш ва бошқалар киради.

Ахборот технологияси моделлари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

– компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш планшети, мусиқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти;

– ускунавий дастурий таъминот;

– виртуал матн конструкторлари, мультипликациялар, мусиқалар, физик моделлар, географик хариталар ва ҳ.к.;

– ахборотлар мажмуи — маълумотномалар, энциклопедиялар, виртуал музейлар ва ҳ.к.;

– техник кўникмалар тренажёрлари (тугмачалар мажмуидан тугмачаларга қарамасдан маълумот киритиш, дастурий воситаларни дастлабки ўзлаштириш ва ҳ. к.).

Тараққий этган хорижий давлатлар ва республикамиздаги етакчи таълим муассасаларида компьютер технологиялари асосида ўқитиш дастурлари таҳлили сифат жиҳатидан янги ўқитиш воситалари бўлиб, улар анъанавий ўқитиш методларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатмоқда. Бундай ёндашишнинг асосий воситаларидан бири сифатида, компьютерда моделлаштириш назариясини кўрсатиш мумкин.

Мультимедиа воситалари асосида ўқитиш жараёнида аниқ фанларни компьютер асосида тўлиқ ўқитиш, маъруза матнларини таҳрир қилиш, талабалар топширган назорат натижаларининг таҳлили асосида маъруза матнларини баён қилиш услубини яхшилаш, ўқувчи-талабалар ахборот технологияларини мультимедиа воситалари асосида анимация элементларини дарс жараёнида кўриши, эшитиши ва мулоҳаза қилиш имкониятларига эга бўлади.

Ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари билан ишлайдиган ўқитувчилар қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари керак:

– маъруза матнлари, амалиёт билан боғлиқ топшириқларни тайёрлаш;

– услубий кўрсатмаларни, назорат саволларини, тўғри жавоблар вариантини тузиш;

– ишчи дастур ва технологик харитани тузиш;

– билимни назорат қилиш натижасини таҳлил этиш;

– маъруза матнларини таҳрир қилиш;

– ҳар бир мавзу бўйича динамик кўринишда акс этувчи жараёнларнинг анимацияларини тасаввур этиш;

– мустақил ишлар бўйича ўқувчиларга назарий ва амалий саволлар юзасидан маслаҳатлар беришни ташкил қилиш;

– ўзлаштирилиши мураккаб бўлган мавзулар бўйича ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш каби талаблар қўйилади.

Қўйилган ушбу талаблар бўйича ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари асосида дарс жараёнини ташкил қилиш педагог-ўқитувчиларнинг иш фаолиятини осонлаштириб, ўқув жараёнини бошқариш, унинг самарадорлигини янада кўтаришга эришилади. Шу билан бир қаторда, таълим муассасаси раҳбариятига ўқувчиларнинг олган билимларини, тест натижаларини кўриб бориш ва уларнинг ўзлаштириш даражасига баҳо бериш, ўқитувчиларнинг маъруза матнлари ва бошқа мустақил ишларига мўлжалланган материалларининг тайёрлаш сифатига баҳо бериш, мультимедиа воситалари асосида лаборатория ишларини бажариш учун компьютерда моделлаштирилган анимацион тақдимотлар жорий этиш, курсни ўзлаштириш бўйича услубий материалларни тайёрлаш учун таклифлар ишлаб чиқиш кабиларни амалга ошириш имконини беради.

Компьютер-ахборот технологиялари моделидан фойдаланиш масаласи ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, дарс жараёнида намойиш қилиниши керак бўлган объектнинг ички, ташқи хоссаларини кўрсата олишдек муҳим вазифани амалга ошириш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида, ахборот-педагогик технологиялар асосида мультимедиали электрон дарсликлар (МЭД) яратиш мумкин эканлигини кўрсатади.

Ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари ўқув жараёнида қуйидаги энг муҳим жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир:

– дифференциал ва индивидуал ўқитиш жараёнини ташкил этилиши;

– ўқув жараёнини баҳолаш, тескари алоқа боғлаши;

– ўзини ўзи назорат қилиш ва тузатиб бориши;

– ўрганилаётган фанларни намойиш этиши ва уларнинг динамик жараёнини кўрсатиши;

– фан мавзуларида анимация, графика, мультипликация, овоз каби компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиши;

– ўқувчи-талабаларга фанни ўзлаштириш учун муҳим кўникмалар ҳосил қилиши ва ҳоказо.

Шунингдек, мультимедиа воситаларининг амалий томони, улардан ўқув жараёнида фойдаланиш ва келгусида таълим тизимида ўқув жараёни учун маълумотлар базасини ва анимацион тақдимотлар яратишдек муҳим вазифани амалга оширишга замин ҳозирлайди.

Т.З.ТЕШАБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси докторанти, и.ф.н.

Умумтаълим мактаблари Директорлик жамғармаси фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари



Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида 1999 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартиби белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-227-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 275-сонли қарори ижросини таъминлашда, умумтаълим мактабларида ўрнак кўрсатган ходимларга устама ҳақларни белгилаш тўғрисидаги Низом асосида 2006 йилнинг 1 январидан барча умумтаълим мактабларида ўрнак кўрсатаётган ходимларни рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси тузилди. Директор жамғармаси ҳисобидан умумтаълим мактаблари юқори малакали ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш умумтаълим мактаби директори раҳбарлигида тузилган Комиссия йиғилиши қарори, унга мувофиқ қабул қилинган умумтаълим мактаби директорининг буйруғига асосан белгиланади.

Директор жамғармаси ҳисобидан моддий рағбатлантиришнинг барча турлари Комиссия йиғилиши қарори, унга мувофиқ қабул қилинган умумтаълим муассасаси директорининг буйруғига асосан ишлаб чиқилган. Устама ҳақ белгилаш мақсадида номзодлар рўйхатга киритиш учун ҳар бир педагог ходимга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар тақдим қилинади. Базавий тариф ставкаларига алоҳида ўрнак кўрсатган ўқитувчиларга ҳамда уларнинг ўқув-тарбия фаолиятига қўйилган баҳолар асосида белгиланган ҳар ойлик устама ҳақлар ўқитувчилар умумий сонининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда белгиланади. Ўқитувчилар педагогик фаолиятининг самарадорлиги ва юқори натижалари юзасидан танлов асосида ўтказилган ташқи мониторинги натижалари ҳақида Комиссияга до-

имий равишда ахборот берилади.

Барча умумтаълим мактабларида Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 41-, 5067- ва 84-01-1375-сонли қарорлари билан тасдиқланган "Умумтаълим муассасалари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида"ги Низом асосида Махсус комиссиялар шакллантирилиб, фаолият юритиб келмоқда.

Умумтаълим муассасаларига умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқ ўқувчиларга таълим берадиган барча тип ва номдаги умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлар киради.

Директор жамғармаси маблағлари:

– умумтаълим муассасаларининг фақат ўрнак кўрсатган ўқитувчиларини (улар умумий сонининг кўпи билан 50 фоизини) уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантиришга;

– умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлашга ва моддий ёрдам кўрсатишга (фавқулодда ҳолларда) йўналтирилади;

– фақат тежалган маблағлар мавжуд бўлгандагина ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Рағбатлантириш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш учун туман (шаҳар)нинг энг иқтидорли ўқитувчиларининг илғор тажрибаси ва фаолияти самарадорлигини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тавсия этилади.

Республика ва маҳаллий бюджетда белгиланган тартибда назарда тутиладиган бюджет маблағлари Директор жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади.



Директор жамғармаси умумтаълим муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ташкил этилади. Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори молия йили учун, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети тасдиқланган параметрларида назарда тутилган "Умумий таълим" бўлимининг тегишли параграфлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашга бюджет харажатлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан миқдори республиканинг барча умумтаълим муассасалари бўйича ягона ҳисобланади. Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори Давлат бюджети қабул қилингандан кейин, ташкилотларга харажатларнинг белгиланган ҳажмини улар эътиборига етказиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма хати билан барча умумтаълим муассасаларига ҳамда молия органларига етказилади.

Бюджетдан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари таъминотига харажатларнинг йиллик сметаларини молия органларида рўйхатдан ўтказишда тегишли халқ таълими бошқарув органи молия органига белгиланган тартибда ҳар бир мактаб бўйича ушбу харажатларга нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган миқдордан келиб чиқиб Директор жамғармаси маблағларини ажратиб кўрсатган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари йиллик ҳажмини тақдим этади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир умумтаълим муассасаси таъминоти харажатлари сметасида назарда тутилади, улар "Иш ҳақи" моддасига киритилади, "Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари" бюджет классификацияси бўйича сметага ҳисоб-китобларда алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатилади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига устамалар ҳамда бошқа турдаги рағбатлантиришларни тўлаш маблағларини молиялаштириш белгиланган тартибда молия органлари томонидан иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда амалга оширилади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига тайинланган ус-

тамалар, моддий ёрдам ва мукофотлар суммаси умумтаълим муассасасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ҳамда улардан давлат ижтимоий суғуртасига маблағ ўтказилади. Жисмоний шахсларнинг Директор жамғармаси ҳисобига олинган даромадларига солиқ солиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш ва умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Бунда халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ва вилоят халқ таълими бошқармалари)нинг махсус комиссиялар фаолиятига ҳамда улар қабул қиладиган қарорларга аралашувига йўл қўйилмайди, Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан Молия вазирлиги билан келишилган, кейинчалик белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган ҳолда, тасдиқланади.

Республикамизда Директорлик жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланишни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.

Келтирилган 1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, республика бўйича таълим харажатларида (халқ таълими бўйича олинган) Директорлик

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактаби харажатларида Директорлик жамғармаси маблағларининг улуши (фоиз ҳисобида)[1]

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Умумтаълим харажатларида	5,7	5,7	5,6	5,7
Умумтаълим мактаблари харажатларида	7,8	7,9	7,6	7,7
Умумтаълим мактаблари иш ҳақи харажатларида	11,1	11,1	11,0	11,1

2-жадвал. Самарқанд вилояти бўйича умумтаълим мактаблари иш ҳақи фондида Директорлик жамғармаси маблағлари улуши (фоиз ҳисобида)[2]

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Умумтаълим мактаблари иш ҳақи фонди вилоят бўйича – жами	100	100	100	100
Директорлик жамғармаси маблағлари	9,6	9,5	9,3	9,4

3-жадвал. Самарқанд вилояти туманлари бўйича умумтаълим мактаблари иш ҳақи фондида туманлар кесимида Директорлик жамғармаси маблағлари улуши (фоиз ҳисобида)[3]

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Умумтаълим мактаблари иш ҳақи фонди вилоят бўйича – жами	100	100	100	100
Вилоят бюджети*	0,05	0,04	0,04	0,01
Самарқанд шаҳар	0,7	0,6	0,6	0,7
Каттақўрғон шаҳар	0,2	0,2	0,2	0,2
Оқдарё тумани	0,4	0,3	0,4	0,4
Булунғур тумани	0,5	0,5	0,5	0,4
Жомбой тумани	0,4	0,4	0,4	0,4
Иштихон тумани	0,7	0,7	0,7	0,7
Каттақўрғон тумани	0,7	0,7	0,7	0,7
Қўшработ тумани	0,5	0,5	0,5	0,5
Нарпай тумани	0,6	0,5	0,5	0,5
Пайариқ тумани	0,8	0,8	0,8	0,8
Пастдарғом тумани	1,1	1,1	1,1	1,1
Пахтачи тумани	0,4	0,4	0,3	0,3
Самарқанд тумани	0,6	0,6	0,5	0,5
Нуробод тумани	0,5	0,5	0,5	0,5
Тайлоқ тумани	0,5	0,4	0,5	0,5
Ургут тумани	1,1	1,1	1,1	1,1

* бу ерда вилоят бюджети молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари бўйича маълумот келтирилган.

жамғармаси маблағлари 2008-2009 йилларда 5,7 фоизни, 2010 йилда 5,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 5,7 фоизни ташкил этган. Умумтаълим мактаблари харажатларида 2008 йилда 7,8 фоизни, 2009 йилда 7,9 фоизни, 2010 йилда 7,6 фоизни, 2011 йилда 7,7 фоизни ташкил қилган, 2008 йилга нисбатан 2011 йида 0,1 фоизли пунктга пасайган. Умумтаълим мактаблари иш ҳақи харажатларида Директорлик жамғармаси таҳлил қилинаётган йилларда ўзгаришсиз қолган, яъни 11,1 фоизни ташкил қилган.

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Самарқанд вилояти

бўйича Директорлик жамғармаси маблағлари 2008 йилда 9,6 фоиздан 2011 йил якунларига кўра 9,4 фоизгача ёки 2008 йилга нисбатан 2011 йилда 0,2 фоизли пунктга пасайган. Ушбу ҳолатни иш ҳақи фондининг муттасил орттирилиб борилаётганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Бизнингча, мазкур ҳолатда ўсиш кузатилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

3-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, вилоят бюджетидан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари Директорлик жамғармаси маблағлари таҳлил қилинаётган йиллар оралиғида пасайиш кузатилган, хусусан, 2011 йилда 2008 йилга нисбатан 0,04 фоизли пунктгача, Пахтачи ва Самарқанд туманларида 0,1 фоизли пунктга пасайганлигини кўришимиз мумкин. Қолган туманлар бўйича Директорлик жамғармаси маблағлари ўзгаришсиз қолган.

Юқоридаги келтирилган жадвал маълумотларидан кўринадики, вилоят бюджетидан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари иш ҳақи фондида Директорлик жамғармаси маблағлари 2008 йилга нисбатан 2011 йилда 0,8 фоизгача, Самарқанд шаҳри ва Булунғур тумани бўйича 1,0 фоизгача, Каттақўрғон шаҳри бўйича 0,4 фоизгача, Оқдарё тумани бўйича 0,2 фоизгача, Жомбой туманида 3,5 фоизгача, Нарпай туманида 0,3 фоизгача, Пастдарғом тумани бўйича 0,4 фоизгача, Пахтачи тумани бўйича 1,6 фоизгача, Самарқанд тумани бўйича 0,9 фоизгача пасайиш кузатилган. Иштихон тумани бўйича Директорлик жамғармаси маблағлари 2011 йилда 2008 йилга нисбатан 0,2 фоизга, Қўшработ тумани бўйича 1,1 фоизгача, Пайариқ тумани бўйича 0,8 фоизгача, Нуробод ва Ургут туманлари бўйича 0,3 фоизгача кўпайиш кузатилган.

4-жадвал. Самарқанд вилояти туманлари бўйича умумтаълим мактаблари иш ҳақи фондида Директорлик жамғармаси маблағлари улуши (фоиз ҳисобида)[4]

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Вилоят бюджети*	1,4	1,3	1,2	0,6
Самарқанд шаҳар	7,7	6,7	6,4	6,7
Каттақўрғон шаҳар	8,3	8,3	7,9	7,9
Оқдарё тумани	10,2	8,6	10,1	10,0
Булунғур тумани	10,5	9,9	9,9	9,5
Жомбой тумани	10,5	10,6	10,2	7,0
Иштихон тумани	10,9	10,6	10,6	11,1
Каттақўрғон тумани	10,1	10,5	9,5	10,1
Қўшработ тумани	9,4	9,7	10,4	10,5
Нарпай тумани	9,6	9,3	8,9	9,3
Пайариқ тумани	9,4	9,9	9,9	10,2
Пастдарғом тумани	10,2	10,3	10,2	9,8
Пахтачи тумани	9,8	10,7	8,6	8,2
Самарқанд тумани	10,3	9,7	9,5	9,4
Нуробод тумани	10,8	10,7	11,1	11,1
Тайлоқ тумани	9,5	9,5	9,9	9,6
Ургут тумани	10,6	10,9	10,5	10,9
Вилоят бўйича – жами	9,6	9,5	9,3	9,4

* бу ерда вилоят бюджети молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари бўйича маълумот келтирилган.

Мазкур ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, ўсиш кузатилган ҳудудларда Директорлик жамғармасидан фойдаланиш даражасининг фаоллашаётганлиги, пасайиш кузатилган ҳудудлар бўйича жамғарма маблағларидан фойдаланиш пассивлашиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Директорлик жамғармаси маблағларининг ўсиши умумтаълим мактабларида ўз устида ишлаётган, педагогик маҳорати ва педагогик фаолияти билан бошқаларга ўрнак бўла оладиган педагог-кадрларнинг кўпаётганлигидан далолат беради. Бу эса, ўша ҳудудда таълим-тарбия жараёнларининг сифат даражасидан юксалиб бораётганлигини кўрсатади.

Ориф ЗАНЖИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
тингловчиси.

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

[2] Самарқанд вилояти молия бошқармаси ҳисобот маълумотлари асосида тадқиқотчи ҳисоб-китоби

[3] Самарқанд вилояти молия бошқармаси ҳисобот маълумотлари асосида тадқиқотчи ҳисоб-китоби

[4] Самарқанд вилояти молия бошқармаси ҳисобот маълумотлари асосида тадқиқотчи ҳисоб-китоби

Олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги ва рақобат устунликлари



ХАР БИР ЮРТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ҲАМ НАМОЁН БЎЛАДИ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Бугунги кунда у бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли тизимни ўз ичига олади. Ҳозир Ўзбекистонда 59 та олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг 11 та ҳудудий филиали ва хорижий етакчи олий ўқув юртларининг 6 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда ҳудудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрланаётган университет ва қатор ихтисослаштирилган институтлар ҳам мавжуд. Зеро, таълим ва тарбия мамлакат самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилларидандир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрида инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин".

Олий таълим муассасасининг рақобат салоҳиятини бошқариш унинг рақобатбардошлигини бошқариш билан узвий боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида миллий рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилади. Мамлакат таълим тизимининг рақобатбардошлиги асосида эса, унинг таркибига кирувчи ҳар бир олий ўқув юртининг рақобатбардошлиги ётади. Бу боғлиқликни поғонали кўринишда қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм):

Олий таълимнинг бош миссияси – дунёдаги тезкор ўзгаришлар

1-расм. Миллий хўжалик билан узвий алоқадор таълим тизими субъектларининг рақобатбардошлик поғоналари



даврида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиши ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун шароитлар яратиш, инсон салоҳияти даражасини узлуксиз ошириш, замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли мутахассисларни тайёрлаш, шахс, жамият ва давлатнинг таълимга бўлган талабини қондириш ва самарали олий таълим тизимини шакллантиришдан иборатдир.

"Рақобат устунлиги" ва "лаёқат" тушунчалари ҳам рақобат назариясининг "рақобатбардошлик" каби муҳим тушунчаларидан ҳисобланади. Умумий ҳолда қуйидаги занжирсимон боғланиш ўринлидир: лаёқат (Л) – рақобат устунлиги (РУ) – рақобатбардошлик (РБ) – рақобат салоҳияти (РС).

Олий таълим муассасасининг лаёқати унинг ривожланиш моделига қараб аниқланади. Олий ўқув юртларининг бир-бирига тубдан қарама-қарши икки модели фарқланади. Булар: тармоқ ва фундаментал олий ўқув юртларидир.

Республикамизда юридик мақомга эга олий таълим муассасаларининг қуйидаги кўринишлари бор: университет – олий таълим дастурини бажаришда талабларга эгаллаётган соҳаси бўйича ёки кейинчалик ўқишларини давом эттиришлари учун кенг қамровли билим беришга эътибор қаратилади; академия – олий таълим дастурини бажаришда олий таълим бериш билан бир қаторда кейинчалик ўқишларини давом эттиришлари учун аниқ бир йўналишга тайёрлайди; институт – барча олий таълим муассасалари каби олий таълим дастурини бажаради, билим беришда бир йўналишга қаратилган билим берилади.

Агар М.Портернинг умумий моделли ёндашувини таълим хизматларига мослаштирилса, у ҳолда олий ўқув юртининг рақобат устунликлари қуйидагиларга асосланади:

– ишлаб чиқариш омилларида тутган ўрни (позицияси), шу жумладан, малакали профессор-ўқитувчиларнинг борлиги, моддий-техника базаси ва зарурий инфратузилмаси;

– маълум турдаги таълим хизматларига бўлган талабнинг хусусиятлари ва динамикаси;

– Турдош ва қўллаб-қувватловчи фаолият турлари (илмий тадқиқот, информацион бизнес, маркетингли бошқарув)нинг бор ёки йўқлиги;

– барқарор стратегия, тузилманинг мавжудлиги ва бозордаги рақиблик даражаси.

Г.Л.Азоев ва А.П.Челенков томонидан фирмаларнинг рақобат устунликларини таснифлашнинг энг муҳим мезони – уларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқловчи асосий шарт эканлиги кўрсатиб берилган. Ана шу ёндашувга кўра, олий ўқув юртларининг рақобат устунликларини қуйидагиларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Иқтисодий омилларга асосланган рақобат устунликлари: истеъмол бозорида юқори тўловга қодир талабнинг борлиги; давлат томонидан қўшимча молиялаштириш ёки бошқа молиявий манбалар (ҳомийлар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) буюртмачилари ва бошқалар)нинг борлиги; олий ўқув юртининг таълим хизматларига талабнинг паст эластиклиги (масалан, унинг нуфузи баландлиги туфайли); таълим хизматлари бозорини кенг қамраб олганлиги туфайли масштаб самарасининг борлиги; кадрларнинг юқори малакасини кўрсатувчи тажриба самарасининг борлиги ва солиштирма харажатларнинг камлиги ва бошқалар;

2. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган рақобат устунликлари. Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари 20 дан ортиқ ҳужжатларда белгилаб берилди ҳамда улар базасида энг муҳим йўналиш ва натижалари ижроси таъминланди;

3. Тузилмавий характердаги рақобат устунликлари олий ўқув юртининг ҳамкорлар билан вертикал ва горизонтал интеграцияси имкониятларидан самарали фойдаланиш эвазига пайдо бўлади: узлуксиз таълимнинг ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш, ҳудудий университетлар тузилмасига кириш, таълим кластерларида қатнашиш ва бошқалар;

4. Маъмурий тадбирлар туфайли юзага келган рақобат устунликлари: мисол учун, бундай устунликлар ҳудудий олий ўқув юртларида пойтахт олий ўқув юртларининг ҳудуддаги филиаллари билан таққослаганда маъмурий (маҳаллий) ресурсдан фойдаланиш эвазига пайдо бўлиши мумкин;

5. Бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси билан аниқланадиган рақобат устунликлари: ҳудуддаги инфратузилманинг транспорт, коммуникация, ахборот ва бошқа қуйи тизимларининг ривожланганлиги улардан фойдаланишда олий ўқув юртларига устунликка эга бўлишлари учун имкон яратади. Бу устунликлар кўпроқ пойтахтдаги олий ўқув юртларига хосдир;

6. Олий ўқув юртининг ривожланган илмий фаолиятига боғлиқ рақобат устунликлари: олий ўқув юртида илмий-тадқиқот ишларининг кенг йўлга қўйилганлиги турли грантлар ва бошқа ИТТКИни мақсадли молиялаштириш усуллари орқали ресурсларни жалб этиш имкониятини яратади. Ривожланган илмий фаолият малакали профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш, ўқув-услубий ишларнинг сифатини яхшилаш ва оқибатда таълим хизматлари сифатини такомиллаштиришнинг асосини ташкил этади;

7. Ўқув-услубий ишларнинг самарали ташкил этилганлиги ва таълим хизматлари сифатининг юқорилиги билан боғлиқ рақобат устунликлари: замонавий таълим технологиялари, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини узлуксиз ошириш, ўқув-услубий ишларнинг юқори сифати, компьютерлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнларида замонавий ахбо-

1-жадвал

Олий ўқув юртининг моддий ресурсларга асосланган рақобат устунликлари	Олий ўқув юртининг номоддий ресурсларга асосланган рақобат устунликлари
Меҳнат ресурсларига асосланган рақобат устунликлари: – ишчи кучининг (профессор-ўқитувчиларнинг) қиймати – меҳнат унумдорлиги.	Номоддий активлар билан таъминланган рақобат устунликлари: – маркетинг активлари (бренд қиймати); – технологик активлар (патентлар, лицензиялар); – бадиий активлар (фильмлар, роликлар); – мижозларнинг активлари.
Технологик ресурсларига асосланган рақобат устунликлари: – қўлланилаётган таълим технологияларининг самарадорлиги (уларнинг сифати, даражаси, маҳсулдорлиги).	Интеллектуал ресурслар билан таъминланган рақобат устунликлари: профессор-ўқитувчилар ва ходимлар лаёқатлилигининг ривожланиш даражаси; – профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг шахсий фазилатлари; – профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг ижодий салоҳияти; – профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион салоҳияти.
Молиявий ресурларига асосланган рақобат устунликлари: – барқарор молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги; – бюджетдан ташқари маблағлар ҳажми; – молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги.	Муносабатлар орқали таъминланган рақобат устунликлари: – харидорлар (турли гуруҳлар) билан муносабат; – стейкхолдерлар; – давлат назорат органлари билан муносабат; – ҳамкорлар ва рақобатчилар билан муносабат.
Информацион ресурсларига асосланган рақобат устунликлари: – ахборотларнинг сифати; – ахборотларнинг қиймати.	Ташкилий ресурслар билан таъминланган рақобат устунликлари: – бошқарув сифати; – бошқарув технологиялари – қарор қабул қилиш жараёнларининг самарадорлиги; – корпоратив маданиятнинг ривожланганлиги; – ташкилий даражаси ва бошқалар.

рот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва бошқалар;

8. География омилларга асосланган рақобат устунликлари: олий ўқув юртининг жойлашган ўрни рақобатнинг кучайиши шароитида муҳим аҳамиятга эга. Пойтахтдаги олий ўқув юртлари бу омил бўйича чекка ҳудудлардагига нисбатан етарлича устунликка эга;

9. Олий ўқув юрти раҳбариятининг ахборотлардан яхши хабардорлиги билан боғлиқ рақобат устунликлари: қонунчиликдаги, рақобатчилар фаолиятидаги, таълим технологиялари ва бошқа ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўлиш олий ўқув юртининг янги шароитларга тезроқ мослашувига кўмаклашади ва бу нарса унинг рақобатбардошлигини оширишга имконият яратади;

10. Ноқонуний характердаги рақобат устунликлари: булар: носоғлом рақобат; давлат ва маҳаллий бошқарув органлари вакилларининг ўз вазифаларини виждонсизлик билан бажариши туфайли пайдо бўлади.

Олий ўқув юртининг рақобат устунликларини моддий ва номоддий ресурсларга асосланиб ҳам таснифлаш мумкин (1-жадвал).

Олий ўқув юртининг рақобат устунликларини баҳолашда бошқа таснифлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Фирманинг рақобат устунликлари каби олий ўқув юртининг рақобат устунликларини ҳам қисқа муддатли ва узоқ муддатли, рақобатчилар томонидан осон ва қийин ўзлаштириб олинадиган турларга ажратиш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, олий ўқув юрти рақобат устунликлари асосида ривожланиш стратегиялари ва рақобат стратегияларини шакллантириш мумкин. Рақобат устунликлари ҳал қилувчи лаёқатларни ривожлантириш йўналишларини аниқлаб беради ва бу, ўз навбатида, таълим хизматлари аутсорсингини ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Дилшод НИШОНОВ.

Биржа Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

2012 йил, 9 (57)-сон.
2008 йил январдан чоп этилмоқда.
Муассис: “Биржа” Нашриёт уйи МЧЖ.
Бош директор: Ҳожиматов Б.Х.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – С.Э. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳлар – Мусулмонқулова М. Ю., Қурбонова Р. Ж.
Дизайнер-саҳифаловчи – Маҳкамов А.А.
Ушбу сонда В.В. Гончаренко суратларидан фойдаланилди.

Таҳририят манзили:
100003, Тошкент ш., “Ўзбекистон” шоҳкўчаси, 55.
Тел.: (+998 71) 259-22-32, 259-21-96.
Факс: (+998 71) 239-83-89, 239-83-79, 259-22-06.
E-mail: zaobirja@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 17 августда қайта рўйхатга олинган. 0507-сонли гувоҳнома.

Журналнинг “Matbuot tarqatuvchi” АК обуна каталогидаги юридик ва жисмоний шахслар учун индекси – 1169.

Бичими 60X84 1/8 (4 б.т.). Адади 330.
Чоп этишга 2.10.12 йилда рухсат этилди.
«Муҳаррир» нашриёти МЧЖ Матбаа бўлимида чоп этилди.
-сонли буюртма. Манзил: 100060, Тошкент ш., Элбек кўчаси, 8-уй.

Ойда бир марта чиқади. Баҳоси келишилган нархда.

“Биржа-Эксперт” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин.

Юборилган қўлёзмалар рецензия қилинмайди ва қайтариб берилмайди.
Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.

Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.

№9 (57), 2012 года.
Издается с января 2008 года.
Учредитель: ООО Издательский дом “Биржа”.
Генеральный директор: Хожиматов Б.Х.

Редакция:
Главный редактор – Хайдаров С.Э.
Корректоры – Супонова М.Г., Халлиева Н.А.
Дизайнер-верстальщик – Махкамов А.А.
В этом номере были использованы фотографии Гончаренко В.В.

Адрес редакции:
100003, г. Ташкент, проспект Узбекистанский, 55.
Тел.: (+998 71) 259-22-32, 259-21-96.
Факс: (+998 71) 239-83-89, 239-83-79, 259-22-06.
E-mail: zaobirja@mail.ru

Журнал перерегистрирован в Агентстве по печати и информации Республики Узбекистан 17 августа 2009 года. Регистрационное свидетельство № 0507.

Подписной индекс журнала в каталоге АК “Matbuot tarqatuvchi” для юридических и физических лиц – 1169.

Формат 60X84 1/8 (усл. печ. лист 4). Тираж 330.
Подписано в печать 2.10.12 г.
Отпечатано в полиграфическом отделе ООО издательстве «Мухаррир».
Заказ № . Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Элбек, 8.

Выходит один раз в месяц. Цена договорная.

Перепечатка материалов “Биржа-Эксперт” допускается только с письменного разрешения редакции.

Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов.

Присланные рукописи не рецензируются и не возвращаются.
Авторы несут персональную ответственность за достоверность фактов, содержащихся в публикациях.

Ответственность за содержание рекламы несет рекламодатель.

Бу ерда сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин



РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР

ДИҚҚАТИГА!

“Biznes-Эксперт“ журналига йил давомида обуна бўлиш мумкин.
Нашрга обунани расмийлаштиргач,
Сиз ишончли эксперт ахборотига эга бўласиз.

Журналга “Ўзбекистон почтаси“ АЖ, “Matbuot tarqatuvchi“ АЖ ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини тўғридан-тўғри “Бизнес-Daily Медиа“ Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна индекси – 1169.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-22-06.